- ◆ Статья посвящена роли и значению Конституции в построении демократического правового государства и формировании гражданского общества, анализу основных принципов Конституции.
- ◆ This article is devoted to the role and significance of the Constitution in the construction of a democratic lawful state and the formation of a civil society and the analysis of the basic principles of the Constitution.

Таянч сўзлар: Конституция, давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, мустақиллик, демократик ҳуқуқий давлат, адолатли жамият, давлат органлари, мансабдор шахслар.

Ключевые слова: Конституция, государственный суверенитет, народовластие, независимость, демократическое правовое государство, справедливое общество, государственные органы, должностные лица.

Key words: Constitution, state sovereignty, democracy, democratic law ful state, fair society, state bodies, officials.

Ўзбекистон халқи ўзининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида бундан 25 йил муқаддам демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли жамият қуришни ўз олдига бош мақсад қилиб қўйди.

Ушбу буюк мақсад йўлида амалга оширилган барча ислохотлар, эришилган ютуқларга Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳуқуқий пойдевор бўлганлигини ўтган давр яққол исботлади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори сифатида ўзини тўлиқ оқлади десак, асло муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: "Мустақил тараққиёт йилларида Конституциямиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодийни қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда",

дея таъкидлаганининг ўзи ҳам юқоридаги фикримизга асос бўлади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Конституциясининг дунёга келишига асосан иккита омил сабаб бўлган эди.

Буларнинг биринчиси, жамиятнинг бозор муносабатлари томон тутган йўли, яъни Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятига иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, маънавий соҳаларда мутаносиб равишда ривожлантиришни мақсад қилганлиги бўлса, иккинчиси, Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини эълон қилиши Конституцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни тақозо этган, яна ҳам аниқроғи, тезлаштирган омиллардан бўлди. Ўз даврида Биринчи Президентимиз мустақилликнинг дастлабки кунларида "Биз ўз тараққиёт йўлимизни Конституция асосида белгилаб олишимиз лозим. Давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ", деб таъкидлаган эди.

Маълумки, демократик ҳуқуқий давлат ўзининг асосий белгиларига эга. Ҳар қандай демократик ҳуқуқий давлатда, энг аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари қонун билан кафолатланган бўлиши керак, иккинчидан, давлат органлари ва мансабдор шахслар қонунга итоат этиши лозим, учин-

чидан эса, шахс эркинлигининг қонун асосида кафолатланиши ва ҳимояланиши узлуксиз равишда амалга ошириб борилиши лозим.

Ўтган йилларда мамлакатимизда олиб борилган ислохотлар мазмун-моҳиятига эътибор берадиган бўлсак, юқорида биз айтиб ўтган ва таъбир жоиз бўлса, ҳуқуқий демократик давлат мавжуд бўлишининг шарти бўлган ҳар учта тамойилни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида улкан ишлар амалга оширилганлигини кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг юқорида айtilган Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидланганидек, "Айнан Биринчи Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан Конституциямизда "Инсон ва унинг кадр-қиммати" деган улғу тушунча марказий ўринга қўйилди". Бу эса, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг муҳим шарти сифатида конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйилди. Бу эса, ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун деган тамойилни ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқий замин бўлди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг давлатнинг моҳияти тубдан ўзгарди. Энди барча давлат учун эмас, балки аксинча, давлат инсон учун, унинг эрки, шаъни, кадр-қиммати, бир сўз билан айтганда, инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши белгилаб қўйилди.

Конституциямизда давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканликлари, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириши мустаҳкамланди.

Асосий қонунимизга кўра халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Бошқача қилиб айтганда, унинг хоҳиш-иродаси давлат сиёсатини белгилаб беради. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевожита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий принципларига эътибор қаратсак. Чунки, ушбу принциплар мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилган давлат қурилиши соҳасидаги ислохотларнинг бош омили бўлиб хизмат қилди. Яна ҳам аниқроғи, ўтган йилларда эришган ютуқларимизнинг асо-

сий гарови сифатида айнан Конституциямизни мана шу тўртта принциплар катта роль ўйнади.

Конституциямизнинг асосий принциплари қуйидагилардир:

1. Давлат суверенитети;
2. Халқ ҳокимиятчилиги;
3. Конституция ва қонуннинг устунлиги;
4. Ташқи сиёсат.

Давлат суверенитети принциплари. Ушбу принцип асосида ўзбек давлатининг туб моҳияти очиб берилган. Аввало, Ўзбекистон суверен давлатдир. Дарҳақиқат, Биринчи Президентимиз қатъий айтганидек, "Мустақил ўзбек давлати — халқимизнинг тарихий ютуғидир". Ўзбекистоннинг халқимиз орзу қилган чинакам мустақилликни қўлга киритиши, унинг гуллаб-яшнаши ва фаровонликка эришиши, тараққий этган давлатлар халқаро жамиятида муносиб ўрин эгаллаши биз кўзлаётган энг олий қадриятдир.

Юртимизда суверен ўзбек давлатчилиги асослари изчиллик билан барпо этилмоқда. Биз мустақилликка бир тарихий тасодиф оқибатида осонгина, ҳеч қандай курашсиз, табиатнинг гўёки бир эҳсон сифатида эришганимиз йўқ.

Суверенитет — ҳар қандай давлатнинг энг муҳим, ажралмас белгиларидан биридир. Шунинг учун ҳам Конституциямизнинг 1-моддасида ўзбек давлатининг мустақиллиги, суверенитети мустаҳкамлаб қўйилган.

Халқ ҳокимиятчилиги принциплари. Асосий қонунимизнинг 7-моддасида халқ давлат ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи эканлиги, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Конституция ҳамда қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилиши, унинг 11-моддасида эса мамлакатимизда давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принциплари асосланиши кўзда тутилган.

Бу билан Конституциямизнинг асосий принципларидан бири халқ ҳокимиятчилиги эканлиги кўриниб турибди.

Конституция ва қонуннинг устунлиги принциплари. Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинди, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўриши, Конституциянинг бирорта қонундаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган. Бу билан эса Бош қомусимизда "Конституция ва қонуннинг устунлиги" принциплари белгиланган.

Халқ ҳокимиятчилиги Конституция ва қонуннинг устунлиги принципларига асосий ўрин берилиши қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оши-

рувчи Олий Мажлис фаолиятини самарали ташкил этиш заруратини келтириб чиқаради.

Шунинг учун Конституциямизда қонун чиқарувчи ҳокимият, яъни парламент фаолиятига алоҳида ўрин ажратилган. Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг фаолият доирасига, ваколат ва вазифаларига эътибор қаратсак, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва умуман инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда парламентнинг роли нечоғли муҳим эканига амин бўламиз.

Ташқи сиёсат принципи. Конституциямизнинг ушбу принципига, унинг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, хоҳ у иқтисодий-ижтимоий соҳада бўладими ёки ташқи ва ички сиёсат соҳасида, ё давлат мустақиллиги ва қонун усту-

ворлигини таъминлашда бўладими, ҳуллас, барчаси биз юқорида санаб ўтган Конституциямизнинг тўртта асосий принципларига асосланганлигини кўриш мумкин.

Ислом Каримовнинг мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида айтган чуқур маъноли сўзларини ёдга олиши ўринлидир:

"Дунёга келган чақалоқ аввал эмаклаб, кейин тетапоя бўлади. Вазият шундай келдики, мустақил Ўзбекистон туғилган кунидек оёққа туришга, ўзи юришга мажбур бўлди".

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон халқи дадил оёққа турди. Ўзининг буюк келажагини барпо этиш йўлидан ишонч билан бормоқда. Бу 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқелик — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ҳам яққол намоён бўлди. Халқимиз ўзининг жипслигини, фаоллиги ва фуқаролик позициясини кўрсатди.

Энг муҳими, Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтганидек, "Биз Ватанимизнинг буюк келажагини мард ва олижаноб халқимиз билан биргаликда барпо этамиз, кўзлаган мақсадларимизга, албатта, эришамиз". Бунинг учун барча имкониятлар, ҳуқуқий асослар мавжуд.



Фахри РАХИМОВ,
Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари
катта ўқитувчиси, ю.ф.д.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ СУД-ХУҚУҚ ТИЗИМИ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ АСОСИДИР

- ✦ Мақолада мамлакатда суд-хуқуқ тизими соҳасида амалга оширилган ислохотларда Конституциянинг ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритилган.
- ✦ В статье идет речь о роли и значении Конституции в реализации в стране судебно-правовых реформ.
- ✦ The article discusses the role and significance of the Constitution in the implementation of judicial and legal reforms in the country.

Таянч сўзлар: Конституция, суверенитет, суд, демократия, фармон.

Ключевые слова: Конституция, суверенитет, суд, демократия, указ.

Key words: Constitution, sovereignty, court, democracy, decree.

Ўзбекистон давлатчилигида мустақилликнинг йигирма беш йилдан ортиқ залворли йиллари давомидаги буюк ривожланишлар ҳамда конституциявий тамойиллар асосида амалга ошириб келинмоқда. Бу жараёнлар, албатта, конституциявий янгиланиш ва ривожланишлар ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётнинг мазмун-моҳиятига айланди.

Конституцияда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда уларнинг манфаатини ҳимоя қилиш ҳақли равишда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ушбу ҳуқуқларнинг суд томонидан ҳимоя қилиш механизмлари белгилаб берилди.

Конституциямизда давлат суверенитети, ҳуқуқий ва иқтисодий мустақиллик расман қайд қилинди. Унинг халқаро ҳамжамият аъзоси сифатидаги ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланди.

Маълумки, ҳар бир давлатнинг Конституцияси бошқарув тизимини, фуқароларнинг ундаги иштирокини, бу давлатнинг қандай жамият кураётганини ифодалайди. Соддароқ қилиб айтганда, “Конституция — ҳар бир давлатнинг кўзгусидир”. Жамиятни бошқаришда фуқароларнинг иштироки мамлакат конституцияси ва қонунлари билан кафолатланиши, унинг ҳақиқий ижросини таъминлаш халқаро ҳамжамиятнинг айти шу мамлакатга бўладиган муносабатини белгилайди.

Чунки, Конституцияда фуқароларининг ҳимоя-

си масъулиятини ўз зиммасига олмаган, халқ тинчлиги, фаровонлиги, жамиятдаги барқарорликни таъминламаган давлат билан муносабат ўрнатишга ҳамма мамлакатлар ҳам жазм қилмайди. Аниқроғи, умуман муносабат ўрнатмайди, десак ҳам бўлади. Шунга кўра, жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш йўлини танлаган мамлакатлар ўз конституцияларида бундай тамойилларни акс эттирадilar.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида давлатимиз суверенитети таъкидланиб, 2-моддасида «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар», деб давлат ўз зиммасига мажбурият олган.

Конституцияда белгиланган бу масъулият унинг амалда бажарилиши билан кафолатланади. Айти бу жараённи ҳаётга татбиқ этиш, уни бажариш давлат органларидан, мансабдор шахслардан жуда катта масъулият талаб этади.

Ўзбекистондаги бошқарув тизими, ҳокимиятнинг тақсимланиши, уларнинг ваколатлари аниқ ифодаланиши ва бир-бирини тўлдириши, пировард натижада, мамлакатда тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувликнинг таъминланиши,

иқтисодийнинг бозор муносабатларига асосан ривожланишини дунё давлатлари эътироф этиб келмоқда.

Дунёда икки юздан ортиқ давлат мавжуд бўлиб, улардан айримларининг мустақиллик тарихи юз йил ва унданда ортиқроқни ташкил этади, лекин бор-йўғи 1991 йилнинг охирида ўз мустақиллигини қўлга киритган ёш давлатнинг жуда катта муваффақиятлари ҳамма давлатларга ҳам насиб этган эмас.

Давлатимиз мустақил ҳаётини жамият институтларининг ҳуқуқий асосларини яратишдан бошлади. Қонунга асосланган, унга суянган давлатларгина тараққиёт, ривожланиш, барқарорликка эришишини билиб, қадам-бақадам қонунларни такомиллаштиришга, уларнинг ижросини таъминлашга ҳаракат қилади. Бизнинг мамлакатда ҳам ана шу йўл танланди. Жамият қатъий ва умумэтироф этилган қоидаларсиз яшай олмайди. Давлатдаги қоида эса бу қонун, унга итоат этиш, уни бажаришни таъминлашдир. Бу фуқароларнинг тинчлиги, уларнинг осойишталиги, шахсий ҳафсизлиги ва белгиланган тартиб-қоидаларининг ўзгармаслигига бўлган ишончини мустаҳкамлаш лозимлигини тақозо этади. Ушбу талабларнинг таъминланганига қараб фуқароларнинг давлатга, унинг органларига ишончи ортади.

Қонунларга риоя этиш давлатнинг ўзидан бошланади. У нафақат барча учун тенг ҳуқуқларни ўрнатади, балки уларга ўзи ҳам амал қилади, яъни унинг давлат идоралари ва мансабдор шахслар томонидан ижро этилишини таъминлайди. Чунки, ҳуқуқ таъминланмаган ва қонунлар ижроси заифлашган давлатда инсон ҳимоясиз ва эрксиз бўлиб қолади. Айнан мана шу ҳақиқатни англаган ҳолда Ўзбекистон давлати мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида кўплаб тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва фаоллиги жамият учун қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўзда эмас, амалда ижро этиш имконини бермоқда.

Мамлакатимизнинг асосий қонунига мувофиқ, фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам даражаси кафолатланган, оила, оналик, оталик ва болаликни, ногирон ва касалларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш таъминланган, ижтимоий хизматлар тизими ривожлантирилган, давлат пенсиялари берилиши, ижтимоий ёрдам пуллари ва бошқа ижтимоий ҳимоя кафолатлари белгиланган. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонун билан белгиланган манфаатларини ҳимоя қилиш давлат органларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Уларнинг ариза ва шикоятларини текшириш, қонуний талабларини бажариш, фуқаронинг ҳуқуқини тиклаш тизимли равишда амалга ошириб келин-

моқда. Бунинг исботи тариқасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” деб номланган маърузасида инсон манфаатларини таъминлаш масаласига тўхталиб, “Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса аввало одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак”,¹ деганларини келтириб ўтишимиз мумкин. Айнан шу маросимда Президентимиз 2017 йилни “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилди.

Халқ билан мулоқот қилиш самарадорлигини кўтариш, уларни давлат идораларига ишончини янада оширишни кўзлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2016 йил 28 декабрда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон қабул қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси Президент девонида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек ҳар бир туман ва шаҳарда очилди ва ўз фаолиятини бошлади. Аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларни тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатдан янги ва самарали тизими фаолиятини таъминлаш унинг асосий вазифаси этиб белгиланган.

Ўзбекистоннинг барча савий-ҳаракати ва фаолияти ўз аҳолисининг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаровон ва эркин яшашини таъминлашга қаратилган бўлиб, амалга оширилаётган тадбири чоралар бошқа давлатлар арбоблари ва вакиллари томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Аҳолининг барқарор турмуш тарзини таъминлаш изчиллик билан босқичма-босқич, Ўзбекистон Республикаси Конституция асосида олиб борилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар самарасидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатимиз қонунчилигининг асосларини яратишда муҳим роль ўйнаганини эътироф этиш лозим. Бугунги кунда мавжуд қонунларни такомиллаштириш, давр ва мамлакатимиз тараққиёти талабларига мос ҳолатга келтириш, уни янги босқичларга кўтариш чоралари кўрилмоқда.

Мустақилликнинг ўтган қисқа даврида Ўзбекистон давлати ўз Конституцияси асосида бутун бир давлатнинг ҳуқуқий асосларини, тизимини

ва қонунларини яратди, уни янада халқаро андозаларга мос ҳолатга келтириш, бугунги ривожланиш ва тараққиётга чамбарчас боғлаш зарурати кўплаб соҳаларда ислохотларни амалга оширишни тақозо этади.

Мамлакат тараққиёти, ривожланиши, барқарорлик, фуқароларнинг ҳаёти, турмуш тарзи ана шу қонунларга мувофиқ амалга оширилиши назарда тутилади.

Замон жуда шиддат билан ўзгармоқда, биз ундан ортда қололмаймиз. Аτροφимиздаги жараёнларни англаш, уларга баҳо бериш ва муносабат билдириш, уларга тенг даражада фаолият юритиш учун кенг доирада фикрлаш кунлик заруратга айланди. Шу жиҳатдан кундан-кун халқимизнинг онги, ҳуқуқий маданияти ўсиб, ривожланиб бормоқда. Шу билан бирга, фаровон яшаш ва ҳаёт кечиришни таъминловчи, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этувчи қонуний асосларни такомиллаштириш, унинг муҳим қирраларини очиш, яратиш, уни сифат жиҳатидан янги босқичларга кўтаришни тақозо этмоқда. Хорижий давлатлар билан интеграциялашув жараёнлари, асрий миллий анъаналаримиз, қадриятларимиз, тарихий меросларимиз жуда катта ижобий томонларини намоён этиб, ривожланиш ва тараққиётга йўл берадиган ҳуқуқий асосларни яратишнинг янги йўналишларини аниқлашга хизмат қиляпти. Халқимизнинг фаровон яшаши йўлида давлат томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, аҳолининг қонунга итоаткорлик, уни ҳурмат қилиш, ватанга садоқат, фидокорлик, жараёнларга дахлдорлик туйғуларини кучайтиряпти. Ўзбекистонда кенг қамровли суд-ҳуқуқ ислохотлари олиб борилиб, демократик давлатнинг ҳуқуқий пойдевори яратилди. Мамлакатнинг янада кенг кўламда тараққий этиши, ривожланиши, барқарорликнинг таъминланиши, шунингдек, давлат бошқарувини модернизация қилишни такомиллаштириш масалалари кун тартибидея турар экан, суд-ҳуқуқ ислохотларини янги босқичга кўтармасдан бунга эришиш қийин.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрда қабул қилган “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сонли Фармони айнан шу мақсадни кўзлаган. Ушбу Фармон суд-ҳуқуқ соҳасининг жуда кўп жабҳаларини тубдан ислоҳ этишга дахлдор. Фармоннинг суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, ривожлантиришга тегишли талаблари айрим процессуал ҳаракатларни тубдан ислоҳ этади. Фармон асосида жуда катта ҳажмдаги суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этишга оид комплекс чора-тадбирлар дастури қабул қилинган. Дастурда бир қатор янги қонунларни ишлаб чиқиш ва уларни қабул қилиш,

кўплаб қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва суд-ҳуқуқ тизимига тегишли ташкилий масалаларни ҳам ҳал этиш назарда тутилган.

Фармон суд-ҳуқуқ соҳасининг кўп йиллардан буюн мунозарали бўлиб келган масалаларининг қонуний ечимини топиш билан бирга, уларни босқичма-босқич янада такомиллаштириш йўналишларини белгилаб берган ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини мустаҳкамлашга бағишланган.

Ушбу фармонда назарда тутилган суд тизимини изчиллик ва тизимли равишда ислоҳ этишни таъминлаш мақсадида Республика Президентининг томонидан 2017 йил 17 февраль куни “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон қабул қилинди. Ушбу Фармонда мамлакатни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири суд тизимини янада демократлаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга қатъий риоя этилишини таъминлаш ҳисобланиши қайд этилди. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тузилди. Кенгаш судьялар ҳамжамиятининг органи ҳисобланиб, суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишига кўмаклашади. Кенгашнинг вазифалари Фармонда жуда ҳам кенг тарзда ифодаланган бўлиб, улар судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаш, малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, шунингдек раҳбар судьялик лавозимларига кўрсатиш учун тавсия бериш йўли билан судьялар корпусини шакллантириш, судьялар дахлсизлиги бузилишининг ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўриш каби масалалар Фармонда ўз аксини топган. Фармонда кўрсатилган айрим бўғиндаги судьяларни Республика Президентининг билан келишган ҳолда судьялар Олий Кенгаши лавозимларига тайинлайди ва озод қилади.

Ушбу Фармонда суд органлари тизимида кенг жабҳадаги ислоҳот ўтказилиши назарда тутилган. Унга кўра, 2017 йил 1 июндан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судини бирлаштириш, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий судини ташкил этиш масаласи ҳал этилади. Ушбу ислоҳот нафақат суд органлари тизимини бошқаришдаги бир-бирини такрорловчи функцияларни бартараф этишга хизмат қилади, шунингдек, қонун ҳужжатлари талабларининг бир хилда қўлланилишини, бир-бирига ўхшаш масалалар юзасидан ягона қарор қилиб

қонунларнинг бир хил татбиқ этилишини ҳам таъминлайди.

Маъмурий судлар фаолиятини тартибга солиш учун иккита қонун ишлаб чиқиш ҳам назарда тутилган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларига конституцияга мувофиқ қонунларнинг мамлакат ҳудудида аниқ ва бир хилда ижро этилишини назорат қилиш ваколати юклатилган. Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-хуқуқ ислохотлари жараёни прокуратура органларининг ҳуқуқий мақоми, ваколати ва вазифаларига ҳам тегишли бўлди. Бу бежиз эмас, албатта, чунки мамлакат демократик ҳуқуқий давлат тизими, бошқарувни эркинлаштириш ва фуқаролик жамияти тузиш йўлини танлади. Шуларга асосан, прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилмоқда. Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, кенг кўламда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ислохотларни қўллаб-қувватлаш, ҳар бир жисмоний ва юридик шахс ҳар қандай ҳолатда ўзининг қонун муҳофазасида эканлигини ҳис қилиш муҳитини юзага келтиришга қаратилди.

Ҳозирда прокурор нафақат назорат қилувчи ёки текширувчи, балки, энг асосийси, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, халқ манфаатларини ҳимоя қилувчи орган сифатида ўзини намён қилди. Бундан ташқари, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддасида прокурорларнинг фаолиятини баҳолаш мезони ҳам белгиланди. Унга кўра, ҳудуддаги қонунийликнинг ҳолати, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъминланиши прокурор фаолиятини баҳолаш мезони ҳисобланадиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 7 январда прокуратура органлари ходимлари куни олдидан прокуратура органлари ходимлари билан бўлган учрашувда “Прокуратура органлари ходимларининг иши катта масъулият, фидойилик, ҳалолликни талаб қилади. Қабул қилинаётган ҳар бир қарор замирида инсон тақдири туради. Шундай экан, етти ўлчаб бир кесиш бу борада асосий мезон бўлмоғи шарт”, деб таъкидлади.² Шу асосда прокуратура органлари ходимлари олдида аниқ вазифалар қўйилган. Мазкур талаблар ва вазифаларни бажаришда инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлигининг таъминланиши асосий мезон бўлиб қолади.

¹Ш.М.Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови / Халқ сўзи. 2016 йил 8 декабрь.

² Қонун устуворлиги — инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилдир // “Хуқуқ” газетаси 2017 йил 8 январь №2 (1052).

Журабек НЕМАТОВ,
 заведующий кафедрой Принципы государственного устройства и управления,
 Академии Государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

НОВЫЙ ЭТАП РАЗВИТИЯ АДМИНИСТРАТИВНОГО СУДОПРОИЗВОДСТВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ

◆ Ушбу мақолада маъмурий судлов ишларини судда кўришининг маъмурий-ҳуқуқий асослари, мавжуд процессуал муаммолар ва уларнинг илмий-назарий таҳлили Ўзбекистон ҳамда Япония давлатлари мисолида қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган.

◆ В данной статье на примере сравнительно-правового анализа законодательств Узбекистана и Японии изложены административно-правовые основания рассмотрения судами административных дел, существующие процессуальные проблемы и их научно-теоретический анализ.

◆ This article analyzes a comparative legal research on administrative litigation (judicial review) particularly administrative legal framework, procedural issues, as well as scientific and theoretical research of the administrative case litigation in court in the case of Uzbekistan and Japan.

Таянч сўзлар: Маъмурий юстиция, маъмурий судлов ишларини юритиш, қонунийлик, субъектив ҳуқуқлар ҳимояси, маъмурий даъво ва унинг махсус талаблари.

Ключевые слова: Административная юстиция, административное судопроизводство, законность, защита субъективных прав, административный иск и его специальные требования.

Key words: Administrative justice, conducting administrative litigation (judicial review), legality, protection of individual rights, administrative law claim and its special requirements.

Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему реформированию судебной системы, усилению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан» (от 21.10.2016 г. № ПФ-4850) открывает новый этап развития административного судопроизводства в Республике Узбекистан, который имеет свои конституционные основы в Конституции Республики Узбекистан¹, что, в свою очередь, создает необходимость развития научно-теоретических основ института административного судопроизводства в нашей стране².

Следует отметить, что существует множество различных инструментов, касающихся вопроса правового регулирования отношений между частными лицами и государственными органами. В связи с этим, в литературе часто обсуждаются вопросы о внедрении административных судов и о принятии Закона «Об административном судопроизводстве» в качестве одного из самых эффективных инструментов решения вопроса правового регулирования отношений частных лиц и

государства.

Исходя из этого, в данной работе будут проанализированы вопросы внедрения административных судов и принятия Закона «Об административном судопроизводстве» как одного из самых эффективных инструментов решения задач правового регулирования отношений между частными лицами и государством на примере краткого сравнительно-правового анализа некоторых особенностей Японского административного судопроизводства, с перспективой дальнейшего развития научных идей по внедрению института административного судопроизводства на постсоветском пространстве.

Сравнительно-правовой анализ административного судопроизводства Узбекистана через призму административного судопроизводства Японии

На первый взгляд очень сложно представить сравнительно-правовой анализ административного судопроизводства Японии с Республикой Узбекистан. Но, мы постараемся рассмотреть

некоторые из них.

1. Вопрос соотношения законности и защиты прав в административном судопроизводстве.

Как мы знаем из общей теории административного права, административное судопроизводство вытекает из двух предпосылок или целей. То есть, административное судопроизводство нацелено на обеспечение законности или же защиту прав, свобод и законных интересов частных лиц. В зависимости от того какую именно цель преследует определенное государство с развитием административного судопроизводства, меняется законодательное урегулирование, судебно-процессуальный порядок и другие правила рассмотрения дел об административном судопроизводстве³.

В Японии значительное внимание уделяется защите субъективных прав в административном судопроизводстве. Поэтому, в Японии существуют такие термины как административный «иск», «истец», «ответчик» и другие понятия в административном судопроизводстве, а также различные виды требований к искам административного судопроизводства, для того, чтобы предоставить возможность надлежащей стороне, у которой нарушено право на оспаривание административного акта, и избежать злоупотребления права на суд со стороны граждан в административном судопроизводстве.

Тем не менее, в Узбекистане можно наблюдать и иное положение. Предполагается, что оттенки правовой доктрины по обеспечению законности, существовавшие в советское время, преобладают и до сих пор. Поэтому, например, в Узбекистане прокурор может обратиться в суд за защитой законности в административном судопроизводстве.

2. Проблема подсудности

В Узбекистане существуют конституционные, хозяйственные суды и суды общей юрисдикции (суды по гражданским и уголовным делам в Узбекистане) в силу исторического развития. Поэтому, в Узбекистане значительное внимание уделяется вопросу — как различить подведомственность дел между этими судами в административном судопроизводстве. Но в Японии отсутствуют такие виды судов, которые могли бы рассматривать споры по административным делам. Следовательно, в Японии, когда речь идет о стороне, подающей исковое заявление, индивидуальное лицо не отличается от частного юридического лица, поскольку нет необходимости для проведения такого разграничения. Поэтому, и индивидуальное и юридическое лицо подают иск в одинаковом законодательном порядке в те же суды общей юрисдикции.

Также, один из самых проблемных моментов

сравнительно-правового анализа административного судопроизводства Японии с Узбекистаном можно увидеть в том, что в Узбекистане не очень распространено исследование вопроса о пределах судебной проверки актов административных органов. В Японии, традиционно, длительное время существовал институт административного судопроизводства. Поэтому, данный институт успел укорениться в Японии. Кроме того, как отмечалось выше, административное судопроизводство в Японии также имело большую роль в защите административной власти от излишнего вмешательства в его дела и решения со стороны судов. Следовательно, существовали различные требования для предъявления иска в суд. Но, это было довольно давно, и постепенно институт административного судопроизводства начал приобретать форму инструмента защиты субъективных прав граждан и представителей бизнеса от произвола административных органов. Поэтому, для того чтобы больше сконцентрироваться на вопросе правовой защиты частных лиц, суды избегали рассмотрения споров, имеющих высокий политический характер⁴.

Таким образом, считаем крайне важным исследовать вопрос о пределах судебной проверки административных актов в Узбекистане.

Но не надо забывать, что в странах, где административное судопроизводство было внедрено недавно, рассматривать вопрос ограничения данного института может быть неуместным и неправильным, поскольку административное судопроизводство находится в процессе развития в данной стране и ещё не успело укорениться в обществе как инструмент защиты от произвола административных органов.

3. Проблемы видов административного судопроизводства.

В Японии существуют виды и подвиды административного судопроизводства, как уже было отмечено выше⁵. Одной из самых основных целей данного законодательного урегулирования является то, что истец сам должен определять, какое решение он хочет, и, соответственно, доказывать, а также соблюдать требования данного вида или подвида административного судопроизводства, а не суд за него, поскольку речь идет о защите субъективных прав истца.

А также, пожалуй самое главное — это наличие принципа преимущества исключительной подведомственности производства по иску об отмене административного акта, который не позволяет произвольно выбирать вид или подвид административного судопроизводства истцом (в противном случае иск будет отклонен на основании неправильного оформления, выбора вида/подвида административного судопроизводства). То есть, суд не должен определять или выбирать

какой вид защиты подходит истцу, принимая решение на основании требований, которые истец не предъявлял. Поскольку частное лицо может не подавать иск, зная, что его права нарушаются, поскольку это его свободный выбор и, в конце концов, речь идет о его субъективных правах, о которых он сам же и должен заботиться, и для этого должен быть предоставлен соответствующий механизм правовой защиты, то есть «административный иск». Но опять же, если в государстве уделяется больше внимания вопросу «законности», то различными способами будет добиваться объективная истина, законность в административной деятельности и внимание к защите субъективного права станут второстепенными, что не будет учитываться при построении правовой системы определенного государства.

То есть, если мы будем думать об административном судопроизводстве как о механизме, нацеленном на защиту субъективных прав, то отсюда и будет вытекать вся последующая система законодательства. Иначе говоря, будет «административный иск», который предполагает в правовых отношениях наличие у одной стороны «права», а у другой - «обязанности». Следовательно, будет «истец» и «ответчик» в административном судопроизводстве. А также будут предусмотрены определенные требования к «административному иску», чтобы оградить административные акты от оспаривания третьими лицами, права и интересы которых не затрагиваются оспариваемым административным актом. Также материальное право тоже будет более детально раскрывать права и обязанности административных органов и частных лиц при принятии соответствующих законов по отдельным сферам административного регулирования и т.д.

4. Проблема отсутствия специального законодательного урегулирования административного судопроизводства отдельно от гражданско-процессуального судопроизводства

Если исходить из вышеуказанных проблем, то становится ясно, что административное судопроизводство в западноевропейском его понимании будет также требовать отдельного законодательного регулирования, что в дальнейшем приведет к специализации судов, то есть приведет к внедрению системы административных судов. В Японии существует довольно объемный, специальный Закон «О судопроизводстве по административным делам». Но в Узбекистане на данный момент отсутствует такой объемный специальный Закон⁶.

Однако вопрос не в том, существует ли специальный Закон об административном судопроизводстве или нет. А в том, что не урегулированы проблемы административного судопроизвод-

ства, и не уделяется внимание особенностям административных правоотношений, которые отличают его от гражданских. Постараемся привести несколько примеров по данной проблеме:

А) Отсутствие или слабый уровень урегулированности специальных требований для предъявления административного иска⁷.

В Японии существуют определенные требования для каждого вида/подвида административного судопроизводства. Соответственно, суд, который рассматривает административный иск, в первую очередь проверяет в рамках, условно называемого предварительного рассмотрения дела по административному судопроизводству подведомственность дела, а именно требования для предъявления административного иска в суд, в частности: а) имеет ли истец правовой интерес к предъявлению иска; б) имеется ли в деле административный акт (решение); в) является ли истец субъектом, который имеет право на оспаривание данного акта (*соответствие статуса истца*); г) можно ли данное дело рассматривать в порядке судопроизводства по административным делам, или же спор касается предмета гражданского судопроизводства; д) правильно ли истец выбрал вид или подвида административного судопроизводства и другие вопросы. То есть, в Японии существуют законодательно установленные определенные требования для подачи административного иска в суд⁸.

Также, не надо забывать, что требования и критерии также нужны, чтобы оградить от необоснованного и произвольного вмешательства суда в дела административной власти. Д.М.Чечот по поводу причины необходимости законодательного установления определенных требований для подачи административной жалобы в суд приводит нижеследующие аргументы:

«Если бы право “на жалобу в суд” могло возникать в любой момент развития административного правоотношения, это, во-первых, привело бы к тому, что жалоба поступала в суд преждевременно, до того как административный орган принял окончательное решение, а во-вторых, существенно парализовало бы властные полномочия административного органа, т.к. любое действие администрации могло быть оспорено в суде и отменено или опровергнуто судом. В таком случае суд неизбежно превратился бы из органа надзора за законностью в деятельности администрации по жалобам заинтересованных лиц в орган постоянного и непрерывного контроля за ее действиями. Это фактически трансформировало бы судебные функции в административные и повлекло бы за собой утрату судом качеств органа правосудия»⁹. Поэтому важно устанавливать определенные требования и критерии для подачи иска в административном судопроизводстве.

Далее Д.М.Чечот приводит нижеследующие требования (обстоятельства), которые необходимо учитывать при возбуждении дела об административном судопроизводстве. «1. Возможный момент возбуждения дела путем жалобы должен быть заранее точно определен. 2. Право на возбуждение спора должно быть закреплено за определенным субъектом административного правоотношения¹⁰. 4. Судебные органы должны быть наделены специальными полномочиями по разрешению каждой отдельной категории административно-правовых споров»¹¹.

Если внимательно изучить вышеизложенные обстоятельства, приведенные Д.М. Чечотом, то можно заметить сходство во многом с японской правовой регламентацией.

Б) наличие нарушенных прав.

Из статьи 266 ГПК Узбекистан вытекает, что для подачи жалобы в суд, права гражданина должны быть уже нарушены. Но если, заведомо зная, ждать, когда будут нарушены права, то это не может быть своевременным и эффективным способом правовой защиты.

В) приостановление исполнения административного акта.

Ст. 268 ГПК Узбекистан устанавливает, что суд вправе приостановить исполнения обжалуемого действия (решения). Например в Японии, Закон «О судопроизводстве по административным делам» устанавливает требование при принятии решения судом о приостановлении исполнения обжалуемого действия (решения)¹².

Однако, к сожалению, не урегулированы требования и круг вопросов при рассмотрении приостановления исполнения административного акта в Узбекистане. Не надо забывать, что сфера административной деятельности касается публичного интереса и приостановление административного акта произвольным образом может привести к серьезным последствиям или значительному ущербу публичных интересов.

Существуют и другие моменты, о которых можно еще рассуждать. Но мы хотели раскрыть, что специальное законодательное урегулирование административного судопроизводства отдельного от гражданского весьма необходимо. Не стоит забывать о том, как зарождалось само административное право, когда ученые из Франции и Германии не признавались в суждениях о необходимости в своеобразном урегулировании административных отношений от гражданских учеными общего права Англии¹³.

В данной статье мы постарались проанализировать некоторые различия и особенности административного судопроизводства на примере Узбекистана и Японии. Также, в данной статье мы постарались открыть некоторые особенности японского административного судопроизводства

с перспективой дальнейшего развития научных идей по внедрению института административного судопроизводства на постсоветском пространстве. Но, работа над данной статьёй не является окончательной, поскольку научные дискуссии продолжаются по этому вопросу. А также не следует забывать, что административное право, особенно институт административного судопроизводства очень сильно связан с историческими, политическими и экономическими особенностями общества, государства, в чем проявляется наличие разнообразных моделей данного института. Поэтому считаем важным подчеркнуть, что не следует слепо копировать модели административного судопроизводства других стран, не принимая во внимание исторические, политические, экономические и традиционно-культурные особенности общества и государства в каждой отдельной стране¹⁴.

В заключение хотелось бы отметить, что недавно принятый Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему реформированию судебной системы, усилению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан» (от 21.10.2016 г. № ПФ-4850) а также Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» (от 07.02.2017 г. № УП-4947) послужил толчком для разработки научно-обоснованного проекта Закона об административном судопроизводстве, что в свою очередь создает прочные условия для принятия Закона «Об административном судопроизводстве».

Также, нужно заметить, что 21 февраля 2017 года был принят Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию структуры и повышению эффективности деятельности судебной системы Республики Узбекистан» (от 21.02.2017 г. № УП-4966). В данном Указе подчеркивается, что действующая структура и штатная численность системы судов Республики Узбекистан не обеспечивают рационального распределения служебной нагрузки, что требует их совершенствования и оптимизации с учетом современных требований. В частности, необходимость обеспечения надежной судебной защиты прав, свобод, законных интересов граждан и субъектов предпринимательства, реализации конституционной нормы по осуществлению административного судопроизводства, а также повышения правовой культуры населения обуславливают создание системы административных судов. Исходя из этого, Указом № УП-4966 с 1 июня 2017 года образуются административные суды Республики Каракалпакстан, областей и города Ташкента, районные (городские) административные суды, которым подведомственно рассмотрение административных споров, вытекаю-

щих из публично-правовых отношений, а также дел об административных правонарушениях. Кроме того в соответствии с Указом № УП-4966 с 1 июня 2017 года образуется судебная коллегия по административным делам Верховного суда Республики Узбекистан с упразднением Военной коллегии Верховного суда Республики Узбекистан. Указом предусматривается выделить дополнительные штатные единицы для вновь создаваемых административных судов Республики Каракалпакстан, областей и города Ташкента в количестве 128 единиц, из них судьи — 58 единиц, районных (городских) административных судов в количестве 408 единиц, из них судьи — 204 единицы, финансируемых за счет Государственного

бюджета Республики Узбекистан.

Указ Президента Республики Узбекистан от 21.02.2017 г. № УП-4966 открывает новый этап развития не только административного судопроизводства, но и административного права в целом. Также надо заметить, что вновь создаваемые административные суды должны быть подлинно независимым институтом государства, призванный надежно охранять и защищать права и свободы человека. Но для этого, судьи административных судов должны хорошо знать и уметь применять на практике основы административного судопроизводства и административного права в целом о котором говорилось в данной статье.



¹ См.: «Верховный суд Республики Узбекистан является высшим органом судебной власти в сфере гражданского, уголовного и административного судопроизводства.» (ст.110. Конституции Республики Узбекистан).

² До настоящего времени в Узбекистане не утверждено «административное судопроизводство», которое понимается в Западноевропейских странах. Следовательно, все ещё отсутствуют такие понятия как административный «иск», «истец», «ответчик» и другие понятия в законодательстве по делам, возникающих из публичных правоотношений. Но, в данной работе для более ясного понимания вместо «дела, возникающие из публичных правоотношений», будет использован термин «административное судопроизводство» в значении, понимаемом Западноевропейскими странами.

³ Если дается большой упор на законность в деятельности администрации, то соответственно, посредством этого будет строиться вся правовая система как это было в советском праве. То есть, форма обращения в суд будет называться «жалобой», а сторона «гражданином» или же «жалобчиком», «административным органом» и т.д. Так как «жалоба» не может полностью защитить субъективные права гражданина, ему не будет предоставлена возможность права требования на восстановление нарушенных прав от административного органа. Следовательно, материальное законодательство по отдельным сферам административного регулирования в значительной мере будет закреплять «права» и «обязанности» сторон административных правовых отношений и т.д.

Необходимо также отметить, что сколько бы мы не старались доказывать, что «жалоба» и «иск» одно и то же, на самом деле это не так. Это явно проявляется во многих нормах, особенно в выборе формы предъявления требований со стороны гражданина к административному органу, в зависимости от которого меняется судебное решение.

⁴ Если бы суды стали рассматривать все вопросы права, то пришлось бы рассматривать и политические вопросы, что превратило бы суд в политический институт, после чего не осталось бы беспристрастности, независимости и справедливости в судебных решениях. Политические силы старались бы завладеть большим количеством мест в высших судебных инстанциях, и решения судов подгонялись бы под волю политических партий, которые избрали определенного кандидата на пост судьи.

⁵ Об административном судопроизводстве Японии также См.: Нематов Ж.Н. Административное судопроизводство в Японии: теоретические основы, правовое содержание и особенности. // Административное судопроизводство в Российской Федерации: развитие теории и формирование административно-процессуального законодательства. – Сер.: Юбилеи, конференции, форумы. – Вып.7. – Воронеж: Издательство Воронежского государственного университета, 2013. Стр. 875-890.

⁶ Например в России был принят Федеральный закон об административном судопроизводстве. См.: «Кодекс административного судопроизводства Российской Федерации» от 08.03.2015 N 21-ФЗ.

⁷ Данные требования (критерии) также включают в себя вопросы подсудности и видов административного судопроизводства, которые были отмечены выше.

⁸ Но, в Узбекистане эти вопросы стараются решать посредством соответствующих Постановлений Пленумов Верховного Суда или Высшего Хозяйственного суда, или же Постановлений Конституционного суда.

⁹ См.: Чечот Д.М. Проблемы защиты субъективных прав и интересов в порядке неисковых производств советского гражданского процесса. Дисс. док юр.наук. Ленинград, 1969. Стр 217.

¹⁰ Как третье требование Чечот Д.М приводит возможность обжалования должна распространяться на специально указанные законодателем административные акты. Но мы с этим критерием не можем согласиться в силу того, что оно противоречит принципу право на суд и правосудия.

¹¹ См.: Чечот Д.М. Проблемы защиты субъективных прав и интересов в порядке неисковых производств советского гражданского процесса. Дисс. док юр.наук. Ленинград, 1969. Стр 217-222.

¹² См.: Хашимото Хироюки «Административное судопроизводство: основные теории» Коубундоу, 2006 г. Стр 79.

¹³ Достаточно вспомнить мысли английского ученого Дэйси (Kicey, *Law of the Constitution*, 9th ed.1952, p. 336.), который утверждал что наличие специальной компетенции, юрисдикции в административном праве Франции противоречит английскому принципу верховенства права (*Rule of Law*). Но время показало, что тот же Дэйси был вынужден признать необходимость специального, особого урегулирования вопросов административного судопроизводства и необходимость административного права в Англии (Kicey, *The Development of Administrative Law in England*, 1915, 31 *Law Quarterly Review* 148.)

¹⁴ См.: Хаманева Н.Ю. Право жалобы граждан в европейских социалистических странах. Дис.кан.ю.н. Москва, 1982г. Стр 178.

Истам АСТАНОВ,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети
катта ўқитувчиси, ю.ф.н.

ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ: ТАҲЛИЛ ВА МУЛОҲАЗА

◆ Мақолада Германия Федератив Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг экспертлик фаолиятида махсус билимлардан фойдаланишга оид нормалари таҳлил этилиб, миллий қонунчиликни такомиллаштиришда илғор тажрибани қўллаш имкониятлари ҳусусида фикр юритилган.

◆ В статье проанализированы нормы Уголовно-процессуального кодекса Федеративной Республики Германии по вопросам использования специальных познаний в экспертной деятельности, и возможности применения передового опыта в совершенствовании национального законодательства.

◆ The article analyzes the norms of the use of special knowledge in expert activities of the Criminal Procedure Code of the Federal Republic of Germany and the possibility of applying best practices on the improvements of the national legislation.

Таянч сўзлар: Махсус билим, эксперт, эксперт хулосаси, эксперт ҳуқуқ ва мажбуриятлари, эксперт қасамёди, эксперт хулосасини баҳолаш.

Ключевые слова: Специальные познания, эксперт, экспертное заключение, права и обязанности эксперта, клятва эксперта, оценка заключения эксперта.

Key words: Special knowledge, expert, expert's conclusion, the rights and responsibilities of the expert, the expert's oath, evaluation of the expert's conclusion.

Хорижий мамлакатлар қонунчилигини таҳлил қилиш, ҳуқуқ тизимини ўрганиш, янги маълумот олиш баробарида, миллий қонунчиликда қўллаш мумкин бўлган илғор нормаларни аниқлаш имкониятини беради. Ушбу жараёндаги ижобий амалиётга Германия Федератив Республикаси (кейинги ўринларда ГФР деб юритилади) жиноят-процессуал қонунчилигини ўрганиш орқали эришиш самарали жараён ҳисобланади. Чунки ГФР роман — герман ҳуқуқ тизимида алоқадор бўлган ва ушбу тизимнинг энг етакчи давлатларидан саналади.

Германия Федератив Республикаси Жиноят-процессуал кодекси Германия жиноят процессини тартибга солувчи асосий қонунчилик ҳужжати ҳисобланади¹. Германия Федератив Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 1877 йилда қабул қилинган бўлиб, Империя жиноят-процессуал кодекси асосида шакллантирилган. ГФР Жиноят-процессуал кодекси 495 моддадан иборат бўлиб, жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишга оид нормалар кодекснинг 7-бўлимида акс эттирилган. У 72-93-моддаларни ўз ичига қамраб олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси ва бошқа МДҲ давлатлари Жиноят-процессуал кодексларидан фарқли равишда ГФР ЖПКда эксперт ва мутахассис ўртасида фарқ акс эттирилмаган.

ГФР ЖПКнинг 72-моддасига асосан, гувоҳлар ҳақидаги бўлимлар ҳам экспертларга оид моддаларга тааллуқлилиги, 73-моддада эса экспертларни ва экспертизаларнинг сонини белгилаш судья томонидан амалга оширилиши белгиланган (ушбу ҳолат суд босқичига тааллуқли). Энг асосийси, судья экспертизанинг муддатлари масаласида эксперт билан келишиб олиши талаб қилинади.

Прокурор ҳам экспертиза тайинлаш ваколатига эга, аммо бу хулоса дастлабки хулоса шаклида бўлади (161-модда а банд)².

74-модда “Экспертни рад этиш деб” номланган ушбу моддага кўра, экспертни рад этиш судьяни рад этиш асослари билан бир хил, аммо экспертнинг гувоҳ сифатида сўроқ қилинганлиги уни рад этиш учун асос бўла олмайди.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг “Экспертнинг, мутахассиснинг, таржимоннинг, холиснинг ишда иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатлар” деб номланувчи 78-моддасининг “Эксперт, мутахассис, таржимон, холис ушбу Кодекснинг 76-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек ишда иштирок этаётган шахслардан бирортасига хизмат юзасидан ёки бошқа жихатдан тобе бўлса, жиноят ишини юритишда иштирок этишга ҳақли эмас ва рад қилиниши лозим” мазмунидаги биринчи қисмидан кейин “Эксперт-

нинг гувоҳ сифатида сўроқ қилинганлиги уни рад этиш учун асос бўла ололмайдиган мазмундаги иккинчи қисм киритилиши лозим. Чунки, амалдаги норма мазмундан келиб чиқадиган бўлса 76-модда 1-қисм, биринчи банди яъни "1) у шу иш бўйича жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, эксперт, мутахассис, таржимон, холис, гувоҳ, химоячи сифатида, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг қонуний вакили ёки жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этаётган ёки илгари иштирок этган бўлса" мазмундан келиб чиқадиган бўлса, эксперт иш ҳолати бўйича гувоҳ бўла олмайдиган ва эксперт гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмасдек туюлади. Кейинги нормаларда эса, эксперт иш сўроқ қилишга бағишланган нормалар мавжуд бўлса-да, бу икки норма ўртасида бир-бирига зид тартиб юзага келади. Шу сабабли ушбу норманинг миллий қонунчиликка ҳам татбиқ қилиниши самарали натижаларга олиб келади.

ГФР ЖПКга мувофиқ, тайинланган экспертларнинг исми ва шарифи процесс иштирокчиларига маълум қилиниши талаб қилинади. Алоҳида ҳолатларда уларнинг исмлари маълум қилинмаслиги ҳам мумкин. Бу ҳуқуқдан прокурор ва полиция далилларни йўқотиш эҳтимоли бўлганда фойдаланиши мумкинлиги акс эттирилган.

Фикримизча, экспертларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва далиллар йўқотилишининг олдини олиш мақсадида ушбу нормани миллий қонунчиликка киритиш ҳам ижобий натижа беради.

ГФР ЖПК 75-моддаси "Экспертнинг хулоса беришининг мажбурийлиги" деб номланиб, эксперт ўзи тайинланган иш юзасидан эксперт сифатида иштирок этиши талаб қилинади. Бундан ташқари, суд олдида маълум бир ҳолат юзасидан хулоса беришга тайёрлигини эълон қилган шахс (яъни эксперт бўлмаган шахс) ҳам хулоса бериши мумкин ҳисобланади.

76-модда "Экспертнинг хулоса беришни рад этишга бўлган ҳуқуқи" деб номланиб, экспертнинг илтимосномасига кўра, қариллик ҳолатини, жуда ҳам банд эканлигини, яъни иш ҳажмининг кўплиги ёки ушбу иш юзасидан ваколатли эмаслигини инобатга олиб, хулоса беришдан озод қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят - процессуал кодекси 185-моддасида эса ушбу ҳолатга қуйидагича изоҳ берилган, агар эксперт қўйилган саволларни унинг махсус билимлари асосида ҳал қилиш мумкин бўлмаслигига ёки унга тақдим этилган текшириш объектларининг ёхуд материалларнинг яроқсизлигига ёки хулоса бериш учун етарли эмаслигига ва уларни тўлдириб бўлмаслигига ёхуд фан ва суд-экспертлик амалиётининг ҳолати қўйилган саволларга жавоб топиш имкониятини бермаслигига ишонч ҳосил қилса, хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисида ҳужжат чиқаради.

Демакки, бизнинг қонунчиликка асосан, қариллик ёки бандлик хулоса бериш мажбуриятидан озод бўлишга сабаб бўла олмайдиган.

Бизнинг фикримизча, бандлик, яъни иш ҳажмининг кўплиги бериладиган хулосанинг сифати таъсир қилиши мумкинлигини инобатга олиб, рад этиш учун асослардан бирига киритилишини лозим деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, экспертнинг хулоса беришдан бўйин товлаши ёки уни рад этиши учун жиноий жавобгарлик масаласини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидан олиб ташлаш керак. Чунки фикримизча, Ўз.Р. ЖПКнинг "Экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари" деб номланган 68-моддасининг 4-қисмидаги "Эксперт била туриб нотўғри хулоса берганлиги, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёхуд прокурорнинг рухсатсиз ошкор қилганлиги, шунингдек узрсиз сабабларга кўра хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгар бўлади" сўзларидан "шунингдек узрсиз сабабларга кўра хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун" сўзларини олиб ташлаш керак. Ушбу ўзгартириш орқали экспертнинг мажбурий меҳнатга жалб қилишнинг олди олинади ва кодекс моддаси ривожланган мамлакатлар қонунчилигидаги нормалар сингари такомиллашади. Ушбу нормадан келиб чиқиб фикримизча, Ўз.Р. Жиноят кодексининг "Жиноят процессини юритиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаши" деб номланган 240-модда 1-қисмидаги "Суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов вақтида ёки судда гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатув беришни ёхуд экспертнинг хулоса беришни рад этиши ёки бу ишдан бўйин товлаши" мазмундаги нормадан "ёхуд экспертнинг хулоса беришни" сўзларини олиб ташлаш керак. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддаси мазмунига кўра, суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат таққиланади³. Фикримизча, экспертнинг ҳам тегишли тартибда маълум бир меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахс сифатида, унинг хулоса беришни рад этиши ёки бу ишдан бўйин товлаши учун интизомий ёки тегишли процессуал таъсир чораларига тортилиши мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки, ГФР ЖПКнинг "Эксперт хулоса беришни рад этиш ёки келмаслик оқибатлари" деб номланган, 77-моддасида эксперт иштирок этиши лозим бўлган ишда қатнашмаса, ушбу жараён натижасида юзага келадиган харажатларни қоплаши талаб қилинади, бундан ташқари, экспертга нисбатан процессуал жарима қўлланилиши белгиланган. Агарда шу ҳолатда ҳам эксперт ҳаракатларида ижобий ўзгаришлар бўлмаса ва ушбу процессуал жаримани такрор қўллаш мумкин ҳисобланади. Ушбу тартиб, миллий қонунчиликда жиноий жавобгар-

ликдан кўра, процессуал таъсир чораси кўринишида қўлланилиши самаралироқ таъсир этади.

ГФР Жиноят-процессуал кодексининг 78-моддасига (“Суд бошқаруви”) кўра, мазкур ҳолат шуни талаб қилса, суд эксперт фаолиятини бошқариши яъни назорат қилиши мумкин ҳисобланади. Аммо бу эксперт амалга оширадиган тадқиқотга аралаштириш эмас, балки топширилган ишни тўғри тушунтириш, юридик маълумотларни, материалларни тақдим этишга қаратилган бўлади.

79-модда “Эксперт қасамёди” деб номланиб, унга кўра, экспертлар судьянинг ихтиёрига асосан қасамёд қилишга жалб қилиниши мумкин ҳисобланади. Эксперт қасамёди эксперт хулосаси берилгандан кейин амалга оширилади, қасамёднинг хулоса берилгандан кейин қабул қилиниши хулосанинг объектив, виждонан ва махсус билимлардан келиб чиқилганлигини англатади ва таъминлайди. Агар эксперт бир неча экспертиза турлари бўйича хулоса бериш учун жалб қилинса ва уларнинг бири учун қасамёд қабул қилинган бўлса, шунинг ўзи етарли ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатлар Жиноят-процессуал кодексларида экспертнинг қасамёди масаласи кiritилган бўлиб, ушбу жараён экспертнинг ўз ишига эҳтиёткор ва касбига эътиборли бўлишини таъминлайди. Мазкур қасамёд қабул қилиш жараёнини ҳам экспертларга нисбатан миллий қонунчилигимиз даражасида қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Фикримизча, ушбу нормани ЖПКнинг “Экспертни сўроқ қилиш” деб номланувчи 186-моддасига 4-қисми сифатида киритиш лозим бўлиб, унинг мазмуни қуйидаги бўлиши мақсадга мувофиқ саналади:

“Эксперт экспертиза тайинлаган суриштирувчи, терговчи ёки судья ихтиёрига асосан қасамёд қилишга жалб қилиниши мумкин. Эксперт қасамёди эксперт хулосаси берилгандан кейин амалга оширилади, қасамёднинг хулоса берилгандан кейин қабул қилиниши хулосанинг объектив, виждонан ва махсус билимлардан келиб чиқилганлигини таъминлайди. Агар эксперт бир неча экспертиза турлари бўйича хулоса бериш учун жалб қилинса ва уларнинг бири учун қасамёд қабул қилинган бўлса, шунинг ўзи етарли ҳисобланади”.

80-модда “Эксперт хулосасини тайёрлаш” деб номланган, унга кўра, экспертнинг хулоса шакллантириши учун унинг талабига кўра, жиноят иши юзасидан гувоҳ ва айбланувчиларни сўроқ қилиш натижасида олинган маълумотларларни экспертизани тайинлаган органдан сўраши мумкин бўлади. Худди шу мақсадда экспертга жиноят иши материаллари билан танишиш, гувоҳ ва айбланувчиларни сўроқ қилиш жараёнида иштирок этиб, уларга ўзини қизиқтирган саволларни бериш имконияти ҳам берилиши мумкин.

“Дастанбки тергов босқичига жалб қилиш” деб номланган 80а-моддага мувофиқ, агарда айбланувчини психиатрик клиникага, спиртли ичимликлар ва наркотик моддаларга мойилликдан даво-

лаш учун тегишли муассасага жойлаштириш эҳтимоли бўлса, дастанбки тергов босқичининг ўзидаёқ эксперт хулосасини асосий ҳисобланган суд муҳокама жараёни учун тайёрлаш учун экспертга шароит яратиб берилиши талаб қилинади⁴.

81-модда “Айбланувчини кузатув учун жойлаштириш” деб номланиб, айбланувчининг психиатрик ҳолати ҳақида хулоса шакллантириш учун эксперт ва адвокатни эшитиб бўлгандан сўнг судья айбланувчини давлат психиатрик клиникасига жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин ҳисобланади. Айбланувчини психиатрик клиникага жойлаштириш ҳақидаги қарорни суд дастанбки тергов босқичида ҳам ўзи қўллади. Ушбу қарор устидан шикоят берилиши, ушбу шикоят қарорнинг ижро этилишини тўхтатиб туриши мумкин. Психиатрик клиникага жойлаштириш узоғи билан 6 ҳафтадан ошиши мумкин эмас.

81а-модда “Гувоҳлантириш ва суд-тиббий экспертиза; қон намуналарини олиш” деб номланиб, айбланувчига нисбатан гувоҳлантириш ва суд-тиббий экспертизани ўтказиш жиноят иши учун муҳим бўлган ҳолатларни аниқлаш мақсадида ўтказилиши мумкин. Мазкур мақсадларда айбланувчидан қон излари олиниши ёки бошқа тиббий текширишлар ўтказилиши мумкин ҳисобланади. Ушбу ҳаракатларни амалга ошириш айбланувчи соғлиғига зарар етказиш хавфини келтириб чиқармаслиги шарти билан унинг розилигисиз ўтказилади. Ушбу чоралар судья томонидан танланади, аммо далилларнинг йўқолиб кетиши эҳтимоли бўлган ҳолатларда прокурор ёки тергов олиб бораётган органлар томонидан ҳам тайинланиши мумкин.

Айбланувчидан олинган қон намуналаридан фақатгина жиноятни очишга қаратилган мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилади. Ушбу мақсадларда фойдаланиб бўлингач, мазкур намуналар тезда утилизация қилиниши талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига намуналар олиш тартиби акс эттирилган бўлса-да, уларнинг утилизацияси, йўқ қилиш тартиби акс эттирилмаган. Шу ҳолатларни инобатга олиб, фикримизча, кодексимизга 197¹-модда киритилиб, унда олинган намуналарни утилизация қилиш тартиби акс эттирилиши ва кимларнинг иштирокида амалга оширилиши тартибини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Энг асосийси, ГФР ЖПК нормалари талабларига кўра, агарда тадқиқот (экспериментал тадқиқотлар) ўтказилиши энди бошланган бўлса ва уни ўтказиш қоидалари ва натижалари тўлиқ ишлаб чиқилмаган бўлса, бу ҳолатда мазкур тадқиқотнинг айбланувчига нисбатан ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Агарда айбланувчи унга нисбатан намуналар олиш тартиби қўлланишига рози бўлса, судья мажбурий тарзда намуналар олиш тартибини қўллаш тўғрисида қарор чиқармайди ва ушбу ҳолатда айбланувчи унга нисбатан қўлланилаётган чоралар хавфлилиги ва оқибатлари ҳақида маълумотга эга

бўлиши ва шу шартларга кўниши талаб қилинади.

81b-модда “Фотография ва бармоқ изларини олиш” деб номланиб, унга мувофиқ, жиноят ишлари юритуви ёки жиний рўйхатга олиш тартиби учун фотосуратлар тайёрланиши, бармоқ излари олиниши мумкин. Айбланувчи ушбу ҳаракатларнинг амалга оширилишига қарши бўлса, мажбурий тарзда ўтказилиши талаб қилинади.

81c-модда бошқа шахсларга нисбатан қўлла-ниладиган гувоҳлантириш ва суд-тиббий экспертизалар ҳақида бўлиб, гувоҳларга нисбатан уларнинг розилигисиз гувоҳлантириш ёки суд-тиббий экспертиза ўтказилиши мумкинлиги белгиланган. Ушбу ҳолатларга уларнинг баданида жиноятга алоқадор маълум бир изларнинг борлиги аниқланган ҳолатлардагина йўл қўйилади.

Бундан ташқари, ушбу чоралар шахсларнинг соғлиғига зарар етказмаслиги ва иложсиз бўлган ҳолатларда, яъни фақатгина уларни гувоҳлантириш ёки экспертиза орқалигина жиноят ҳақида маълумот олиш имконияти мавжуд бўлган ҳолатлардагина амалга оширилади. Қон намуналари фақатгина шифокор томонидан олиниши талаб қилинади.

Айбланувчидан ташқари бошқа жиноят процесси иштирокчилари ҳам суд-тиббий экспертизадан ва қон намуналари олинишидан воз кечиши мумкин. Вояга етмаганлар ёшлиги ёки ақлий ривожланишдан орқада қолганлиги, касалликка чалинганлиги ёки руҳий касаллиги сабабли рад этиш ҳуқуқини тушунмаса ва ундан фойдалана олмаса, мазкур масалани қонуний вакил ҳал қилиши талаб қилинади. Агарда қонуний вакил вояга етмаган шахсга нисбатан экспертиза текшируви учун намуна олинишини рад қилиш ҳуқуқига эга бўлмаса ёки бошқа ҳолатларга кўра шу масалада ўз вақтида ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаса, аммо суд-тиббий экспертизани ўтказиш ёки қон намуналарини олиш орқали далилларни таъминлашни талаб қилганда, суднинг махсус қарорига кўра амалга оширилади. Судья билан ўз вақтида боғланиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолатларда прокурорнинг қарори билан ҳам ушбу ҳаракатлар амалга оширилиши мумкин. Мазкур қарор устидан шикоят қилиш тақиқланган.

81d-модда “Шаън, кадр-қимматни камситиш, ҳақорат қилиш” деб номланиб, агарда гувоҳлантириш ва суд-тиббий экспертиза инсон шаъни ва кадр-қимматини камситиши мумкин деган хулосага келинадиган бўлса, унда ушбу ҳаракатлар текшири-лаётган шахс жинсидаги шифокор, эксперт томо-

нидан амалга оширилиши мумкин. Текширилувчи шахснинг илтимосига кўра, ушбу ҳаракатлар унинг вакили иштирокида амалга оширилади.

ГФР ЖПКнинг “Молекуляр-генетик анализ” (81e-модда), “Тадқиқот анализларини олиш ва ўтказиш бўйича суднинг қарори” (81f-модда), “ДНК асосида айбланувчи, судланувчи шахсини аниқлаш” (81g-модда), “Оммавий генетик тестлар ўтказиш” (81h-модда) деб номланган моддалари алоҳида экспертиза турлари ўтказилишини талаб қилувчи объектлар ва уларни тадқиқ қилиш тартибига ба-ғишланган.

82-модда “Дастлабки тергов босқичида эксперт хулосаси” деб номланиб, дастлабки тергов босқичида суднинг оғзаки ёки ёзма қарор қабул қилиш ва экспертнинг хулосани бериш тартибини белги-лайди.

83-модда “Кўшимча эксперт хулосаси” деб ном-ланиб, агарда судья эксперт хулосасини қониқар-сиз деб баҳоласа, ўша экспертнинг ўзига ёки бош-қа эксперт томонидан хулоса чиқариш лозимлиги юзасидан қарор қабул қилади. Агарда судья экс-пертни рад этиш ҳақида қарор қабул қилса, кўшим-ча экспертизани бошқа экспертга топширади.

84-модда “Эксперт гонорари” деб номланган. Унга кўра, экспертлар “Адлия соҳасида бериладиган гонорарлар ва компенсациялар тўғрисида”ги Қонун асосида гонорар олишади.

85-модда “Махсус билимларга эга бўлган гувоҳ” деб номланиб, агарда иш ҳолати бўйича ўтмишда содир этилган жиноят ҳодисаси бўйича шакллан-ган фактлар, вазият аниқланиши учун махсус би-лимлар талаб қилинганда, махсус билимларга эга бўлган шахслар сўроқ қилиниши лозим бўлади, унга нисбатан гувоҳ кўрсатувларига қўйилган та-лаблар қўлланилади.

86-модда “Судлар томонидан ашёвий далил-ларнинг баҳоланиши” деб номланиб, агарда судья ашёвий далилларни бевосита ўзи олган бўлса, баённомада ушбу ҳолатларни баён этиши талаб қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, ГФР Жиноят-процес-суал кодекси махсус экспертиза тадқиқот турла-рини ҳам ўзида акс эттирувчи ва махсус билим-ларга оид нормалардан кенгроқ фойдаланилган кодекс саналади. Ундаги махсус билимларга, экс-перт фаолиятига оид нормалардан Ўзбекистон Рес-публикасининг Жиноят-процессуал кодексидagi махсус билимларга оид моддаларни такомиллаш-тиришда фойдаланиш мумкин. Бу эса соҳа риво-жига ижобий таъсир кўрсатади.



¹ Publishup.uni-potsdam.de/frontdoor/index/index/docId/6039 – P. 1.

² Kommentar, russische Übersetzung der StPк Kr. Pavel Golovnenkov, ass. iur., Natalia Spitsa, ass. iur., M.A. Einführung in das deutsche Strafprozessrecht Prof. Kr. Uwe Hellmann. Universitätsverlag Potsdam 2012. P. 124.

³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 76 б.

⁴ П.В. Головненков. Превентивное заключение в Германии: проблемы правового регулирования // Уголовное право: стратегия развития в XXI веке. М.: 2012. С. 491 - 498.

Сурайё РАХМОНОВА,
старший научный сотрудник-соискатель Ташкентского
государственного юридического университета, к.ю.н., доцент

КЛЮЧЕВЫЕ ЗАДАЧИ ИНСТИТУТА НАЗНАЧЕНИЯ ДЕЛА К СУДЕБНОМУ РАЗБИРАТЕЛЬСТВУ В УГОЛОВНОМ СУДОПРОИЗВОДСТВЕ

◆ Мазкур мақолада жиноят ишине судда кўриш учун тайинлаш босқичининг мазмуни ва вазифалари ўрганилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал қонунчилигида дастлабки суд муҳокамаси институтини жорий қилишнинг энг мақбул имкониятлари асосланганлиги берилган.

◆ В данной статье изучены содержание и задачи стадии назначения уголовного дела к судебному разбирательству, аргументированы оптимальные возможности внедрения института предварительного слушания в Уголовно-процессуальное законодательство Республики Узбекистан.

◆ In this article, the content and tasks of the stage of assigning a criminal case to the trial are studied. The optimal possibilities for introducing the institute of preliminary hearing into the Criminal procedural legislation of the Republic of Uzbekistan are discussed.

Таянч сўзлар: Жиноят процесси, суд, судья, дастлабки суд муҳокамаси, жиноят ишине судда кўриш учун тайинлаш.

Ключевые слова: Уголовный процесс, суд, судья, предварительное слушание дела, назначение дела к судебному разбирательству.

Key words: Criminal trial, court, judge, preliminary hearing of the case, assignment of case for judicial examination.

На данном этапе развития государства, его судебной и правовой систем как никогда становится актуальным вопрос создания оптимальных форм уголовного судопроизводства, позволяющих в максимальной степени защищать интересы личности. Укрепление роли суда как органа, разрешающего дела по существу, освобождение его от несвойственных функций обвинительного характера, развитие принципа состязательности, расширение прав обвиняемого, защитника, усиление и развитие института судебного контроля за деятельностью органов предварительного расследования и осуществление иных элементов судебно-правовой реформы вызвало необходимость исследования проблем назначения уголовных дел к судебному разбирательству, особенностей принятия решений о дальнейшей судьбе уголовного дела на данной стадии уголовного судопроизводства.

В частности, согласно Указу Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему реформированию судебно-правовой системы, усилению гарантий надежной защиты прав и сво-

бод граждан» № УП-4850 от 21 октября 2016 года, в целях дальнейшей демократизации и либерализации судебно-правовой системы, повышения эффективности деятельности судебных, правоохранительных и контролирующих органов, повышения доверия населения к правосудию, обеспечения верховенства закона и укрепления законности в обществе основными приоритетами государственной политики в сфере дальнейшего реформирования судебно-правовой системы определено обеспечение подлинной независимости судебной власти, надежной защиты прав и свобод граждан, а также повышение уровня доступа к правосудию¹.

Сегодня перед уголовно-процессуальной наукой стоит задача разработки теоретических решений проблем, связанных с построением оптимальной конструкции стадии назначения дела к судебному заседанию, с практикой применения процессуального закона и научных рекомендаций при осуществлении судебного контроля за материалами расследования в стадии назначения судебного заседания.

В исследовании порядка назначения уголовных дел к судебному разбирательству немало положений, развитых недостаточно. Необходимо выявление факторов, негативно влияющих на эффективность деятельности судьи при проверке материалов предварительного следствия. Полномочия, которые предоставлены судье для решения вопроса о дальнейшем движении дела осуществляются без необходимой для принятия решения процедуры. Полное отсутствие состязательности в стадии назначения судебного заседания мешает тщательному установлению всех необходимых оснований и предпосылок для передачи дела на рассмотрение суда.

Требуется научно-практически обоснованная разработка вопросов внедрения института предварительного слушания как альтернативной формы предания суду на данном этапе судопроизводства. Необходимо определение уголовно-процессуального порядка допуска сторон на стадию назначения судебного заседания и определения их полномочий. Необходимо развить теоретические основы состязательности в условиях стадии назначения судебного заседания.

Нуждается в дальнейшем исследовании вопрос о характере допускаемых органами предварительного расследования нарушений уголовно-процессуального закона и признании их существенными или несущественными, препятствующими либо не препятствующими дальнейшему движению уголовного дела, о способах и формах исследования доказательств на стадии назначения дела к судебному разбирательству, о праве и обязанности судьи участвовать в доказывании.

Практически не исследован порядок принятия решения о недопустимости доказательств на стадии назначения судебного заседания.

Во многом в силу своих двуединых задач стадия подготовки дела к судебному разбирательству всегда находилась в центре внимания уголовно-процессуальной, который в зависимости от общего строя процесса или его нормативно определенных задач вводил тот или иной (процессуальный) порядок предания обвиняемого суду: то настаивая на оптимальности обвинительной формы внесения дела в суд, то возвращаясь к процедурам независимой судебной проверки наличия к тому достаточных юридических и фактических оснований. Определяющими в контексте данного выбора являлись проблемы, связанные с анализом оптимальности коллегиальной или «единоличной» формы предания обвиняемого суду; предметом и пределами оценки суда по поступившему делу; определением юридических и фактических оснований для законной и обоснованной постановки уголовного дела на разрешение суда; обеспечением прав сторон на

участие в процедурах указанной стадии. Принципиальным также являлся вопрос о праве суда войти в оценку фактической стороны обвинения, внесенного (стороной уголовного преследования) в суд, как объективно необходимым основанием для констатации вывода о законном и обоснованном предании обвиняемого суду и возможности разрешения уголовного иска по существу.

Так, П.Л.Ишимов в своем диссертационном исследовании указывает, что к задачам данной стадии относятся: «Проверка качества материалов предварительного расследования и разрешение процессуально-значимых вопросов с целью установления достаточных оснований для назначения дела к слушанию в стадии судебного разбирательства, а также организация предстоящего судебного разбирательства по поступившему в суд уголовному делу»². А.В.Горяинов формулирует задачи стадии назначения судебного заседания следующим образом: «Установление всех признаков и свойств состава преступления с целью решения вопроса о подсудности; проведение анализа материалов поступившего уголовного дела, а также заявлений и ходатайств участников процесса с целью выявления оснований для проведения предварительного слушания или реализации принципов уголовного процесса; принятие процессуальных мер по подготовке уголовного дела к судебному заседанию»³.

Аналогичную точку зрения высказывает и В.П.Верин, который полагает, что основное предназначение данной стадии — исключить поступление в суд уголовных дел, по которым органами предварительного расследования, прокурором допущены нарушения уголовного и уголовно-процессуального закона, препятствующие осуществлению правосудия⁴.

По мнению Т.Ю.Максимовой, соотношение контрольных и подготовительных полномочий суда на исследуемой стадии свидетельствует о явном приоритете первых. Это выражается в последовательности, в которой суд должен решать рассматриваемые вопросы — сначала контрольные, потом подготовительные. Во-вторых, круг контрольных полномочий, количество принимаемых решений в рамках их реализации значительно шире аналогичного круга применительно к подготовительным полномочиям. В-третьих, контрольные полномочия суда на рассматриваемой стадии урегулированы более детально, чем подготовительные полномочия. Такое соотношение обусловлено самой логикой судебной процедуры. Прежде чем, предпринимать меры, направленные на проведение судебного заседания, необходимо удостовериться в отсутствии процессуальных нарушений, создающих непреодолимые

препятствия для рассмотрения дела в суде⁵.

Т.К.Рябинина выделяет три непосредственные задачи данной стадии в уголовном процессе: проверка материалов предварительного расследования с целью установления фактических и юридических оснований для рассмотрения дела в судебном разбирательстве; разрешение вопросов, связанных с подготовкой дела к судебному заседанию; прекращение производства по делу при наличии к тому оснований⁶.

В 49 главе УПК Республики Узбекистан закреплена процедура, в рамках которой судом реализуются рассмотренные выше полномочия. Об особом характере этой процедуры свидетельствует то, что она отражена в отдельных уголовно-процессуальных нормах, объединенных в указанных главах Кодекса.

На данном этапе судья рассматривает поступившее уголовное дело и разрешает ряд вопросов, предусмотренных ст. 396 УПК, причем закон не устанавливает какой-либо регламентации такого рассмотрения. Второй этап рассматриваемой формы процедуры состоит в вынесении судьей одного из трехпроцессуальных решений, предусмотренных ст. 395 УПК: о назначении дела к судебному разбирательству; о приостановлении производства по уголовному делу; о прекращении производства по уголовному делу. Закон предусматривает определенные сроки, в рамках которых осуществляется эта процедура. Так, по общему правилу, указанные решения принимаются в срок не позднее 7 суток со дня поступления уголовного дела в суд.

Анализ всех вышеприведенных точек зрения позволяет сделать вывод о том, что непосредственные задачи рассматриваемой стадии можно разделить на две группы: контрольные и подготовительные. Под контрольными задачами мы понимаем задачи, состоящие в проверке соблюдения уголовно-процессуального закона, прав участников судопроизводства, включая обвиняемого и потерпевшего, правил собирания доказательств на стадии предварительного расследования. Контрольные задачи обеспечивают выявление таких обстоятельств, которые создают непреодолимое препятствие для рассмотрения дела на стадии судебного разбирательства.

В данной связи утверждая независимый судебный контроль за качеством предварительного расследования преступлений и за законностью и обоснованностью внесения прокурором уголовного дела в суд (по сути, контроль за законностью и обоснованностью обвинения, вмененного обвиняемому), законодатель ясно подчеркивал юридическую и социальную важность (непосредственных) задач названной стадии, призванной, прежде всего, исключить внесение на судебное разбирательство уголовных дел, не

имеющих к тому достаточных правовых или фактических оснований; расследованных с существенным нарушением процессуальной формы или с явным нарушением прав, свобод и законных интересов (основных) участников процесса. Соответственно этой социальной направленности нормативного регулирования полномочий суда на этом этапе, в том числе в историческом их аспекте, формулировались законодателем непосредственные задачи названной стадии.

Известно и то, что исторически в нормативном определении той или иной формы предания суду «камнем преткновения», как для законодателя, так и научной доктрины, всегда являлся вопрос о допустимости предварительной оценки судом на этом этапе той или иной степени фактической доказанности обвинения, внесенного прокурором в суд. Вопрос, якобы неразрывно связанный с проблемой предрешенности судом (в итоге подобной оценки) вывода о доказанной виновности обвиняемого, преданного суду, еще до разбирательства дела по существу. Именно этот вопрос и эта проблема судебной формы предания суду, по сути, были причиной тех изменений, которые исторически оказались столь присущи институту и стадии подготовки дела к судебному разбирательству⁷.

Вместе с тем в исследовании порядка назначения уголовных дел к судебному разбирательству немало положений, развитых недостаточно. Необходимо выявление факторов, негативно влияющих на эффективность деятельности судьи при проверке материалов предварительного следствия. Полномочия, которые предоставлены судье для решения вопроса о дальнейшем движении дела, осуществляются без необходимой для принятия решения процедуры. Полное отсутствие состязательности в стадии назначения судебного заседания мешает тщательному установлению всех необходимых оснований и предпосылок для передачи дела на рассмотрение суда.

Требуется научно-практически обоснованная разработка вопросов внедрения института предварительного слушания как альтернативной формы предания суду на данном этапе судопроизводства. Необходимо определение уголовно-процессуального порядка допуска сторон на стадию назначения судебного заседания и определения их полномочий. Необходимо развить теоретические основы состязательности в условиях стадии назначения судебного заседания.

Нуждается в дальнейшем исследовании и вопрос о характере допускаемых органами предварительного расследования нарушений уголовно-процессуального закона и признании их существенными или несущественными, препятствующими либо не препятствующими дальнейшему движению уголовного дела, о способах и фор-

мах исследования доказательств на стадии назначения дела к судебному разбирательству, о праве и обязанности судьи участвовать в докзывании.

Практически не исследован порядок принятия решения о недопустимости доказательств на стадии назначения судебного заседания.

Предварительное слушание — как альтернативная форма назначения дела к судебному разбирательству необходимая новелла Уголовно-процессуального закона Республики Узбекистан, в ходе которого по инициативе (с участием) сторон будет разрешен вопрос допустимости доказательств. Предоставление подобного права сторонам усилит состязательность процесса и обеспечит некий контроль стороны защиты за качеством предварительного следствия, усилит ответственность следственных органов за доброкачественность собранных по делу доказательств.

Именно предварительное слушание предоставляет суду первой инстанции достаточно действенные возможности устранения последствий, допущенных в ходе дознания и предварительного следствия процессуальных нарушений и упущений.

Ввиду вышеперечисленных доводов, можно заключить, что включение в национальную систему общего порядка назначения дела к судебному разбирательству института предварительного слушания и распространение его действия на все категории дел, рассматриваемых судом первой инстанции, представляет дополнительную гарантию обеспечения законности и соблюдения прав участников уголовного судопроизводства, форму реализации принципа состязательности при осуществлении правосудия на данном этапе производства по уголовному делу.

Возможность заявить ходатайство о проведе-

нии предварительного слушания в досудебном производстве по окончании ознакомления обвиняемого и его защитника с материалами уголовного дела призвана обеспечить реальность и эффективность судебной власти на этом этапе процессуальной деятельности.

Представляется, что именно на этом этапе после своевременно заявленного обоснованного ходатайства, например, об исключении доказательств, следователь или прокурор будут вынуждены более внимательно рассмотреть и проанализировать всю совокупность собранных доказательств по делу, и возможно признать какие-либо доказательства недопустимыми, отказавшись от их использования.

Анализ деятельности суда в рамках проведения предварительного слушания через призму определенных выше задач и признаков данного института позволяет нам сформулировать значение предварительного слушания, которое заключается в том, что оно:

- 1) выполняя контрольную функцию не допустит судебного разбирательства по делам, по которым уголовное преследование осуществляется незаконно или необоснованно;
- 2) позволит установить наличие обстоятельств, препятствующих рассмотрению уголовного дела по существу в ходе судебного разбирательства и принять меры к их устранению;
- 3) создаст условия для использования в ходе судебного разбирательства только допустимых доказательств;
- 4) обеспечит защиту прав и законных интересов лиц, вовлеченных в сферу уголовного судопроизводства;
- 5) создаст предпосылки для эффективного рассмотрения уголовного дела по существу в ходе судебного разбирательства.



¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 21 октября 2016 года № УП-4850 «О мерах по дальнейшему реформированию судебно-правовой системы, усилению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан» // Информационно-правовой портал lex.uz.

² Ишимов П.Л. Процессуальный порядок подготовки уголовного дела к судебному разбирательству. Дисс. ... канд. юрид. наук. Ижевск, 2005. С. 43-44.

³ Горяинов А.В. Порядок подготовки к судебному заседанию в уголовном процессе России. Дисс. ... канд. юрид. наук. Челябинск, 2004. С. 56.

⁴ Практика применения Уголовно-процессуального кодекса Российской Федерации. Практическое пособие / Под ред. В.П. Верина. М.: Юрайт-Издат, 2006. С. 61.

⁵ Максимова Т.Ю. Стадия назначения судебного заседания по уголовному делу: история и современность [Электронный ресурс]: диссертация... кандидата юридических наук: 12.00.09. — Москва: РГВ, 2007. С. 43.

⁶ Рябина Т.К. Производство по уголовному делу в суде до судебного разбирательства. Монография: Воронеж, 1995. С. 39.

⁷ Юнусов А.А. Теория и практика эффективной подготовки уголовного дела к судебному разбирательству: Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора юридических наук. С.17.

Қалбай БАБАНАЗАРОВ,
Қорақалпоқ давлат университети
катта илмий ходим-изланувчиси, ю.ф.н.

РАДИАЦИЯВИЙ ХАВФНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ КЕЛИШУВЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

- ◆ Мақолада радиациявий хавфнинг олдини олишда халқаро-ҳуқуқий келишувларнинг аҳамияти таҳлил қилинган.
- ◆ В статье проведен анализ значения международно-правовых соглашений по вопросам предотвращения от воздействия радиации.
- ◆ The article analyzes the importance of international legal agreements on the prevention of radiation.

Таянч сўзлар: Атроф табиий муҳит, радиациявий хавф, радиоактив чиқиндилар, радиоактив чиқиндиларга нисбатан мулк ҳуқуқи, табиатни муҳофаза қилиш дастури, хорижий давлатларнинг экологик қонунчилиги, халқаро-ҳуқуқий келишувлар.

Ключевые слова: Окружающая природная среда, радиационная опасность, радиоактивные отходы, имущественное право на радиоактивные отходы, программа по охране природы, экологическое законодательство зарубежных государств, международно-правовые соглашения.

Key words: Environment, radiation hazard, radioactive waste, property right for radioactive waste, environmental protection program, environmental legislation of foreign countries, international legal agreements.

Радиациявий таъсирнинг ҳуқуқий жихатдан олдини олиш учун халқаро-ҳуқуқий муҳофаза услулари билан самарали фойдаланишимиз шарт. Бунга резолюция, конвенция, шартномалар, келишувлар, декларациялар ва қарорлар кирилади. Шу билан бирга, халқаро ташкилотлар билан биргаликда иш олиб боришимиз шарт. Бу эса, ўз навбатида, давлатимиз ҳудудида радиация хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўринга эга.

Битта давлат доирасида радиоактив чиқиндилар муаммосини ҳал қилишнинг иложи йўқ. Бунда барча кучлар, айниқса, радиоактив чиқиндилар билан муносабатда бўлишни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида барча кучлар бирлаштирилиши лозим. Кўпгина мамлакатларда радиоактив чиқиндилар билан муносабатда бўлишга ҳамда бундай муносабатда бўлишда хавфсизликни таъминлашга тааллуқли қоидалар қонун даражасида мустақамлаб қўйилган. Бунда, айниқса, халқаро ҳужжатлар, масалан, "Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим"¹, "Ишлатилган ёқилғи билан муносабатда бўлиш хавфсизлиги ва радиоактив чиқиндилар билан муносабатда бўлиш хавфсизлиги тўғрисидаги Қўшма конвенция"²,

"Ядровий зарар учун фуқаровий жавобгарлик тўғрисидаги Вена конвенцияси", "Ядровий зарар учун қўшимча товон тўлаш тўғрисидаги конвенция", "Ядровий хавфсизлик тўғрисидаги конвенция", "Космос бўшлиғида энергиянинг ядровий манбаларидан фойдаланишга тааллуқли тамоийиллар", "Ядровий ёки радиациявий фалокат вазиятларида ёрдам бериш тўғрисидаги конвенция", "Ядровий фалокат тўғрисида тезкорлик билан хабар бериш тўғрисидаги конвенция"³, "Ядровий ёки радиациявий фалокат вазиятларда ёрдам бериш тўғрисидаги конвенция", "Ядровий фалокат тўғрисида тезкорлик билан хабар бериш тўғрисидаги конвенция", "Ядро материалларини жисман ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция"⁴ ва бошқалар алоҳида аҳамиятга эгадир. Санаб ўтилган ҳужжатларнинг кўпчилиги Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган. Улар қаторида 1980 йилда қабул қилинган "Ядро материалларини жисман ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция" алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 26 декабрдаги Қарори билан мазкур Конвенция мамлакатимиз ҳудудида 1998 йилнинг 11 март ойдан бошлаб амал қилмоқда⁵.

Ишлатилган ёқилғи билан муносабатда бўлиш хавфсизлиги ва радиоактив чиқиндилар билан муносабатда бўлиш хавфсизлиги тўғрисидаги Бирлашган конвенция эса, ўз олдига қуйидагиларни мақсад қилиб қўйган: миллий чора-тадбирлар ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўли билан, шу жумладан, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўли билан бутун дунёда радиоактив чиқиндилар билан муносабатда бўлишнинг юқори даражасига эришиш; радиоактив чиқиндилар билан муносабатда бўлишнинг барча босқичларида юзага келиши мумкин бўлган хавфдан ҳимояланишнинг самарадор воситалари қўлланишини таъминлаш; фалокатнинг олдини олиш ва бошқалар (1-модда)⁶.

Юқорида тилга олинган конвенцияларда давлатлар радиоактив чиқиндилар билан муносабатда бўлишда хавфсизликни юксалтириш мақсадида, халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланган. Ядро реакторлари технологияларини эксплуатация қилиш радиоактив чиқиндилар юзага келишига сабаб бўлишини тан олган. Радиоактив чиқиндилар билан муносабатда бўлиш хавфсизлигини таъминлаш учун жавобгарлик давлат зиммасига тушади. Зеро, ёқилғи цикли соҳасидаги сиёсатни белгилаш ваколати фақат давлат қўлидадир. У ишлатилган ядро ёқилғисини қимматбаҳо ресурс деб ҳисоблаши ва қайта ишлатириши ёки қўндириб ташлаши мумкин.

Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) фаолияти доирасида радиоактив чиқиндилар билан муносабатда бўлишнинг давлатлараро стандартлари⁷ ишлаб чиқилган. Бу стандартлар тавсиявий характерга эга ва кўплаб давлатлар томонидан қўллаб-қувватланган тизимни ташкил этади. NUSS дастури материалларидан ташқари, МАГАТЭ чоп этган материалларнинг 50-серияси кўринишида чоп этилган, МАГАТЭнинг бошқа норматив ҳужжатлари ҳам мавжуд. Масалан, МАГАТЭ чоп эттирган 6-сонли “Радиоактив материалларни бир жойдан иккинчи жойга кўчиришда хавфсизлик нормалари”, 9-сонли “Радиациявий хавфсизликни таъминлаш учун асосий хавфсизлик стандартлари”, 55-сонли “Радиациявий фалокатлар юз берганда майдончадан ташқаридаги фалокатга қарши чора-тадбирлар”, 86-сонли “Ядро усқуналарида фалокат юз берганда ташқи радиациявий оқибатларни баҳолаш асосида қарорлар қабул қилиш”, 94-сонли “Трансчегаравий салбий таъсир кўрсатувчи радиоактив материаллар ташқарига чиқиб кетгандаги ҳаракатлар”⁸ ва шунга ўхшаш радиоактив материалларнинг денгизга отилиб тушганини тартибга солувчи махсус ҳужжатлар, радиоактив чиқиндилар билан муносабатда бўлиш усуллари, усқуналарни эксплуатациядан чиқариш усуллари шулар жумласидандир.

Атом энергияси бўйича халқаро агентлик

(МАГАТЭ)нинг бошқарма бошлиқлари томонидан 2003 йил 8 сентябрда маъқулланган радиоактив манбаларнинг хавфсизлиги ва бус-бутунлигини таъминлаш бўйича Ахлоқ кодекси⁹ қабул қилинган. Ушбу кодекс 2000 йил декабрида Буэнос-Айресда бўлиб ўтган ва давлатларни мазкур Кодексни қўллаш ва амалга оширишга чақирган, халқаро конференцияда қўллаб-қувватланган. 2003 йил март-июль ойларида экспертлар мажлисида Кодекснинг баъзи қоидаларига ўзгартишлар киритилган: радиоактив манбаларнинг миллий реестрлари форматларини келишиб олишга чақирувчи қоида билан тўлдирилди, Кодексни қўллаш доираси кенгайтирилди, радиоактив чиқиндиларни импорт ва экспорт қилишни назорат қилиб бориш тўғрисидаги қоидалар киритилди.

Ахлоқ кодексида келтирилган тегишли моддалар мазмунидан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, бошқа давлатлар, масалан, АҚШ, Россия, Канада мамлакатлари сингари бизнинг мамлакатимизда ҳам радиоактив чиқиндилардан фойдаланиш, уларни сақлаш, ташиш, бир жойдан иккинчи жойга кўчириш, утилизация қилиш каби бошқа радиоактив чиқиндилар билан муносабатда бўлиш ҳамда уларнинг муомалада бўлишини назорат қилиш ваколатига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги махсус ваколатли (инспекция, комиссия, бошқарма ва ҳоказо шаклидаги) давлат тузилмасини ва унинг жойлардаги бўлинмаларини ташкил қилиш лозим. Бундай давлат тузилмасини ташкил этиш зарурлигини қуйидагича асослантириш мумкин. Яъни ҳозирда саноат ва ишлаб чиқариш инфратузилмалари фаолиятининг бугунги кун иқтисодиётига монанд тарзда ривожланиши ушбу тармоқларда ҳам кўпгина радиоактив чиқиндилар, уларнинг реакцияланган ажратмалари ва бошқа зарарли моддалар кўп миқдорда атроф табиий муҳитга чиқариб ташланмоқда. Бу ҳолат Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида фақатгина умумий назорат тамойили асосида баҳоланмоқда ва уни бартараф этиш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирлар бевожута чиқиндиларни чиқариб ташлаганлик учун товон тўлаш характерига эга бўлмоқда. Бу каби чора-тадбирлар радиоактив чиқиндиларнинг зарарли оқибатларидан атроф муҳит ва инсон саломатлигини тўлалигича муҳофаза қилиш кафолатларининг таъминланишида етарли даражада деб бўлмайди.

Давлатларнинг радиоактив чиқиндилар билан муносабатда бўлиш тўғрисидаги миллий қонунчилиги халқаро ҳуқуқ тараққиётига улкан таъсир кўрсатади. Давлат қанчалар катта сиёсий қувватга эга бўлса, унинг қонунчилигидаги қоидалар халқаро ҳужжатларда шунчалар ёрқинроқ акс этади. Масалан, АҚШ ва Буюк Британия қонунчилигидаги радиоактив чиқиндилар билан муно-

сабатда бўлишга нисбатан бўлган умумий ёндашувлар халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Буюк Британияда, Францияда, Голландияда, АҚШда, Канадада 1965-1970 йиллардаёқ радиоактив чиқиндилар билан муносабатда бўлишга нисбатан асосий талаблар белгилаб қўйилган атроф муҳит муҳофазаси тўғрисидаги қонунлар, хавфли чиқиндиларни ўзлаштириш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинган¹⁰.

Юқоридаги мазмунлардан келиб чиқиб, ҳозирги даврда радиациявий таъсирнинг ҳуқуқий жиҳатдан олдини олиш учун халқаро-ҳуқуқий келишувларнинг аҳамияти хусусида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий нуқтаи назардан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки, радиациявий таъсирнинг ҳуқуқий олдини олиш учун халқаро-ҳуқуқий келишувлар тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмасдан, унинг моҳиятини тўла англамасдан туриб, амалиётда тўғридан-тўғри фойдаланиш ҳуқуқий амал қилиш оқибатидан келиб чиқадиган бошқа ҳуқуқий муносабатларни англаш, кузатиш мумкин эмас.

Шунинг учун радиациявий таъсирнинг ҳуқуқий

олдини олиш халқаро-ҳуқуқий келишувларнинг аҳамияти тўғрисида аниқ ва чуқур илмий тушунчага эга бўлиш, унинг туб моҳиятини очиб бериш, даставвал ушбу марказий масала устида ишлаш заруратидан келиб чиқади. Таъкидлаш керакки, радиациявий таъсирнинг ҳуқуқий олдини олиш учун халқаро-ҳуқуқий келишувларнинг манбаларидан фойдаланиш, моҳияти ва мазмунини таҳлил қилиш жуда муҳимдир. Шу билан бирга, шуни айтиш лозимки, радиациявий таъсирнинг ҳуқуқий олдини олиш учун халқаро-ҳуқуқий келишувларнинг аҳамияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш ҳаракатдаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга бағишланган халқаро-ҳуқуқий нормаларни билиб олиш, уни амалиётга тўғри ва аниқ қўллаш механизмини вужудга келтириш учун ҳам хизмат қилади. Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб, алоҳида таъкидлаш керакки, радиациявий таъсирнинг ҳуқуқий олдини олиш учун халқаро-ҳуқуқий келишувларнинг табиатини очиб бериш назарий жиҳатдан ҳам, халқаро қонунчиликни такомиллаштириш ва уни тўғри қўллаш нуқтаи назаридан ҳам, шунингдек амалиёт учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.



¹ Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари. Т.1. — Тошкент, 1998. — Б. 23-29.

² Интернет саҳифаси: www.lawbelarus.com.

³ Интернет саҳифаси: www.rosenergoatom.ru

⁴ Интернет саҳифаси: www.iranatov.ru/databas.htm — ахборот-таҳлил сайти; www.iaca.org — МАГАТЭ расмий сайти материалларидан.

⁵ Интернет саҳифаси: www.norma.uz.

⁶ Объединенной конвенции о безопасности с отработавшим топливом и о безопасности обращения с радиоактивными отходами быта от 5 сентября 1997 г. Интернет саҳифаси: www.iaca.org.

⁷ Nuclear Safety Standards (NUSS) — Ядро хавфсизлиги стандартлари // МАГАТЭнинг расмий сайти материалларидан (Интернет саҳифаси: www.iaca.org.)

⁸ Интернет саҳифаси: www.kadastr.ru.

⁹ Интернет саҳифаси: www.iaca.org.

¹⁰ Интернет саҳифаси: www.law.edu.ru.

РОЛЬ СВИДЕТЕЛЯ В ГРАЖДАНСКОМ ПРОЦЕССЕ И ЗНАЧЕНИЕ СВИДЕТЕЛЬСКИХ ПОКАЗАНИЙ КАК ВИДА ДОКАЗАТЕЛЬСТВ

◆ Мақолада фуқаролик процессида гувоҳнинг одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахс сифатидаги ҳуқуқий ҳолати, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, гувоҳ кўргазмаларининг далил сифатидаги аҳамиятига доир фикр-мулоҳазалар баён этилган.

◆ В статье изложены суждения автора относительно правового статуса свидетеля, как лица, содействующего осуществлению правосудия, его права и обязанности, а также значение свидетельских показаний, как вид доказательств при рассмотрении гражданских дел.

◆ This article discusses the opinions about the legal status of the witness as a person contributing to the administration of justice, his rights and duties, as well as the importance of the testimony as a type of evidence in civic cases.

Таянч сўзлар: Гувоҳ, одил судловга кўмаклашувчи шахслар, юридик манфаатдорлик, ҳуқуқий ҳолат, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, сўроқ, гувоҳ кўргазмаси, маълумотлар, далиллар, мақбуллик.

Ключевые слова: Свидетель, лица, содействующие осуществлению правосудия, юридическая заинтересованность, правовой статус, права и обязанности, свидетельские показания, сведения, доказательства, допустимость.

Key words: Witness, persons contributing to the administration of justice, legal interest, legal status, rights and duties, interrogation, witness's testimonies, information, evidence, admissibility.

В последнее время особое внимание уделяется вопросам совершенствования механизма рассмотрения судами гражданских дел. Проводимые в стране судебно-правовые реформы в сфере гражданско-процессуальных отношений так или иначе затрагивают статус и положение отдельно взятого участника процесса. Немаловажную роль в решении задач, стоящих перед судом, играет свидетель, который, согласно действующему Гражданскому процессуальному кодексу входит в категорию лиц, содействующих осуществлению правосудия.

Известно, что свидетель как участник процесса — это лицо, вызванное судом для дачи показаний об известных ему обстоятельствах дела. Свидетельские показания — сами сообщения, сделанные свидетелем суду.

В соответствии с действующим ГПК, свидетель — это лицо, которому известны какие-либо обстоятельства, относящиеся к делу. В гражданском процессе свидетелями могут быть любые граждане, способные правильно воспринимать обстоятельства действительности, имеющие отношение к разбираемому гражданскому делу, то

есть обладающие в полной мере гражданской процессуальной правоспособностью.

Тем не менее, законом четко прописан перечень лиц (обстоятельств), которые не могут быть вызваны и допрошены в качестве свидетелей. Это:

1) представители по гражданскому делу или защитники по уголовному делу — об обстоятельствах, которые стали им известны в связи с исполнением обязанностей представителя или защитника;

2) лица, которые в силу своих физических или психических недостатков не способны правильно воспринимать факты или давать о них правильные показания¹.

Свидетель должен обладать способностью не только правильно воспринимать действительность (гражданско-процессуальная правоспособность), но и давать о воспринятом правильные показания (гражданско-процессуальная дееспособность). По этому признаку не должны допрашиваться в качестве свидетелей лица, которые в силу психических недостатков не способны объективно воспринимать факты и давать о них правильные показания.

Показания свидетелей в основном содержат такие обстоятельства, которые воспринимались ими лично, которые они сами видели и слышали. Но тем не менее, суды принимают и сообщения о фактах, о которых свидетель узнал из других источников, например от другого лица. Однако, недопустимо свидетельство «по слухам», когда источник сведений не может быть указан, а следовательно, не может быть проверен. Лицо, способное давать показания в качестве свидетеля, становится свидетелем по вызову суда.

Следует отметить, что несовершеннолетние дети, выступающие в качестве свидетелей обладают ограниченной дееспособностью в силу того, что психологические особенности ребенка, особенно малолетнего, таковы, что он воспринимает окружающее не столько рационально, сколько эмоционально. Поэтому, на мировой практике существует правило, согласно которому при их допросе в суде привлекаются специалисты в области детской психологии, родители, педагоги, усыновители, опекуны или попечители.

В юридической литературе свидетельские показания в зависимости от их содержания разделяются на три группы:

- сведения — информации;
- сведения, содержащие суждения;
- показания сведущих свидетелей².

Сведения — информации обычно дают свидетели, не знакомые со сложившимися взаимоотношениями и правоотношениями спорящих сторон, поскольку они ограничиваются изложением какого-то одного или нескольких фактов, имеющих значение для правильного разрешения гражданского дела. Такие показания дают очевидцы, случайно узнавшие те или иные обстоятельства.

Второй вид показаний (сведения, содержащие суждения) типичен для свидетелей, хорошо знакомых со сторонами либо с одной из них, знающих развитие спорных отношений. Нередко такие свидетели (родственники, подруги, недруги одной из сторон) имеют фактическую заинтересованность в том или ином разрешении дела. Они, как правило, не ограничиваются рассказом о конкретном факте, а излагают свои соображения, суждения и догадки, содержащие оценку спорной ситуации, дают характеристики конфликтующих людей. Поэтому отделить рассуждения данных лиц от собственно доказательственной информации суду бывает не всегда просто. И хотя показания указанных свидетелей более полно описывают спорную ситуацию, фактическую сторону дела, при этом велика опасность искажения обстоятельств дела, подмены доказательств необъективной информацией.

Третий вид показаний получают от сведущих свидетелей, которые в силу профессиональных, специальных знаний способны не только сооб-

щить суду информацию фактического характера, но и указать причины и последствия совершения конкретных обстоятельств. Поэтому сведущие свидетели близки по своей природе к специалистам. Так, водитель может подробно и квалифицированно изложить обстоятельства дорожно-транспортного происшествия, очевидцем которого был³.

Следует иметь в виду, что свидетельские показания должны касаться фактических обстоятельств дела. Их мнения относительно смысла законов и юридического значения фактов не принимаются судом во внимание. Так же, не имеет значения оценка фактических обстоятельств, делаемая ими с точки зрения научной или технической.

В современной юридической литературе не всегда однозначно определен принцип заинтересованности свидетеля в итоге рассмотрения дела. По мнению большинства ученых, свидетели не выступают субъектами материально-правовых отношений и в отличие от лиц, участвующих в деле, не имеют юридической заинтересованности в его исходе.

Так, В.В. Молчанов утверждает, что существует связь качества свидетельских показаний с деятельностью сторон в процессе, что подтверждается следующим:

1) свидетели представляются сторонами с целью обоснования своих требований и возражений;

2) свидетелями нередко выступают лица, имеющие определенное отношение к сторонам (родственники, знакомые), т.е. не являющиеся посторонними в полном смысле этого слова;

3) закон не обязывает стороны давать правдивые объяснения относительно фактов, которыми они обосновывают свои требования и возражения⁴. Таким образом, можно сделать вывод о возможной заинтересованности свидетеля в гражданском процессе.

Следует отметить, что, по мнению большинства ученых, при изучении процессуального положения лиц, содействующих осуществлению правосудия, отдельное внимание следует обратить на императивный метод регулирования их деятельности в гражданском процессе. В основном лица, содействующие осуществлению правосудия, в гражданском процессе выполняют процессуальные обязанности. Так, свидетель обязан явиться в суд в назначенное время и дать правдивые показания⁵.

В соответствии со ст. 71 ГПК Республики Узбекистан, лицо, вызванное в качестве свидетеля, обязано явиться в суд и дать правдивые показания.

За дачу заведомо ложных показаний, за отказ или уклонение от дачи показаний по причинам,

признанным судом неуважительными, свидетель несет ответственность по статьям 238 и 240 Уголовного кодекса Республики Узбекистан⁶.

Однако, в законодательстве некоторых стран СНГ, относительно обязанности свидетеля по даче показаний, существуют исключения из вышеуказанных правил.

Например, согласно ст. 69 ГПК России, от дачи свидетельских показаний вправе отказаться следующие категории лиц:

- 1) гражданин против самого себя;
- 2) супруг против супруга, дети, в том числе усыновленные, против родителей, усыновителей; родители, усыновители против детей, в том числе усыновленных;
- 3) братья, сестры друг против друга; дедушка, бабушка против внуков; внуки против бабушки и дедушки;
- 4) депутаты законодательных органов — в отношении сведений, ставших им известными в связи с исполнением депутатских полномочий;
- 5) Уполномоченный по правам человека в Российской Федерации — в отношении сведений, ставших ему известными в связи с выполнением своих обязанностей (ч. 3 ст. 69 ГПК РФ).
- 6) Уполномоченный при Президенте Российской Федерации по защите прав предпринимателей, уполномоченные по защите прав предпринимателей в субъектах Российской Федерации — в отношении сведений, ставших им известными в связи с выполнением своих обязанностей.
- 7) Федеральные законы предусматривают свидетельский иммунитет в силу профессионального долга: адвокатская тайна, тайна усыновления, нотариальная тайна, следственная тайна, лоцманская тайна, государственная тайна, военная тайна, дипломатическая тайна и т.д.⁷

Согласно ст. 52 ГПК Украины, физическое лицо имеет право отказаться давать показания относительно себя, членов семьи или близких родственников (муж, жена, отец, мать, отчим, мачеха, сын, дочь, пасынок, падчерица, брат, сестра, дедушка, бабушка, внук, внучка, усыновитель или усыновленный, опекун или попечитель, лицо, над которым установлена опека или попечение, член семьи или близкий родственник этих лиц). Лицо, которое отказывается давать показания, обязано сообщить причины отказа⁸.

Аналогичные нормы предусмотрены в законодательствах и других стран СНГ и мира.

Когда речь идет о значении свидетельских показаний, в основном они принимаются на одном уровне среди прочих видов доказательств. Следует принимать во внимание, что в ГПК Республики Узбекистан нормы о свидетелях (их показаниях) не зря включены в главу о доказательствах.

При сравнении национального законодатель-

ства с законами других стран становится очевидным, что свидетельские показания по разному оцениваются с точки зрения их значимости и допустимости.

Так, в Германии свидетельские показания (*der Zeugenbeweis*) — наиболее применяемое на практике средство доказывания, которое исследуется судом с особой осторожностью. Дело в том, что в германской теории доказательств свидетельские показания оцениваются как важнейшее и одновременно как наихудшее из средств доказывания. Это положение основано на том, что мировоззрение человека, его мышление, чувства, фантазии и иные источники воздействия играют немаловажную роль при даче показаний свидетелем. Свидетельские показания как доказательства строятся на представленных свидетелем фактах, в допросе которых он принимал участие⁹.

Французская система судебных доказательств, в особенности в части, касающейся свидетельских показаний (*les preuves des temoins, la preuve testimoniale*), отличаются сугубым формализмом. Свидетелем может быть любое лицо, достигшее возраста 18 лет. Заинтересованность в исходе дела не является основанием для отвода свидетелей. В отличие от английского процесса, французский гражданский процесс не требует от свидетелей, чтобы они сами непосредственно видели, слышали и т.д. все то, о чем они сообщают суду в своих показаниях. Считается вполне допустимым, если свидетели в своих показаниях сообщат суду то, что они узнали со слов других лиц, в присутствии которых те или иные фактические обстоятельства имели место¹⁰.

В США показания свидетелей являются одним из видов средств доказывания и популярен в процессе по следующим причинам. Прежде всего свидетель-очевидец — это доказательство, что называется, из первых рук. Вспоминая о запрете в американском процессе использовать доказательства с чужих слов (*hearsay rule*), становится понятным, что свидетель, т.е. лицо, которое лицо воспринимало какие-либо факты, является наиболее предпочтительным. Кроме того, свидетель — это лицо, которое можно подвергнуть перекрестному допросу, что едва ли возможно при исследовании письменных доказательств. Также немаловажное значение играет тот факт, что свидетель дает свои показания под присягой, что повышает их достоверность. Наконец, большое значение для присяжных может иметь чисто психологическое воздействие, которое свидетель может оказать на последних¹¹.

Исходя из вышеуказанного можно сделать вывод, что свидетель, являясь участником гражданского процесса, на которого возложена обязанность содействовать осуществлению правосудия,

играет важную роль в решении задач, поставленных перед судом при рассмотрении гражданского дела, в том числе, вынесении законного и справедливого судебного постановления. Во-вторых, свидетель, будучи юридически не заинтересованным в исходе гражданского дела, не вправе занимать позицию одной из сторон процесса, а должен излагать все факты и обстоятельства, которые ему известны. В-третьих, показания свидетелей имеют огромное значение при решении вопроса доказанности заявленных истцом требований, так как они будут оценены судом допу-

стимыми, после того, как свидетель даст присягу об ответственности за дачу ложных показаний. И наконец, показания свидетелей имеют особую роль в тех случаях, когда свидетель — это не просто лицо, которому известны какие либо факты, относящиеся к рассматриваемому гражданскому делу, а очевидец обстоятельства, являющегося предметом исследования судом при рассмотрении гражданского дела. Таким образом, роль свидетеля в гражданском процессе, а также значение его показаний немаловажны и требуют дальнейших научных исследований.



¹ Гражданский процессуальный кодекс Республики Узбекистан (с изменениями и дополнениями). Официальное издание — Министерство юстиции Республики Узбекистан. —Т.: «Адолат», 2016 г. С. 233.

² Фокина М.А. Свидетельские показания в состязательном гражданском судопроизводстве. — Саратов, 1996. — С. 60.

³ Власова А.А. Гражданский процесс Российской Федерации / Под ред. А.А. Власова. — М.: Юрайт-Издат. 2003 — 584 с.

⁴ Молчанов В.В. Об ответственности в гражданском судопроизводстве // Арбитражный и гражданский процесс. 2010. № 10. С. 28 — 31.

⁵ Гражданский процесс в вопросах и ответах: учебное пособие/ под общ. ред. Л.В. Тумановой. -М.: Проспект, 2015. стр. 100.

⁶ Гражданский процессуальный кодекс Республики Узбекистан (с изменениями и дополнениями). Официальное издание — Министерство юстиции Республики Узбекистан. —Т.: «Адолат», 2016 г. С. 234.

⁷ Гражданский процесс в вопросах и ответах: учебное пособие/ под общ. ред. Л.В. Тумановой. -М.: Проспект, 2015. стр. 157.

⁸ <http://www.lex.uz>

⁹ Гражданский процесс зарубежных стран: учеб. пособие/ под ред. д-ра юрид. наук А.Г. Давтян. — М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. С. 74.

¹⁰ Кейлин А. Д. Судостроительство и гражданский процесс капиталистических государств. М., 1958. —М. 208.

¹¹ Гражданский процесс зарубежных стран: учеб. пособие/ под ред. д-ра юрид. наук А.Г. Давтян. — М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. С. 66.

ЎЗГАЛАР МУЛКИНИ КОМПЬЮТЕР ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШДА АЙБНИНГ АҲАМИЯТИ

- ◆ Мақолада ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жинояти таркибининг таҳлили келтирилган бўлиб, унинг зарурий ва факультатив белгиларининг аҳамияти ёритилган.
- ◆ В статье проведен анализ состава преступления кражи чужого имущества путём использования компьютерной техники, основных и факультативных элементов состава преступления.
- ◆ The article describes the analysis of the larceny crime of others' properties through the use of computer technology, the necessary and optional elements of the crime.

Таянч сўзлар: Ўзгалар мулкни талон-торож қилиш, компьютер, айб, қасд, мақсад, мотив, тафаккурий ва иродавий ҳолат.

Ключевые слова: Хищение чужого имущества, компьютер, вина, умысел, цель, мотив, интеллектуальное и волевое состояние.

Key words: Larceny of another's property, computer, guilt, intent, aim, motive, intellectual and volitional state.

Жиноятнинг субъектив томони одатда, айбдорнинг содир этган қилмишига нисбатан ички руҳий муносабатини ифодаловчи жиноят таркибининг бир қисми ҳисобланади. “Жиноят таркиби субъектив томонини аниқлаш одил судлов вазифаларини тўғри амалга ошириш ҳамда қилмишни тўғри квалификация қилишнинг зарурий шартидир”¹.

Жиноят субъектив томони асосий (айб) ва факультатив (мотив ва мақсад) белгиларидан ташкил топади.

Айб тўғрисидаги таълимот энг долзарб ижтимоий ва ҳуқуқий муаммолардан бири ҳисобланади. Айб ўз табиатига кўра, жиноят субъектив томонининг руҳий моҳиятини ифодалайди. Жиноят қонунчилиги ривожланишининг барча даврларида жиноий жавобгарлик асосини субъектив айб мавжудлиги ташкил қилган².

Р.А.Зуфаров таъбири билан айтганда, “Айб – жиноят субъектив томонининг мажбурий белгисидир. Айбсиз жиноят таркиби бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу жиноий қилмишни жиноий бўлмаган қилмишдан фарқ қиладиган белгидир. Қонун чиқарувчи айбга муҳим аҳамият беради. Айб учун жавобгарлик Жиноят кодекси

принципи даражасига кўтарилган. ЖКнинг 9-моддасига мувофиқ шахс айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади”³.

Айб ҳар қандай жиноятнинг таркибий ва ажралмас қисми, жиноят субъектив томонининг асосий белгиси. Айб бир томондан, жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида жиноий жавобгарликнинг асосларидан бири бўлган жиноят субъектив томонининг зарурий элементи, иккинчи томондан эса, айб учун жавобгарлик жиноят қонунининг махсус принципи ҳамдир⁴.

Гарчанд, айб тўғрисида юридик адабиётларда хилма-хил фикр ва мулоҳазалар билдирилган бўлса-да, уларнинг барчаси бир умумий нуқтада туташади: айбнинг энг муҳим ва ажралмас белгиси – шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши ва унинг оқибатларига нисбатан қасд ёки эҳтиётсизликда ифодаланувчи руҳий муносабатидир⁵.

Н.И.Мухторов таъкидлаганидек, “Айбнинг шакли ва турини тўғри аниқлаш жиноят учун жавобгарликка тортиш, жиноятларни тўғри квалификация қилиш, жазонинг тури ва миқдорини адолатли белгилаш, жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишни асосли ташкил этиш-

нинг самарадорлигини оширади⁶.

Ўзгалар мулкни компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жиноятлари талон-торож жиноятларининг ўзига хос шакли эканлигини эътиборга олган ҳолда умумий талон-торож жиноятлари субъектив томони масаласига қисқача тўхталиб ўтсак. Талон-торож жиноятларининг умумий таҳлили юзасидан деярли барча ҳуқуқшунос олимлар ушбу жиноятларда айб асосан тўғри қасд билан тавсифланишни таъкидлайдилар⁷.

Одатда қасд айб шаклининг бир кўриниши сифатида тафаккурий ва иродавий ҳолатлардан ташкил топади. Ушбу қоида ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш учун ҳам хос бўлиб, бунда айбдор ўзи содир этаётган ижтимоий хавфли қилмишининг хавфлилик хусусиятини англаши, айбнинг тафаккурий белгиси сифатида қуйидагиларни ўз ичига олади: биринчидан, ўзганинг мулкни ёки мулкий ҳуқуқларини талон-торож қилишнинг ҳуқуққа хилоф эканлигини англаши ва мулк дахлсизлигининг қонун билан қўриқланганлигини билиши; иккинчидан, аксарият ҳолларда айбдор талон-торож қилишни истаган мулкнинг компьютер ахбороти кўринишида ахборот ташувчи қурилмаларда, компьютер, шунингдек, компьютер тизими ёки тармоғида сақланишини билиши; учинчидан, айбдор ушбу қилмишни содир этиш орқали мулкдорга мулкий зарар етказишини англаб этиши каби ҳолатларни ўз ичига олади.

Айбдор ушбу ҳолатларни англаган ҳолда мулкдорга мулкий зарар етказишни истаб ҳаракат қилиши эса, айбнинг иродавий ҳолатини ташкил этади ҳамда қилмишнинг (ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш) фақат тўғри қасддан содир этилиши мумкинлигини ифодалайди.

Шу ўринда ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш шакллари бўлган ўзлаштириш ва растрата, фирибгарлик ёки ўғирликнинг субъектив томони зарурий белгиси бўлган қасднинг тафаккурий ҳолатига оид хусусиятларига алоҳида тўхталиб ўтиш зарур.

Ўзгалар мулкни компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ёки растара қилиш йўли билан талон-торож қилишда айбдорнинг ҳаракатлари тўғри қасд асосида шаклланади. Ушбу ҳолатда қасднинг тафаккурий ҳолати сифатида айбдор содир этаётган қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаши қуйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, айбдор ўзганинг мулкни бу тарзда эгаллашнинг қонунга хилоф эканлигини англаши; иккинчидан, мулкни мулкдорнинг эгаллигидан ўрнини қопламасдан эгаллаш учун ўзида ҳақиқатда ҳам ёки фараз этилган ҳуқуқларнинг мавжуд эмаслигини англаши; учин-

чидан, талон-торож қилинаётган мулкка нисбатан ўзининг махсус ваколатлари мавжуд эканлигини англаши (айбдор ўзи талон-торож қилаётган мулкни унинг ўзига ишониб топширилганлигини ёки ихтиёрида турганлигини билиши); тўртинчидан, ушбу қилмишни содир этиш оқибатида мулкдорга моддий зарар етказишини англаши. Яъни ушбу вазиятда айбдор компьютер ахбороти (нақд бўлмаган пул) кўринишидаги мулкка нисбатан маълум бир ҳуқуқларга, яъни хизмат вазифаси туфайли мулк юзасидан маълум бир ҳаракатларни амалга ошириш ваколатига эга бўлсада, у ўзгалар мулкни ўзининг ғаразли мақсадлари йўлида тасарруф этишга ҳаққи йўқлигини аниқ билади. Жумладан, банкнинг мижозлар маблағи устидан турли операцияларни амалга оширишга масъул бўлган ходими ўз хизмат ваколатларидан фойдаланиб, мижознинг ҳисобидан пул маблағини ўзлаштириши ёки растара қилиш йўли билан талон-торож қилиш ҳоллари бунга мисол бўла олади. Ушбу вазиятда айбдор мижознинг ҳисоб варақасидан пул маблағини ўзи ёки бошқа шахслар фойдасига мулкдорга зарар етказган ҳолда ўтказишга руҳсати йўқлигини англайди.

Компьютер фирибгарлигида эса, қасднинг тафаккурий ҳолати сифатида айбдор ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаши қуйидагиларда ифодаланади: биринчидан, айбдор ўзга шахсни алдаётгани ёки ишончини суиистеъмол қилаётганлигини англаши; иккинчидан, ушбу ҳаракатлар орқали ўзганинг мулкни талон-торож қилаётганлиги ғайриқонуний эканлигини англаши; учинчидан, мулкни мулкдорнинг эгаллигидан ўрнини қопламасдан эгаллаш учун ўзида ҳақиқатда ҳам ёки фараз этилган ҳуқуқларнинг ҳам мавжуд эмаслигини англаганлиги; тўртинчидан, ушбу қилмишни содир этиш оқибатида мулкдорга моддий зарар етказишини англаб туришида ифодаланади.

Ўзгалар мулкни компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб ўғирлик йўли билан талон-торож қилишда эса, қуйидагиларда акс этади: биринчидан, айбдор ўзгалар мулкни яширин равишда эгаллашнинг қонунга хилоф эканлигини англаши; иккинчидан, мулкни мулкдорнинг эгаллигидан ўрнини қопламасдан эгаллаш учун ўзида ҳақиқатда ёки фараз этилган ҳуқуқларнинг ҳам йўқлигини англаши; учинчидан, ушбу қилмишни содир этиш оқибатида мулкдорга моддий зарар етказётганлигини англаб турганлиги.

Шунингдек, ўзгалар мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятларда айбдор жиноят объектив томонининг айрим факультатив белгиларини англаши ҳам қасднинг тафаккурий ҳолати таркибига киради, деган фикрларга⁸ биз ҳам қўшиламыз. Сабаби, жиноят таркиби объектив томон факультатив белгиси бўлган жиноят содир этиш воситаси ва усули ўзгалар мулкни компь-

ютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилишда жиноят таркибининг зарурий белгиси бўлиб келиши ҳамда айбдор ушбу воситалар орқали мулкнинг талон-торож қилинаётганлигини англаб етганлиги билан ифодаланади.

Ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилишнинг барча шакллари учун қасднинг иродавий белгиси юқорида қайд этиб ўтганимиздек, айбдор ўзи содир этган ижтимоий хавфли қилмишининг хавфлилик хусусиятини англаган ҳолда мулкдорга мулккий зарар етказишни истаб ҳаракат қилишида ифодаланади.

Демак, юқорида билдирилган фикрлар асосида, ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилишнинг барча шакллари фақат тўғри қасддан содир этилади, деган хулосага келишимиз мумкин.

Қуйида ўзгалар мулкни компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жиноятини жиноят таркиби субъектив томонининг факультатив (мотив ва мақсад) белгилари ҳақида тўхталиб ўтсак. Таъкидлаш ўринлики, айрим ҳолларда мотив ва мақсад жиноят таркиби субъектив томонининг зарурий белгиси бўлиб келиши мумкин. Шунингдек, ҳар бир содир этилган талон-торож жиноятининг мотив ва мақсадини аниқлаш суд томонидан мазкур қилмишни тўғри квалификация қилиш ҳамда адолатли жазо тайинлаш учун хизмат қилади. Ўзгалар мулкни компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилишда ҳам мотив ва мақсад ушбу жиноят таркиби субъектив томони зарурий белгиси бўлиб ҳисобланади.

Маълум бир ижтимоий хавфли қилмишда намоён бўладиган жиноятни амалга оширишдан олдин, аввало ички эҳтиёж юзага келади ва бу мотивга айланади. Шу ҳолатдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мотив онгда юзага келган эҳтиёжнинг маълум бир ҳаракатни амалга оширишга ундовчи аксидир. У қасднинг юзага келишига ва маълум бир мулкнинг олинишига ундайди. Мотив бу – инсон онгда ҳис-туйғулар ва кечинмалар оқибатида юзага келадиган истакдир⁹. Мотив нафақат қасдни шакллантиришга, балки мақсаднинг юзага келишига ҳам сабаб бўлади. Инсон онгда шаклланган тамагирлик мотиви ўзганинг мулкига эгалик қилиш, ўзлаштиришда ифодаланадиган мақсадни юзага келтиради.

Инсон психикасининг бир элементи бўлиши баробарида мақсад эса — ички қизиқиши орқали маълум бир ҳаракатларни амалга оширишни кўзда тутувчи жиноят субъектининг иродавий ҳаракати оқибатидир. Мақсад эҳтиёж оқибатида ижтимоий хавфли қилмишдан олдин юзага келади. Демакки, мақсад шахснинг жинояти натижасида маълум бир оқибат юзага келишига бўлган ички интилиши ҳисобланади. Ушбу мақсаднинг юзага

келиш вақти эса, талон-торож билан боғлиқ жиноятларда жуда катта аҳамият касб этади ва жиноят квалификациясига таъсир қилувчи омил саналади.

Тамагирлик мотиви асосидаги талон-торож мақсадининг ўзига хослиги ўзлаштирилаётган ўзганинг мулкни ҳаққини тўламасдан (текинга) бир умрга қайтариб берилмаслик, ўзиники қилиб олишда ифодаланади.

Талон-торожнинг ғараз мақсадларда содир этилиши юридик адабиётларда¹⁰ бир неча мараба қайд этиб ўтилган. Хусусан, профессор М.Х.Рустамбаев бу ҳақда шундай ёзади: “Ғараз — талон-торожнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Бунда ғараз ўзи ёки бошқа шахслар фойдасига моддий наф олишда ифодаланади”¹¹.

Профессор Ю.М.Каракетов таъбири билан айтганда, “Ғараз мақсадда, тамагирлик йўлида ўзгага тегишли бўлган мулкдан тасарруф қилиш ҳуқуқини олишда ифодаланган ҳаракат, демак ушбу ҳаракатда эҳтиётсизлик ёки эгри қасд бўлмайди”¹².

Ўзбекистон Республикаси амалдаги Жиноят кодексининг саккизинчи “Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси” бўлимида эса, ғаразгўйлик ниятлари деганда, содир қилинган жиноятдан моддий ёки бошқача мулккий йўсиндаги фойда олиш ёхуд моддий харажатлардан қутулишга интилишда ифодаланган ният деб таъриф берилган.

Шунингдек, М.А.Абдухаликов бевосита ушбу жиноятларнинг мотиви ҳақида тўхталиб, ўзганинг мулкни талон-торож қилишга, айниқса, унинг ўғирлик, талончилик каби кўринишларига ўзгалар бойлигини кўра билмаслик, ўч олиш, ёмонлик каби паст иллатлар сабаб бўлиши мумкин¹³, деб таъкидлайди. Лекин ўзгалар мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятларда ҳамма вақт ҳам ўч олиш, ёмонлик каби паст иллатларни жиноят мотиви сифатида кўриш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки ушбу иллатлар айрим ҳолларда талон-торожнинг мақсади ҳам бўлиши мумкинлигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Юқорида қайд этилганидек, мазкур тоифадаги жиноятлар аксарият ҳолларда амалга оширишга ундовчи асосий куч, ўз фойдасини кўзлаш — ғараз мақсад, тамагирлик ҳисобланади.

Тамагирлик мотиви деганда, инсоннинг ички ноқонуний бойишга, мулккий фойда олишга ҳуқуқий асослари бўлмаган ҳолда интилиши тушунилади. Тамагирлик бу — ҳар доим ахлоққа қарши, манфаатпарастлик билан тор эгоизмда намоён бўлувчи майл, истак, хоҳишдир. Тамагирликда инсон ҳалол меҳнат билан эмас, турли ноқонуний йўллар билан бировга тегишли бўлган мулкни ўзлаштиришга қаратилган бўлади¹⁴. Одатда тамагирликда шахс ўз манфаат ва эҳтиёжларининг йўлайди (баъзида эса, бошқалар, яъни дўст ва яқинлари манфаатларини кўзлаб ҳам

ҳаракат қилади). Талон-торождаги ғараз мақсад эса, юқорида таъкидлаганимиздек, айбланувчи ўзи ёки бошқа шахслар фойдасига ўзганинг мулкни олишга бўлган интилишида ифодаланган. Яъни айбдор ўзга шахсларнинг мулкни қасддан, қайтариб бермаслик мақсадида, ғараз ёки тамагирлик нияти билан мулкдордан, мулк учун жавобгар шахсдан, мулкни олишга тўқинлик қилиши мумкин бўлган шахсдан ёки мулкнинг бошқа эгасидан уларга моддий зарар етказиб, мулкни ўзи ёки учинчи шахслар фойдасини кўзлаб, қонунга хилоф равишда, текинга эгаллайди¹⁵.

Юқорида таъкидланганидек, талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятларда жиноят таркибини баҳолашда жиноят таркиби субъектив томонининг факультатив белгисини ташкил қилган “мақсад” жиноят таркибининг зарурий белгиси бўлиб хизмат қилиши бирқанча юридик адабиётларда таъкидлаб ўтилган. Аммо амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ўзгалар мулкни талон-торож қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддалари диспозициясида ушбу жиноятларнинг фақатгина ғараз мақсадда содир этилиши ҳақида бирор-бир кўрсатма мавжуд эмас.

Шундай экан, юқорида билдирилган ўзгалар мулкни талон-торож қилиш фақатгина ғараз мақсадларда содир этилади деган фикрга қўшилмаган ҳолда, мазкур жиноят ўч олиш, бирор-бир рақобатчини ёки пул билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи муассаса (банк, кредит муассасаси)ни обрўсизлантириш, унинг хавфсизлик тизимига бўлган ишончини йўқотиш, рақобатда енгиб чиқиш ва шу каби бошқа паст ниятларда содир этилса ҳам, ушбу қилмиш компьютер талон-торожи деб эътироф этилади.

Ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жиноятининг мотив ва мақсади барча талон-торож жиноятлари каби унинг жиноят таркиби субъектив томони ўрганилганда муҳим аҳамиятга эга. Ҳар қандай ижтимоий хавфли қилмиш каби ушбу жиноятда ҳам мотив ва мақсад бевосита жиноятчининг ижтимоий-психологик хусусиятлари билан боғлиқ. Жиноятнинг мотив ва мақсади кўзланган мақсадга эришиш учун усул ва воситаларни танлашга таъсир қилади, жиноятчи ҳаракатлари хусусиятини ташкил этувчи инсоннинг иродавий ҳаракатлари мажмуи билан боғлиқ жиноят содир этиш усулининг мазмунини белгилаб беради¹⁶.

Ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жиноятлари кўп ҳолларда қуйидаги мақсадларда содир этилиши кузатилади: пул маблағларини ўғирлаш, тўланган пул маблағларни қайта олиш, пул маблағларини ўзи ёки учинчи шахслар фойдасини кўзлаб бошқа ҳисоб рақамига ўтказиш, мавжуд бўлмаган ҳисоб рақами орқали харидни амалга оши-

риш, махфий қимматли маълумотларни сотиш, моддий қимматликларни ўғирлаш ва бошқалар.

Ривожланган хорижий мамлакатларда ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жиноятининг энг кўп тарқалган мотив ва мақсадлари сирасига эса қуйидагилар мансубдир: тамагирлик ниятида (66 фоиз); тадқиқот учун қизиқиш (7 фоиз); безорилик нияти ва шўхлик оқибатида (5 фоиз); ўч олиш мақсадида (5 фоиз); бошқа ғараз мақсадларда, масалан, рақобатчи фирмани унинг хавфсизлик тизимига нисбатан мижозларда ишончсизлик уйғотиш орқали обрўсизлантириш (17 фоиз)¹⁷ кабилар.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг саккизинчи “Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси” бўлимида талон-торожнинг умумий тушунчасига қуйидаги мазмундаги таъриф бериш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

“Талон-торож — ўзганинг мулкни ёки мулк ижтимоий хавфлигини қонунга хилоф равишда қасддан, қайтариб бермаслик шарт билан зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб ёхуд зўрлик ишлатмасдан, шунингдек, компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда текинга эгаллаш”га айтилади. Чунки бундай таъриф беришимизнинг сабаби, амалдаги жиноят қонунига кўра, талон-торожнинг тўла мазмунини ёритиб берган бўлар эди деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, умумий талон-торож жиноятчилигининг бир қисми бўлган ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жинояти фақат тўғри қасддан ғараз ва бошқа паст ниятларда содир этилади.

Айбдор онги орқали ҳаракатларининг ижтимоий хавфлигини ва қонунга хилофлигини ҳамда жиноят таркибининг барча элементларини чуқур англайди. Яъни компьютер техникаси воситасидан фойдаланиб ўзлаштириш ёки расрата, фирибгарлик ёки ўғирлик йўли билан ўзганинг мулкни талон-торож қилишда олдиндан режалаштирилган қасд бўлади. Ушбу жиноятда тайёргарлик кўриш босқичи аниқ режа асосида амалга оширилади. Бу ўз навбатида, мазкур жиноятларнинг оқибати янада оғирроқ бўлишига сабаб бўлади ва очилишини мураккаблаштиради.

Авалло, ўзгага тегишли бўлган мулк компьютер техникаси воситасидан фойдаланиб талон-торож қилинаётганда ўша банк ёки шахс компьютерида нима борлиги, пул қийматликларига бўлган ҳуқуқ берувчи маълумотлар сақланувчи файллар мавжудлиги ва уларга кириш тартиби ишлаб чиқилади ҳамда махсус муҳофаза тизимларини бузувчи дастурлар тайёрланади. Айрим ҳолларда эса, ўзгалар мулкни компьютер восит-

таларидан фойдаланиб талон-торож қилиш қўлай пайтнинг келиб қолиши билан фурсатдан фойдаланиб қолиш қабилида ҳам содир этилиши мумкин. Бу айниқса, ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб, ўғирлик йўли билан талон-торож қилишда намоён бўлади. Энг асосийси, компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб мулк талон-торож қилинганда жиноятчи шахсини аниқлаш ҳам мураккаблигича қолади.

Шу билан бир қаторда, ушбу жиноятларни содир этган айбдорлар шахсини ўрганиш кўпгина жиноятчилар компьютер воситасидан фойдаланиб, ўзганинг мулкни талон-торож қилиб, жавобгарликдан қутулиб қолишига қатъий умид қилишларини кўрсатмоқда.

Ҳақиқатан ҳам ушбу жиноят талон-торож жиноятлари тизимида очилиши энг мураккаб бўлган жиноятлардан бири бўлиб, мазкур жиноят турида айбдорнинг қасди, мақсади ва мотиви аниқ йўналтирилган бўлади.

Юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб, ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилишга қуйидагича таъриф беришимиз мумкин: “Ўзганинг мулкни ёхуд мулкий ҳуқуқини компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда компьютер ахбороти тизимидаги маълумотларни қонунга хилоф равишда модификация қилиш орқали қасддан, ғараз ёки бошқа паст ниятларда, текинга қайтариб бермаслик шарти билан эгаллашга айтилади”.



1. Злобин Г.А., Никифоров Б.С. Умысел и его формы. — М.: Юридическая литература, 1972. — С. 35.
2. Бақунов П. Айб — жиноят субъектив томонинг зарурий белгиси сифатида. Ўқув қўлланма. — Тошкент: Адолат, 2006. — Б. 44.
3. Зуфаров Р.А. Порахўрлик учун жиноий жавобгарлик. Юрид. фан. докт. ... дисс. — Тошкент, 2004. — Б. 63.
4. Мухторов Н.И. Жиноят қонунда айбнинг эҳтиётсизлик шакли муаммолари. Юрид. фан. ном. ... дисс. автореф. — Тошкент, 2009. — Б.9.
5. Бу ҳақда қаранг: Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. — Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. — Б. 195;
6. Мухторов Н.И. Жиноят қонунда айбнинг эҳтиётсизлик шакли муаммолари. Юрид. фан. ном. ... дисс. автореф. — Тошкент, 2009. — Б.4.
7. Каракетов Ю.М. Ответственность за разбой по уголовному законодательству Узбекиской ССР. — Нукус, 1990.; Рустамбаев М.Х. Курс уголовного права Республики Узбекистан. В 5-ти томах. Т.4. — Ташкент: ТДЮИ, 2009.; Кабулов Р. Уголовно-правовые борьбы с хищениями: теория и практика. Дисс. докт. юрид. наук. — Ташкент, 1997.; Бақунов П. Ўзгалар мулкни темир йўл транспорти объектларида ўғирлик йўли билан талон-торож қилишнинг тугалланган вақтини аниқлаш масалалари // ТДЮИ Ахборотномаси. — 2009. — №6 ва б.к.
8. Рустамбаев М.Х. Жиноят ҳуқуқи (умумий қисм). Дарслик. — Тошкент: ТДЮИ, 2006. — Б. 170.; Мирзаев У. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилганлик учун жавобгарлик муаммолари. Юрид. фан. ном. ... дисс. — Тошкент, 2009. — Б. 65.
9. Кабулов Р. Уголовно — правовые меры борьбы с хищениями: теория и практика: Дис...докт. юрид. наук.-Ташкент: Академия внутренних сыл Республики Узбекистан, 1997. — С. 69.
10. Российское уголовное право. Особенная часть: Учебник / Под ред. В.С.Комиссарова. — СПб.: Питер, 2008. — С. 167.; Кабулов Р. Уголовно — правовые меры борьбы с хищениями: теория и практика: Дис...докт. юрид. наук.-Ташкент: Академия внутренних сыл Республики Узбекистан, 1997. — С. 69.;
11. Рустамбаев М.Х. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Олий ўқув юртлири учун дарслик. — Тошкент: Ўзбекистон, 2003. — Б. 219.
12. Каракетов Ю.М. Ответственность за разбой по уголовному законодательству Узбекиской ССР. — Нукус, 1990. — С. 43-50.
13. Абдухаликов М.А. Ответственность за вымогательство по уголовному законодательству Республики Узбекисан: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. — Ташкент, 1995. — С. 13.
14. Кабулов Р. Уголовно — правовые меры борьбы с хищениями: теория и практика: Дис...докт. юрид. наук. —Ташкент: Академия внутренних сыл Республики Узбекистан, 1997. — С. 70.
15. Абдуқодиоров Ш.Ё., Мирзаев У.М. Мулкни талон-торож қилганлик учун жиноий жавобгарлик. — Тошкент: ТДЮИ, 2009. — Б. 6.
16. Зуйков Г.Г. Криминалистическое учение о способе совершения преступления. Дисс. на соиск. уч. степени д.ю.н. — М., 1970. — С. 720.
17. Филиппова Н. Криминалистическое исследование механизмов несанкционированного доступа к компьютерным системам органов внутренних дел. Автореф. диссер. ... канд. юрид. наук. — Воронеж, 2004. — С. 13.

Бахтиёр КАЮМОВ,
преподаватель Высших учебных курсов
Генеральной прокуратуры

«МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ ПРИМЕНЕНИЯ МЕХАНИЗМОВ ГОСУДАРСТВЕННО- ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА: АНАЛИЗ, ОЦЕНКА, ИСПОЛЬЗОВАНИЕ В УСЛОВИЯХ УЗБЕКИСТАНА»

◆ Мақолада давлат хусусий ҳамкорликни асосий шакллари кўриб чиқилиб, миллий ва хорижий тажриба таҳлил қилинган. Хорижий тажриба асосида Ўзбекистон Республикасида давлат хусусий ҳамкорликни жорий этишни асосий йўналишлари шакллантирилган.

◆ В статье рассмотрены основные формы государственно-частного партнерства (ГЧП), проведен анализ национального и зарубежного опыта. На основании зарубежного опыта сформулированы важнейшие направления внедрения государственно-частного партнерства в Республике Узбекистан.

◆ In this article, the basic models of public-private partnership (PPP) the national and foreign experience are analyzed. on the basis of foreign experience, the most important directions of the introduction of public-private partnership in the Republic of Uzbekistan are formulated.

Таянч сўзлар: Давлат хусусий ҳамкорлик, ДХХ, маҳсулот тақсимотида оид битимлар, концессия.

Ключевые слова: Государственно-частное партнерство, ГЧП, соглашения о разделе продукции, концессия.

Key words: Public-private partnership, PPP, production sharing agreements, concession.

В международной практике широко применяется новая особая форма взаимодействия государства и частного бизнеса, которая обычно обозначается термином Public-Private Partnership (PPP)¹ или общественно-частное партнерство.

Профессор Института экономики УРО РАН Романова О.А.² подразумевает под государственно-частным партнерством следующее:

«Во-первых, институциональный и организационный взаимовыгодный альянс между государством и бизнесом в целях реализации особо значимых проектов; во-вторых, это формализованная кооперация государственных и частных структур, специально создаваемая под определенные цели и опирающаяся на соответствующие договоренности сторон».

Вместе с тем, экономист ИМЭМО РАН Варнавский В.Г. считает, что частно-государственное партнерство — это стратегический, институциональный и организационный альянс между государством и бизнесом в целях реализации общественно значимых проектов в широком спектре сфер деятельности: от базовых отраслей промышленности до оказания общественных услуг.³

Для проведения анализа и четкого представ-

ления структуры развития партнерства следует начать с изучения эволюции ГЧП как комплексного явления. Так одни из первых партнерств возникли во Франции. В 1842 году там был принят первый закон о железнодорожном транспорте, согласно которому был установлен режим государственных концессий, представленных железнодорожным компаниям.

На рубеже XIX — XX веков партнерство появляется в Германии и во Франции в жилищно-коммунальной сфере хозяйства. Например, в 1882 году в Париже заключили контракт с братьями Перрье на энергоснабжение центральных районов.

Современная мировая практика применения ГЧП показывает, что французские компании входят в число лидеров среди иностранных фирм, использующих механизмы государственно-частного партнерства⁴. Так, ими создана и продолжает свое развитие одна из двух базовых моделей концессии находящая широкое применение в мире, — так называемая «французская модель», которая в значительной степени отличается от другой базовой модели — англо-американской целым рядом существенных черт, а именно: ис-

ключением приватизации концессионером передаваемого ему в концессию муниципального или государственного имущества, комплексным характером концессии, когда концессионеру одновременно поручается и разработка концессии, и реализация мероприятий, необходимых для создания или модернизации инфраструктурных объектов и их эксплуатации.

Например, в отличие от англо-американской модели, где при выборе частного партнера проводится три отдельных тендера: на проектирование, строительство и содержание (или управление), во Франции, напротив, особенностью является то, что существует один тендер на все виды работ или услуг⁵.

Однако к концу XX века интерес к ГЧП проявился в связи с появлением новой экономической неоклассической теории, которая говорила о частной собственности, как об основной движущей силе общественного развития.

Г.Саттарова жамоа шартномалари ва келишувлари вазифаларининг ўхшашлигини айтиб, бу умумийликни қонунчиликни аниқлаштириш, ходимларга кафолатларни кўпайтириш ҳамда ҳуқуқдаги бўшлиқни тўлдириш ва меҳнат муносабатларини бирламчи ҳуқуқий тартибга солиш каби жиҳатларда кўрсатган¹⁰.

Г.Саттарованинг фикрига қўшилган ҳолда яна бир ҳолатни айтишимиз мумкин, қонунчиликда тарафлардан бири ташаббус билан чиқмагани ҳолда жамоа келишувлари ва жамоа шартномалар тузишнинг мажбурийлигига тааллуқли нормалар мавжуд эмас. Шу билан бир қаторда, ҳар иккиси ҳам номуайян шахслар сонига тааллуқли бўлади. Чунки, жамоа шартномалари ва келишувлари нафақат ходимлар, балки уларнинг оила аъзолари, шунингдек корхона ходими бўлишга улгурмаган шахслар доирасида ҳам амал қилади.

А.Ф.Нуртдинованинг таъкидлашича, жамоавий-шартномавий ҳужжатларнинг яна бир ўзига хослиги мавжуд. Битта ходимнинг ҳуқуқлари поймол этилгани ҳолда маскур ҳужжатлар ходимларга тақдим этган ҳуқуқларнинг ҳимояси яқка меҳнат низолари учун ўрнатилган процедурани қўллаган ҳолда амалга оширилади. Масалан, ходимга жамоа шартномасида назарда тутилган таътил билан боғлиқ моддий ёрдам тўланма-

ди¹¹. Бу ҳолатда табиийки, жамоа шартномаси тарафлари бўлмиш ходимлар таркибида бўлган ягона шахснинг ҳуқуқлари бузилгани учун фақат у билан боғлиқ низо кўрилади.

Моҳияти жиҳатидаги фарқлардан ташқари, жамоа келишувлари уч йил муддатга тузилади, жамоа шартномалари учун муддат белгиланмаган, бироқ уларнинг жамоа келишувлари билан алоқадорлиги инobatта олиниб, ҳуқуқни қўллаш амалиётида кўпинча аксар жамоа шартномалари ҳам уч йил муддатга тузилади. Лекин бу факт жамоа шартномаларининг бир йил ёки номуайян муддатга тузилиши мумкинлигини чекламайди. Яна бир характерли жиҳат шундаки, тарафлар томонидан имзоланган жамоа келишуви, унинг иловалари етти кунлик муддат ичида келишув иштирокчиларига, шунингдек билдириш рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг тегишли органларига юборилади (МК 51-модда). Жамоа шартномалари билдириш рўйхатидан ўтказилмайди, аксинча, маълум корхона ўз жамоа шартномасини тузётганда тармоққа оид жамоа келишуви бор ёки йўқлигини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигидан билиб олади. Жамоа келишувлари учун билдириш рўйхатидан ўтиш қуйи турувчи ҳамда ундан андоза олувчи жамоа шартномалари учун аҳамиятлидир. Тармоқ келишувлари бўлмаган тақдирда ҳам корхона жамоа шартномасини тузиши мумкин, бунда жамоа шартномаси тарафлари Бош келишув ва корхона жойлашувига кўра худудий келишувларни кўздан кечириши лозим. Чунки, манбалар иерархиясида юқори турувчи ҳужжатларда белгиланганидан ходимни аҳволини ёмонлаштирувчи нормалар ўз-ўзидан ҳақиқий саналмайди (МК 5-модда).

А.Иноятов жамоа шартномасини корхонада иш берувчи билан касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасида биргаликда ёки келишиб қабул қилинадиган норматив ҳужжатлар орасида юридик аҳамияти жиҳатидан юқорироқ ўринда туришини таъкидлайди¹². Биз ҳам бу фикрга қўшилишимиз. Чунки, жамоа шартномасини шунчаки ходимлар вакиллик органи эмас, меҳнат жамоаси тасдиқлайди, тараф сифатида иштирок этади.

Жамоа шартномаси — корхонада иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатдир (МК 29-модда).

Бугунги кунда жамоа шартномаси корхона ва ташкилотларда Меҳнат кодекси вазифасини бажарувчи локал норматив ҳужжат тусини олиб бораётир¹³. Жамоа шартномасини локал актлар ичида “ижобий” мазмундаги локал акт дейиш мумкин. Чунки, у корхонада ходимлар учун қонунчиликда назарда тутилганидан кўпроқ имтиёз ва кафолат беради, бу унинг энг муҳим характерли белгисидир. Акс ҳолда, у шунчаки меҳнат қонунчилиги нормаларини ўзида такрорлаган жамланма бўлиб қолади.

“GM Uzbekistan” АЖ корхонаси 2016-2018 йиллар учун мўлжалланган жамоа шартномасида бир қатор бандлар аёллар ва оилавий вазифаларни бажарувчи шахсларга тааллуқли кафолат ҳамда имтиёз-

ларни белгилайди, жумладан: 11.2. *Иш берувчи қуйидаги мажбуриятларни ўз бўйнига олади:* 11.2.1. Ҳомиладор аёллар тиббий кўриқдан ўтишлари вақтида, агар мазкур кўриқни иш вақтидан ташқари вақтда ўтказишнинг имкони бўлмаса, иш берувчи иш ҳақи сақланган ҳолда уларни ишдан озод этишлари лозим. 11.2.2. Ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари муддатини қонунда белгиланганидан яна қўшимча 30 кунга узайтириш. Бунда ходимнинг аризасига кўра ҳомиладорликнинг 6-ойидан таътил берилиши мумкин. 11.2.3. Тиббий бўлим қошида корхонада ишлайдиган аёллар учун махсус жой ажратиш, психотерапия хонасини шакллантириш, аёлларга соғломлаштириш марказларини яратиш. 11.4. *Болали аёлларга қуйидаги имтиёзлар берилади:* 11.4.1. Ҳомиладор ва 3 ёшгача фарзанди бор аёлларга иш вақти иш ҳақи сақланган ҳолда бир соатга қисқартирилади. 11.4.2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-модда 2-қисмида назарда тутилган технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши юзага келганда ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ ўн икки ёшгача фарзанди бор аёлларга берилади. Шунингдек, жамоа шартноманинг 3.11. в) бандига кўра, ўн тўрт ёшга тўлмаган фарзандлари бор ёлғиз она ҳисобланадиган ходимларга ҳам имтиёзли ҳуқуқ берилади. Жамоа шартномасида кўрсатилишича, юқоридаги кафолатлар берилишида касабга уюшмаси кўмитаси аёллар меҳнатини яхшилашга қаратилган шароитларни яратишда, аёллар меҳнат шароитлари ва соғлиғи муҳофазасига қаратилган ижтимоий дастурларнинг бажарилишида иш берувчига ёрдам кўрсатишга мажбурдир.

Юқорида биз аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул бўлган шахслар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг қонуний ва шартномавий усуллари нисбатини асосан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ҳамда жамоа келишувлари ва жамоа шартномалари мисолида таҳлил қилдик ва қуйидаги

ча хулосага келдик:

Биринчидан, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги ҳолатлар шуни англатадики, асосан давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилган тармоқ ҳамда корхоналарда жамоа келишувлари ва жамоа шартномалари у қадар кўп моддий кафолатларни тақдим эта олмайди;

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига “оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахс” тушунчасига батафсил изоҳ бериш лозим. Чунки, амалиётда жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларида аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга тақдим этилиши лозим бўлган кафолатлар аксар ҳолда аёлларни назарда тутди. Меҳнат қонунчилиги корхоналарга асосан жамоа шартномалари воситасида кириб боради. Жамоа шартномаси мавжуд корхонада унинг кафолатлари “куч”и Меҳнат кодексидан юқори поғонада туради. Турли савияли ходимлар ўз меҳнат ҳуқуқлари ва бу борадаги кафолатларни билиш учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига эмас, корхонадаги жамоа шартномасига мурожаат қиладилар. “Оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахс” тушунчаси моҳияти жамоа шартномаларида аниқ акс этмагани учун фарзанд (икки, уч, ўн икки, ўн тўрт (ногирон болани ўн олти) ёшгача) ни амалда онасиз тарбиялаётган шахслар болали аёлларга берилган кафолатлар уларга ҳам тааллуқлилигини билмай ўтмоқдалар ҳамда бу ўз-ўзидан меҳнат қонунчилигининг бузилишига олиб келмоқда.

Мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотларнинг пировард мақсади инсон манфаатларига хизмат қилишни назарда тутар экан, қонунчиликни такомиллаштириш орқали аҳолининг алоҳида ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларидан саналган аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга муносиб меҳнат шароитлари таъминланиши лозим. Зеро, бу ҳолат нафақат ходимлар манфаати, балки, келажак авлод муҳофазаси учун ҳам аҳамиятлидир.



¹ «Халқ сўзи» газетаси, 1992 йил 15 декабрь, 243 (494)-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 1-сон, 5-модда

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова; 1997 й., 2-сон, 65-модда

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда

⁵ «Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 23 сентябрдаги 188 (6623)-сонидан эълон қилинган.

⁶ Батафсил қаранг: <https://www.kasaba.uz> (мурожаат санаси: 28.02.2017)

⁷ Масалан, соғлиқни сақлаш тизимида ССВнинг буйруқлари ёки олий ва ўрта махсус таълим тизимига оид тармоқ келишувда ОўМТВнинг буйруқлари ёхуд бошқа идоравий-меъёрий ҳужжатлар келтирилиши мумкин.

⁸ <http://med.kasaba.uz>

⁹ http://railway.uz/upload/form/not_image/TAPMOK (мурожаат санаси: 28.01.2017).

¹⁰ Саттарова Г.Д. Социальное партнерство в форме коллективно-договорного регулирования трудовых отношений в Республике Узбекистан. –Т.: ТГЮИ, 2010. 78-85-С.

¹¹ Трудовое право России. Учебник для вузов. // Отв. ред. – доктор юрид. наук, проф. Р.З. Лившиц и доктор юрид. наук проф. Ю.П. Орловский. –М.: ИНФРА М – НОРМА, 1998. –С.67

¹² А.Иноятов. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи. Олий ўқув юртлири учун дарслик –Т.: «Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2002. –Б.87

¹³ Tursunov, M.A. Usmonova. Mehnat huquqi. Karslik. – Т.: TKYI nashriyoti . 2006. – В.53

Даврон БЕКЧАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви Академияси кафедра катта ўқитувчиси

ЯПОНИЯДА МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

◆ Мақолада Япониянинг маҳаллий бошқарув тизими ҳамда фаолиятининг ҳуқуқий асослари ёритилиб, маҳаллий вакиллик ва маҳаллий ижро органлари фаолияти, уларнинг шаклланиш тартиби ҳамда ўзаро муносабатлари ҳақида фикр юритилган.

◆ В статье освещена система местных органов управления Японии и правовые основы её деятельности, а также приведены суждения автора о деятельности местных представительных и исполнительных органов власти, порядке их формирования, а также их взаимодействия.

◆ This article analyses the legal aspects of local government system of Japan. In particular, the article reveals the activity of local representative and executive bodies, as well as their formation. In addition, the article provides a legal analysis of the relationship between local authorities and central government.

Таянч сўзлар: Маҳаллий ҳокимият органлари, маҳаллий ижро органи, маҳаллий вакиллик органи, депутат, мэр, губернатор.

Ключевые слова: Местные органы власти, местные исполнительные органы, местные представительные органы, депутат, мэр, губернатор.

Key words: Local authorities, local executive bodies, local representative bodies, deputy, mayor, governor.

Япония маҳаллий ҳокимиятларининг ҳуқуқий асоси 1946 йилда қабул қилинган Конституциянинг 8-бобида мустақамланиб, мамлакат бошқарув тизимининг бир бўлаги сифатида эътироф этилади¹. Унинг фаолияти “Маҳаллий автономия тўғрисида”ги, “Маҳаллий давлат хизматчилари тўғрисида”ги, “Маҳаллий молия тўғрисида”ги, “Маҳаллий солиқ тўғрисида”ги, “Жамоат лавозимларига сайлов тўғрисида”ги, “Маҳаллий жамоат корхоналари тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади.

Японияда ҳудудий бошқарув тизими икки поғонали бўлиб, биринчи поғона то (пойтахт), до (орол ҳудуд), фу (урбанизациялашган префектура), кен (таркибида кишлоқ ҳудуди ҳам бўлган префектура)лардан ташкил топса, иккинчи поғона эса муниципалитетлардан, яъни шаҳар, туман ва кишлоқлардан иборат бўлади². То, до, фу, кенлар мақоми, бошқарув тизими ва ваколатлари бир хил бўлиб, улар ҳудудий хусусиятидан келиб чиқиб номлари турлича ифодаланadi. Масалан, То — Токио шаҳрига, До — Хоккайдо оролига, Фу — Осака ва Киото ҳудудларига, Кен эса қолган барча префектураларга нисбатан қўлланилади.

Япониянинг маҳаллий ҳокимият бирликлари асосан икки турга: “оддий” ва “махсус” маҳаллий бошқарув бирликларига бўлинади.

Префектура ва муниципалитетлар Япония маҳаллий бошқарув бирликларининг оддий турига

кириб, у бутун мамлакатнинг асосий қисмини ташкил қилади. Махсус турдаги маҳаллий бошқарув бирликларига “махсус округлар”³, “маҳаллий ҳокимият бирликларининг бирлашмаси” (муниципал кооперативлар), “хўжалик округлари” ва “маҳаллий ривожлантириш корпорациялари” киради.

Махсус округлар фақат Токио шаҳри таркибида мавжуд бўлиб, уларга муниципалитетларга тенглаштирилган ваколатлар берилган. Яъни уларда вакиллик органи аъзолари ва округ раҳбари тўғридан-тўғри аҳоли томонидан сайланади.

Муниципал кооперативлар икки ёки ундан ортиқ муниципалитетларнинг ўз фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида бирлашувидан ташкил топади.

“Хўжалик округи” мақоми, муниципалитет таркибидаги муайян ҳудудга берилиши мумкин. Бунга ўрмонлар, каналлар ва бошлар киради.

Маҳаллий ривожлантириш корпорациялари — бир ёки бир неча муниципалитетлар томонидан ҳудудни комплекс ривожлантиришда, ерларни ўзлаштириш ва ҳудуд инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида тузилади.

Япония маҳаллий ҳокимият бошқаруви “дуал вакиллик” тизимига асосланган. Бунда бир вақтнинг ўзида маҳаллий вакиллик органи аъзолари ва ижро органи бошлиғи бевосита шу ҳудуд аҳолиси томонидан сайланади. Бу эса Япония маҳаллий ҳокимият бошқарувининг асосий хусусияти ҳисобланади⁴.

“Маҳаллий автономия тўғрисида”ги Қонуннинг 89-моддасида ҳар бир оддий маҳаллий ҳокимиятда тегишли ҳудуд аҳолиси томонидан бевосита сайланадиган вакиллик органи (Кенгаш) тузилиши кўрсатилган, унга сайловлар “Кенгашларга сайлов тўғрисида”ги Қонун асосида ўтказилади. Унга кўра, маҳаллий Кенгашларга 25 ёшга тўлган фуқаролар номзод қўйиш ҳуқуқига эгадирлар. Сайловлар кўп мандатли сайлов округлари асосида ўтказилиб, номзодлар сиёсий партия ва ташаббускор гуруҳ томонидан кўрсатилиши мумкин.

Маҳаллий Кенгашларнинг ваколат муддати тўрт йил бўлиб, унга сайланган депутатлар доимий асосда фаолият олиб борадилар ва улар “Маҳаллий давлат хизматчилари тўғрисида”ги Қонунга асосан махсус давлат хизматчиси мақомига эга бўладилар⁵.

“Маҳаллий автономия тўғрисида”ги Қонунда ҳудуд аҳолиси сонидан келиб чиқиб, маҳаллий вакиллик органлари аъзолари сонининг юқори чегараси белгиланган ва ҳар бир Кенгаш ўз аъзолар сонини қонуности норматив ҳужжатлари асосида мустақил белгилайди. Бунга кўра, префектура Кенгаши аъзолари сони 40 нафардан 120 нафаргача (Токио шаҳри учун 130 нафаргача) бўлиши мумкин, шаҳар Кенгаши аъзолар сони эса 26 нафардан 96 нафаргача, шаҳарча ва қишлоқ Кенгашлари аъзолари 12 нафардан 26 нафаргача бўлиши белгиланган⁶.

Япония маҳаллий Кенгаши аъзолари (депутатлар) ўз фаолиятлари давомида қуйидаги лавозимларни эгаллаши тақиқланади: миллий парламент палаталарининг аъзолари, бошқа маъмурий-ҳудудий вакиллик органларининг аъзолари, давлат хизматчиси, маҳаллий ҳокимиятнинг шартнома асосидаги вақтинчалик ишчиси, судьялар ва таълим Кенгашининг аъзолари, шунингдек, маҳаллий ҳокимият билан шартнома тузган компания ва фирма-ларда ҳам бирор лавозимни эгаллашларига йўл қўйилмайди⁷.

Префектура ва муниципалитет Кенгашлари Кенгаш раиси ва унинг ўринбосарини сайлайди. Кенгаш раиси Кенгаш фаолиятини амалга оширишда раҳбарлик қилади, тартибни назорат қилади, тегишли вакиллик органининг номидан иш олиб боради.

Кенгаш ўз фаолиятини сессия ва турли комиссиялар орқали амалга оширади. Япония маҳаллий Кенгашларида асосан уч турдаги комиссиялар мавжуд. **Биринчиси**, доимий комиссиялар — булар тегишли ҳудуд аҳолиси сонидан келиб чиқиб, ижро органларининг бўлимлари асосида тузилади. **Иккинчиси**, маъмурий комиссия — Кенгаш фаолиятини бошқариш, яъни сессия кун тартибини ишлаб чиқиш, уни чақириш, қарор лойиҳаларини экспертиза қилиш ва бошқа фаолият учун тузилади. Мазкур комиссия бир нечта бўлимни ўз ичига олади. **Учинчиси**, махсус комиссиялар, булар асосан қисқа муддатга тузиладиган орган

бўлиб, маълум бир муаммони ўрганиш учун бир нечта комиссиялар ҳамкорлигида тузилиши мумкин ёки муҳим масалани кўриб чиқиш мақсадида ҳам тузилади⁸.

Японияда ҳар бир маҳаллий Кенгаш ўзининг котибиятига эга, булар умумий бўлим, процессуал бўлим ва тадқиқот бўлимини ўз ичига олади⁹. Масалан, Токио шаҳар Кенгаши котибиятида 130 нафар ходим фаолият олиб боради, лекин Кенгаш аъзоларининг сони 127 нафарни ташкил этади¹⁰ (Токио шаҳар Кенгаши депутатларининг ёрдамчиларидан ташқари). Кўриниб турибдики, Япония маҳаллий Кенгаши профессионал асосда ташкил қилинган бўлиб, депутатларнинг юқори даражада самарали фаолият олиб бориши учун қулайлик ва имкониятлар яратилган.

Япония маҳаллий Кенгашларининг асосий иш фаолияти сессия бўлиб, у йилига камида тўрт мартаба ўтказилиши белгиланган. Навбатдан ташқари сессиялар тегишли ҳокимият раҳбари (губернатор ёки мэр) томонидан чақирилади. Кенгаш раиси маъмурий комиссия билан маслаҳатлашиб, Кенгаш умумий аъзоларининг чорак қисми талаби билан тегишли ҳокимият раҳбаридан навбатдан ташқари сессия чақиришини талаб қилиши мумкин. У эса бу талабни бажариши шарт.

Япония маҳаллий вакиллик органларининг асосий ваколатларига қуйидагилар киради:

а) тегишли ҳудуд учун мажбурий бўлган қонун-ости норматив ҳужжат (by law) қабул қилиш ва унга ўзгартиришлар киритиш;

б) бюджетни қабул қилиш;

в) молиявий ҳисоботни тасдиқлаш;

г) маҳаллий солиқларни белгилаш;

д) шартномалар тузиш;

е) Кенгаш раиси ва унинг ўринбосарини ҳамда сайлов комиссия аъзоларини сайлаш;

ё) тегишли маҳаллий ҳокимият органлари ҳужжатлари билан танишиш, губернатор, мэр ва бошқа ижро органларидан ҳисоботлар сўраш, уларнинг иш фаолиятини таҳлил қилиш ҳамда Кенгаш томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг ижроси устидан назорат ўрнатиш;

ж) ижро органларини аудит текширувдан ўтказиш, шунингдек, маҳаллий вакиллик органлари, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини суриштириш ва тергов қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бунда тегишли сайланган ва тайинланган шахслар ёзма ёки оғзаки кўрсатмалар беришга мажбур¹¹.

Юқоридаги ваколатлардан ташқари Кенгаш аъзолари тегишли ҳудуд учун зарур бўлган тадқиқот ишларини олиб боришлари мумкин. Шу мақсадда уларга грантлар ажратилади, бунинг натижаси ўлароқ улардан ташаббус кутилади¹². “Маҳаллий автономия тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, ҳар бир маҳаллий Кенгаш қошида кутубхоналар тузилиши талаб қилинади¹³.

Шунингдек, Япония маҳаллий вакиллик органлари жамоатчилик манфаатидан келиб чиқиб, мил-

лий парламент ёки бошқа ҳокимлик идораларига ёзма баёнот юбориши мумкин¹⁴.

Япония префектураларида губернатор, муниципалитетларда эса мэр бошчилигида маҳаллий ижро ҳокимияти фаолият олиб боради. Губернатор ва мэр тегишли ҳудуд аҳолиси томонидан тўғридан-тўғри тўрт йил муддатга сайланади. Уларнинг биттадан ўринбосарлари бўлиб, улар тегишли Кенгаш розилиги билан губернатор ёки мэр томонидан тайинланади.

Губернатор ёки мэр сайланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинганда, тегишли Кенгаш томонидан унга нисбатан ишончсизлик резолюциясини қабул қилганда ёки аҳоли томонидан чақириб олинганда мuddатидан олдин лавозимдан четлаштирилади.¹⁵

Япония маҳаллий ҳокимият бошлигининг асосий вазифаларига қуйидагилар қиради:

- а) қоидаларни жорий қилиш;
- б) Кенгаш муҳокамасига қарор лойиҳаларини киритиш;
- в) маҳаллий бюджетни тайёрлаш ва уни ижро қилиш;
- г) солиқларни белгилаш (Кенгаш розилиги билан) ва унинг йиғимини ташкиллаштириш;
- д) жамоат корхоналарини ташкил қилиш, уларни ёпиш ва бошқариш;
- е) маҳаллий ҳокимиятга берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш;
- ё) маҳаллий ҳокимият ходимларини вазифаларига тайинлаш, лавозимларидан четлаштириш;
- ж) губернатор ёки мэрга бўйсунувчи ҳокимлик идоралари қарорларини бекор қилиш.

Маҳаллий ижро ҳокимияти губернатор ёки мэр ваколатларини амалга ошириш мақсадида бошқарма ва бўлимлар ташкил қилади. Префектура ижро ҳокимиятида аҳоли сонидан келиб чиқиб, бошқарма ва бўлимлар сони олтидан тўққизгача ташкил қилиниши мумкин. Лекин заруриятга қараб губернатор тегишли Кенгаш қарори билан қонунда белгиланган тартибда бошқарма ва бўлимлар сонини камайтириши ёки кўпайтириши мумкин¹⁶. Бунинг учун губернатор бу ҳақда олдиндан Ички ишлар ва алоқа вазирига маълум қилиши керак¹⁷.

Муниципалитет мэрлари ҳам префектура губернаторларига ўхшаб ижро ҳокимиятини амалга ошириш мақсадида тегишли Кенгаш қарори билан бўлим ва бўлинмалар тузишлари мумкин¹⁸. Уларда, префектурадан фарқли ўлароқ, бўлим ва бўлинмалар сони борасида қонунда ҳеч қандай чекловлар йўқ. Лекин уларнинг сони бошқа маҳаллий ҳокимият органлари сони билан мувозанат сақлаши Япониянинг “Маҳаллий автономия тўғрисида”ги Қонуни 2-моддасида белгиланган. Шу билан бирга, маҳаллий ҳокимият ҳудудида марказий идораларнинг бўлимлари миллий парламент рўхсатисиз ташкил қилинишига йўл қўйилмайди¹⁹.

Маҳаллий ижро ҳокимияти бўлим ёки бошқарма раҳбарлари тегишли ҳокимият бошлиғи (губернатор ёки мэр) томонидан тўғридан-тўғри тайин-

ланади ва лавозимидан озод қилинади.²⁰ Кўри-ниб турибдики, Япония маҳаллий ижро ҳокимияти таркибида ташкил қилинадиган бошқарма, бўлим ёки бўлинмалар, марказий ҳокимият идораларининг органлари ҳисобланмайди.

Япония маҳаллий ҳокимиятларида маҳаллий ижро органлари билан бир қаторда, мустақил ва бетараф “бошқарув комиссиялари” тузилади. Уларнинг фаолияти “Маҳаллий автономия тўғрисида”ги Қонундан ташқаридаги норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади. Масалан, “Таълим масалалари комиссияси”, “Таълим тўғрисида”ги Қонунга асосан фаолият кўрсатади. Бу комиссияларнинг (сайлов комиссиясидан ташқари) аъзолари тегишли ижро ҳокимияти раҳбари томонидан тавсия қилинади ва тегишли Кенгаш томонидан тасдиқланади. Мазкур комиссияларни ташкил қилишдан асосий мақсад сиёсий бетарафликни таъминлаган ҳолда, суд ва вакиллик органларининг баъзи ваколатларини амалга оширишдир²¹.

Японияда маҳаллий вакиллик ва ижро органларининг ўзаро муносабатлари маҳаллий бошқарувда муҳим аҳамият касб этади. Бу органлар бир-бирини назорат қилиб, маҳаллий бошқарувда мувозанатни таъминлайдилар. Иккала орган ҳам бево-сита аҳоли томонидан шакллантирилиб, маҳаллий бошқарувда турли ғоя ва қарашларни вужудга келтиради. Бу эса, улар ўртасида муайян қарама-қаршилиқларни келтириб чиқариш эҳтимолини оширади. Улар ўртасидаги қарама-қаршилиқларни тинч йўл билан ҳал қилиш (тартибга солиш) ва маҳаллий бошқарув издан чиқиб кетишининг олдини олиш мақсадида ҳуқуқий тизим яратилган. Бунда, губернатор/мэр Кенгаш қабул қилган қарорларга *вето* билдириш ҳуқуқига эга, Кенгашнинг учдан икки қисмининг розилиги билан мазкур қарор қайта тасдиқланса, қарор қабул қилинади. Шу билан бирга, Кенгаш губернатор/мэрга нисбатан ишончсизлик тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга. Қарор қабул қилинган кундан 10 кун ичида губернатор/мэр истеъфога чиқади ёки Кенгашни тарқатиб юборади. Кенгаш тарқатиб юборилганидан кейин тузилган янги Кенгаш биринчи сессиясида губернатор/мэрнинг истеъфога чиқиши тўғрисида Кенгаш аъзоларининг тўртдан уч қисми овоз берса, у истеъфога чиққан ҳисобланади²².

Шунингдек, аҳоли сайловдан ташқари маҳаллий бошқарувда иштирок этиш учун бир қанча сиёсий ҳуқуқ ва имкониятларга эга. Шулардан асосийлари, тегишли ҳудуд сайловчилари икки фоизининг талаби билан губернатор ёки мэр орқали “қарор ташаббускорлик” ҳуқуқи мавжуд, сайловчилар учдан икки қисмининг талаби билан сайлов комиссиясидан Кенгашни тарқатиш, губернатор, мэр ёки Кенгаш аъзосини чақириб олишни сўраш ваколатига ҳам эга²³. Булардан ташқари, фақат муайян ҳудуд учун тааллуқли махсус қонун, тегишли аҳолининг розилиги билан (референдум орқали) қабул қилинади²⁴.

Ҳар қандай давлат бошқарувида давлат хиз-

матчилари асосий ўринда туради. Давлатнинг ривожланиши бевосита уларнинг билими, қобилияти ва ташаббускорлиги билан белгиланади. Японияда “Маҳаллий давлат хизматчилари тўғрисида”ги Қонун маҳаллий давлат хизматчиларининг фаолиятини тартибга солувчи асосий ҳужжат ҳисобланса-да, улар фаолиятига алоқадор махсус қоидалар бошқа қонунларда ҳам ўз аксини топган. Масалан, “Халқ таълими хизматчилари тўғрисида”ги, “Маҳаллий таълимни бошқариш тўғрисида”ги, “Милиция тўғрисида”ги, “Жамоат корхоналари тўғрисида”ги²⁵ махсус қонунларни айтиш мумкин.

Маҳаллий давлат хизматчилари “доимий” ва “махсус” каби турларга бўлинади. “Махсус” турга сайланадиган ёки Кенгаш томонидан тасдиқланадиган лавозимлар кирса, “доимий” туркумга бевосита танловлар (имтиҳонлар) орқали ишга қабул қилинган маҳаллий давлат ишчилари киради. Буларга, одатдаги маҳаллий ҳокимият ишчилари, таълим ва милиция тизимидаги ходимлар, маҳаллий давлат корхоналари ишчилари ва бевосита маҳаллий ижро органлари ҳузурида тузиладиган қўшимча тузилма ишчилари киради²⁶. Маҳаллий давлат хизматчиларининг сиёсий бетарафлигини таъминлаш мақсадида уларга сиёсий партиялар фаолиятида иштирок этиш, бирор номзодни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг сайловолди тарғибот ишларида қатнашиши тақиқланади.

Япониянинг ҳар бир маҳаллий ҳокимиятида кадрлар билан шуғулланувчи мустақил ва бетараф комиссия тузилади²⁷. Бу комиссиянинг асосий вазифаси кадрларни маҳаллий ҳокимлик органларига махсус имтиҳонлар асосида танлаш, лавозимдан кўтариш, уларни ҳимоя қилиш бўлиб, у губернатор, мэр ёки Кенгашларга ҳудудда кадрлар сиёсатида доир тақлифлар бериши ва бу борада қарор лойиҳаларини тақдим қилиши мумкин²⁸.

Маҳаллий ҳокимият хизматчиларини ишдан ажралмаган ва ажралган ҳолда ўқитиш ҳамда малакасини ошириш тизими мавжуд. Лавозимга янги тайинланган ходимлар тегишли маҳаллий органнинг ўқув марказида бир неча ҳафтадан бир неча ойгача бошланғич қўникмаларни олиш учун ўқишга юборилади²⁹. Яъни танлаб олинган ходим ўз лавозимини бажаришга киришишидан олдин асосий курсларни ўташи лозим. Кейинчалик улар доимий равишда, хизмати давомида малакаларини ошириб боради. Маҳаллий ҳокимият хизматчиларининг малакаларини оширишга мўлжаллаган бир қанча марказлар мавжуд. Булар Маҳаллий автономия коллежи, Япония муниципал хизматчилари академияси, Япония муниципалитетларнинг маданиятлараро академияси ва маҳаллий ҳокимиятларнинг ўқув марказларидир. Маҳаллий ҳокимиятларнинг ўқув марказлари бугунги кунда деярли барча префектураларда ва бир нечта “танланган” шаҳарларда мавжуд бўлиб, улар 56 тани ташкил қилади³⁰.

Кўришиб турибдики, Япония маҳаллий ҳокимиятининг “доимий” турдаги лавозимида ходимлар

махсус тузиладиган, мустақил ва бетараф орган орқали имтиҳонлар асосида танланиши маҳаллий ҳокимият хизматида бетараф, яъни ҳеч қандай сиёсий мақсадни кўзламайдиган, қобилиятли ва билимли кадрлар келишини таъминлайди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, кадрлар танлаш ва уларнинг лавозим поғоналаридан кўтарилишининг бундай тизими маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчиликнинг, шу билан бирга, коррупциянинг минимал даражада бўлишини таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида ҳудуднинг ривожланишида асосий омил ҳисобланади.

Бугунги кунда Япониянинг ҳар бир префектура ҳокимиятида ўртача 37 минг ходим банд бўлса, муниципалитет ҳокимиятларида эса, ўртача 1100 киши хизмат қилади³¹.

Марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида хизматчиларни “айирбошлаш” механизми жорий қилинган бўлиб, марказий ҳокимият органларидаги хизматчилар муайян муддат жойлардаги маҳаллий ҳокимият органларида фаолият олиб борадилар, шу билан бирга, маҳаллий ҳокимият хизматчилари ҳам марказий ҳокимият органларида хизмат қиладилар. Бундай “айирбошлаш” тизими ҳар иккала ҳокимиятни керакли маълумотлар билан таъминлашда ҳамда ходимларнинг малака ва тажрибалари ортишида муҳим ўрин тутди.

Япониянинг марказий ва маҳаллий ҳокимиятлари ўртасидаги алоқаларга тўхталадиган бўлсак, Япония маҳаллий ҳокимиятлари бир вақтнинг ўзида икки функцияни бажаради. Яъни бир тарафдан унга қонунда белгилаб берилган ваколатлар бўлса, иккинчи тарафдан марказий ҳокимият томонидан юклатилган вазифалар киради³².

Япониянинг марказий ва маҳаллий ҳокимиятлар ўртасидаги алоқаларнинг уч шакли мавжуд. Биринчи шакли — маъмурий идоралар орқали бўлиб, маслаҳат ёки тавсиялар кўринишда ёхуд буйруқ (рухсатномалар, стандартни белгилаш ва х.к.) кўринишида бўлади³³. Буларга асосан, техник тусдаги маслаҳатлар ёки маҳаллий ҳокимиятлар муайян қонун доирасидан чиқиб кетгудай бўлса, тегишли вазирлик ёки уларга тенглаштирилган органлар уларга мазкур камчиликларни бартараф этиш борасида кўрсатмалар беради³⁴.

Марказий ва маҳаллий ҳокимиятлар алоқаларининг иккинчи шакли — сиёсий партиялар орқали амалга оширилади. Бунда маҳаллий ҳокимият раҳбари, марказий ҳокимиятдан бирор — бир имтиёз сўраш ёки тегишли ҳудуднинг бирор — бир давлат дастурига киритилишини ўзи аъзо бўлган сиёсий партия орқали илгари суришга ҳаракат қилади³⁵. Шунингдек, маҳаллий ҳокимиятлар умумдавлат дастурларида иштирок этиш ва муайян имтиёзлар олиш борасида маҳаллий ҳокимиятлар ўртасида рақобат муҳити шаклланган.

Алоқаларнинг учинчи шаклига молиявий алоқани киритиш мумкин. Дотацияга тушган маҳаллий ҳокимиятлар тегишли Кенгашнинг тасдиғи билан марказий ҳокимиятдан молиявий ёрдам сўраш-

лари мумкин. Бунда улар “қайта тикланиш органи” мақомини олиб, марказий ҳокимият назорати остида уларга молиявий ёрдам кўрсатилади, шу билан бирга, бундай мақомни олган маҳаллий ҳокимиятлар марказий ҳокимиятнинг кўрсатмаларига амал қилишлари лозим бўлади³⁶. Шунингдек, марказий ҳокимият томонидан жорий қилинадиган ҳудудни ривожлантириш дастурларида иштирок қилиш ҳуқуқини қўлга киритган маҳаллий ҳокимиятлар, дастур доирасидаги маблағларни, дастурда белгиланган мақсадларга сарфлашлари лозим бўлади. Бунга мисол сифатида 1950 йилларнинг бошларида марказий ҳокимиятнинг иқтисодий ривожлантириш борасидаги дастурида, маҳаллий ҳокимиятлар ўз ҳудудларига саноат корхоналарини жалб қилиш ёки янгиларини ташкил қилишни рағбатлантириш мақсадида махсус молиявий ёрдам бериш сиёсатини олиб борганлар. Марказий ҳокимиятнинг бегараз маблағлари саноат корхоналари учун зарур бўлган инфратузилмани (йўл, коммуникация, транспорт, энергия ва б.) ривожлантиришга йўналтирилганини кўришимиз

мумкин.³⁷

Марказий ва маҳаллий ҳокимиятлар алоқаларида Ички ишлар ва алоқа вазирлиги муҳим ўрин тутди. Мазкур вазирлик Японияда маҳаллий ҳокимиятларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи асосий орган ҳисобланади, шу билан бирга, давлат сиёсатининг муҳим йўналишларининг бутун мамлакат бўйлаб бир хиллигини таъминлаш ҳамда марказий вазирлик ва идоралар билан маҳаллий органлар ўртасида воситачилик функциясини ҳам бажаради. Шунингдек, ушбу вазирлик дотацияга тушган маҳаллий ҳокимиятларни дотациядан чиқариш борасида ҳам иш олиб боради. Бу вазирлик Иккинчи жаҳон урушидан олдин “Вазирликларнинг вазирлиги” номини олган бўлиб, префектура бошлиқларини танлашда ва улар фаолиятларини назорат қилишда асосий вазифани бажарган³⁸. Бу вазирлик 1960 йили қайта тикланган ҳамда 2001 йилда Бошқарув ва Мувофиқлаштириш Агентлиги, Ички ишлар, Почта ва Телекоммуникация вазирликлари бирлашиб, Ички ишлар ва алоқа вазирлиги номини олган³⁹.



¹ Япония Конституцияси, 8-боб.

² Япониянинг “Маҳаллий автономия тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддаси.

³ Муниципалитетлар аҳоли сонидан келиб чиқиб, бир қанча маъмурий округларга бўлинади ва булар муниципалитет ҳокимиятининг мазкур ҳудуддаги вакили саналади.

⁴ Satoru KHSUGI. Local Assamblies in Japan. CLAIR, 2008, p. 2.

⁵ Satoru KHSUGI. Local Assamblies in Japan. CLAIR, 2008, p. 4.

⁶ Япониянинг “Маҳаллий автономия тўғрисида”ги Қонунининг 90 ва 91-моддалари.

⁷ Япониянинг “Маҳаллий автономия тўғрисида”ги Қонунининг 92-моддаси.

⁸ Local government system in Japan, Local governance (Policy making and civil society), 2007, p. 22.

⁹ Satoru KHSUGI. The krganization of Local Government Administration in Japan. CLAIR, 2009, Appendix 1.

¹⁰ Satoru KHSUGI. Local Assamblies in Japan. CLAIR, 2008, p. 20.

¹¹ Япониянинг “Маҳаллий автономия тўғрисида”ги Қонунининг 90-моддаси.

¹² Япониянинг “Маҳаллий автономия тўғрисида”ги Қонунининг 100 (14)-моддаси.

¹³ Япониянинг “Маҳаллий автономия тўғрисида”ги Қонунининг 100 (17)-моддаси.

¹⁴ Япониянинг “Маҳаллий автономия тўғрисида”ги Қонунининг 99-моддаси.

¹⁵ Local government system in Japan, Local governance (Policy making and civil society), 2007, p. 25.

¹⁶ S. KHSUGI. The krganization of Local Government Administration in Japan. CLAIR, 2009, p.10.

¹⁷ Япониянинг “Маҳаллий автономия тўғрисида” ги Қонунининг 157-моддаси.

¹⁸ Япониянинг “Маҳаллий автономия тўғрисида”ги Қонунининг 157-моддаси.

¹⁹ Япониянинг “Маҳаллий автономия тўғрисида”ги Қонунининг 156-моддаси.

²⁰ Япониянинг “Маҳаллий автономия тўғрисида”ги Қонунининг 172-моддаси.

²¹ S. KHSUGI The krganization of Local Government Administration in Japan (CLAIR),2009, p-17

²² S.KHSUGI. The krganization of Local Government Administration in Japan. CLAIR, 2009, p. 25.

²³ http://web-japan.org/factsheet/en/pdf/e10_local.pdf

²⁴ Япония Конституцияси, 95-модда.

²⁵ Local public service personnel system in Japan (Local Governance (Policy Making and Civil Society)), 2007, p. 7.

²⁶ Local public service personnel system in Japan (Local Governance (Policy Making and Civil Society)), 2007, p. 5.

²⁷ Local Public Service Law, Article 7.

²⁸ Local public service personnel system in Japan (Local Governance (Policy Making and Civil Society)), 2007, p. 10.

²⁹ Yoshinori Ishikawa, Training Japanese local government officials as a policy of human resource development. CLAIR, 2007, p.2.

³⁰ Yoshinori Ishikawa. Training Japanese local government officials as a policy of human resource development. CLAIR, 2007, p.14.

³¹ Michio Muramatsu, Farruh Iqbal, Iko Kume. Local government in post- war Japan. NW, 2001, p. 156.

³² Michio Muramatsu. Intergovernmental relations in Japan: models and perspectives. Washington, 2001, p. 1.

³³ Takahiro Kiuchi. Local government in Japan. CLAIR, 2004, p. 54.

³⁴ Local government system in Japan, Local governance (Policy making and civil society), 2007, p. 62.

³⁵ Michio Muramatsu. Local power in the Japanese state. California, 1997, p. 137.

³⁶ Kengo Akizuki. Controlled Kecentralization: Local Governments and the Ministry of Home Affairs in Japan. Washington, 2001, p. 5.

³⁷ Michio Muramatsu. Intergovernmental relations in Japan: models and perspectives. Washington, 2001, p. 7.

³⁸ Kengo Akizuki. Controlled Kecentralization: Local Governments and the Ministry of Home Affairs in Japan. Washington, 2001, p. 2.

³⁹ Toshiyuki Masujima, Administrative reform in Japan, Tokyo 2006, p-129

Аброржон АМАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
катта илмий-ходим изланувчиси

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИ ИШТИРОКИДА ТУЗИЛАДИГАН АХБОРОТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ҲАҚИДАГИ ШАРТНОМАНИНГ НАМУНАВИЙ МОДЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

- ◆ Мақолада тадбиркорлик фаолияти субъектлари иштирокида тузиладиган ахборот хизматини кўрсатиш ҳақидаги шартноманинг намунавий моделини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилиниб, муаллиф томонидан бир қатор таклифлар муҳокамага тавсия этилган.
- ◆ В статье проанализированы вопросы совершенствования типовой модели договора оказания информационных услуг с участием субъектов предпринимательской деятельности, автором на обсуждение выдвинут ряд предложений.
- ◆ The article analyzes the issues of improving the standard model of the contract for the provision of information services with the participation of business entities, the author has put forward a number of proposals for discussion.

Таянч сўзлар: Тадбиркорлик фаолияти субъектлари, ахборот хизматини кўрсатиш, шартнома, шартноманинг намунавий модели.

Ключевые слова: Субъекты предпринимательской деятельности, оказание информационных услуг, договор, типовая модель контракта.

Key words: Entrepreneurship subjects, provision of information services, contract, standard model of the contract.

Жамиятда ижтимоий ҳаёт ривожланган сари мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш давр талабидир. Дарҳақиқат, бугунги глобаллашув даврида, яъни дунё миқёсида ижтимоий муносабатлар кўлами кундан-кунга кенгайиб, иқтисодий ҳамда шартномавий муносабатлар кун сайин ривожланиб, тараққийлашиб бораётган бир даврда, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги тадбиркорлик фаолияти субъектлари иштирокида тузиладиган ахборот хизматини кўрсатиш шартномасининг намунавий моделини такомиллаштириш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, мавжуд фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар каби ахборот хизмати кўрсатиш шартномасининг намунавий шакли, мазмун-моҳияти замон талабларига қанчалик мос бўлса, мазкур шартномаларни тузаётган тадбиркорлик субъектлари учун шунчалик қулайликлар яратилган бўлади ва ушбу шартномалар мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида, айниқса, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида шунчалик кенг қўлланилади.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки даврлардан бошлаб, шартномалар соҳасига алоҳида эътибор берилиб, ушбу соҳани ривожлантиришга оид ишлар жадал суръатларда амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикасининг Би-

ринчи Президенти Ислоҳ Каримов шартнома тузиш маданиятини, шартномалар маданиятини бутунлай янги поғонага кўтаришимиз керак,¹ деб бежиз таъкидламаган эди.

Одатда, тадбиркорлик субъектлари томонидан тузиладиган хўжалик шартномалари Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунига² асосан шартнома предметини, етказиб бериладиган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) миқдори, сифати, ассортименти ва баҳосини, шартноманинг бажарилиш муддатларини, ҳисоб-китоб қилиш тартибини, тарафларнинг мажбуриятларини, шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлигини, низоларни ҳал этиш тартибини ҳамда тарафларнинг реқвизитларини, шартнома тузилган сана ва жойни, шунингдек бундай турдаги шартномалар учун қонун ҳужжатларида белгиланган ёки тарафлардан бирининг аризасига кўра ўзаро келишувга эришиш лозим бўлган бошқа муҳим шартларни назарда тутиши керак (10-м.).

Ҳ.Р.Раҳмонқулов таъкидлаганидек, ҳар қандай шартномада тарафлар томонидан келишиладиган ва мустаҳкамланадиган шартлар йиғиндиси шартноманинг мазмуни деб эътироф этилади³. Бошқача айт-

ганда, шартнома мазмуни деганда, тарафлар келишуви билан шартномага киритилган шартлар тушунилади⁴. Шартнома шартлари эса, ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни қайд қилиш усулини намоён этади⁵. Амалдаги қонунчиликка кўра, агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади. Хусусан, ахборот хизмати кўрсатиш шартномасининг мазмунини кўриб чиқишнинг назарий ва амалий аҳамиятини шартноманинг муҳим шартлари ташкил этади. Мазкур шартлардан биронтаси бўлса шартнома тузилмаган ҳисобланади.

Айтиш мумкинки, ҳар қандай шартнома мазмунининг тўлақонлиги кўп жиҳатдан унинг шартлари қанчалик қонуний ва аниқлигига, шунингдек ушбу шартларнинг қай даражада бажарилишига боғлиқ⁶ дир. Одатда, шартнома шартлари муҳим, одатдаги ва тасодифий шартларга бўлинади. Шартноманинг нарсаи тўғрисидаги шартлар, қонун ҳужжатларида бундай турдаги шартномалар учун муҳим ёки зарур деб ҳисобланган шартлар, шунингдек тарафлардан бирининг аризасига кўра келишиб олиниши зарур бўлган ҳамма шартлар муҳим ҳисобланади (ФК, 364-м.).

Дарҳақиқат, ҳар қандай хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома, энг аввало, унинг предметини аниқлашга оид талабларга жавоб бериши учун унда қандайдир хизматлар кўрсатишга қаратилган кўрсатма бўлиши лозим. Чунки, мазкур муҳим шарт ушбу шартноманинг белгиларини “тасвирловчи” омил сифатида намоён бўлади. Бир сўз билан айтганда, усиз хизмат кўрсатиш шартномасининг мавжудлиги ҳақида ўйлаб ҳам бўлмайди⁷. Дарҳақиқат, ахборот хизмати кўрсатиш шартномаси ҳам мазкур турга хос шартномалардан бири бўлиб, ушбу шартномаларнинг намунавий моделини такомиллаштириш масалаларига тўхталишда аввало, уларнинг мамлакатимизнинг амалдаги қонунчилигида ҳуқуқий жиҳатдан қай даражада тартибга солинганлигига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Хусусан, бугунги кунда ахборот хизмати кўрсатишга оид ижтимоий муносабатлар ФКнинг 38-боби (“Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш”) орқали тартибга солиниб, мазкур боб ўз ичига олтита моддани (703-708-мм.) қамраб олган ва мазкур моддалардан иккитаси, яъни 703-модданинг 2-қисми ва 708-модда ҳаволаки нормалардир. Шунингдек, пудрат тўғрисидаги умумий қоидалар ва маиший пудрат тўғрисидаги қоидалар ушбу бобнинг (38-боб) қоидаларига зид бўлмаса, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига нисбатан қўлланилиши белгиланган (708-модда) бўлиб, ушбу ҳаволаки нормага биноан айтиш мумкинки, пудрат тўғрисидаги умумий қоидалар ва маиший пудрат тўғрисидаги қоидалар ҳам ахборот хизмати кўрсатиш шартномаларига нисбатан татбиқ этилиши мумкин.

Жумладан, тадбиркорлик фаолияти субъектлари иштирокида тузиладиган ахборот хизматини кўрсатиш ҳақидаги шартноманинг намунавий моделини такомиллаштиришда, аввало, назаримизда, тадбиркор-

лик субъектлари иштирокида тузиладиган нафақат мазкур турдаги шартномаларда, балки барча турдаги шартномаларнинг предметига оид бандлардан олдин Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”⁸ ги Қонунида келтирилган, тадбиркорлик субъектлари тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги шартномавий муносабатларнинг асосий принципларига, яъни хўжалик шартномаларини тузишнинг эркинлиги, тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги, шартнома интизомига риоя этиш ва тарафларнинг ўзаро мулкый жавобгарлиги тўғрисидаги раҳбарий қоидаларга риоя этишларини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Сабаби, мазкур қоидаларни шартномавий муносабатлар тарафларининг ёдига солиш орқали уларнинг ўз зиммаларига олаётган масъулиятини яна бир бора тушуниб етишига ва келгусида турли хил шартномавий низоларнинг олди олинишига хизмат қилган бўлар эди. Айтиш мумкинки, барча хизмат кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари ҳам тегишли даражада билим ва зарур кўникмаларга эга эмас.

Бинобарин, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда: “Адолат — қонун устуворлигида” деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз. Бу борада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади”⁹ деб, бежиз қайд этиб ўтмадилар. Зеро, шартнома тарафларининг ўзлари тузган шартномалари орқали зиммаларига олган мажбуриятларини ўз вақтида бажармасликлари ёки лозим даражада бажармасликлари ҳам иккинчи тарафларнинг ҳуқуқлари бузилишига ёки ўз вақтида амалга оширилмаслигига олиб келиши мумкин. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг барчаси ҳам зиммаларига олинаётган ҳуқуқ ва мажбуриятларни тўлиқ тушуниб олмаётганлигини суд амалиётида низоларнинг кўплигидан ҳам кўришимиз мумкин. Қолаверса, маҳаллий урф-одат ва анъаналаримизда “касални даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал” деган нақл бежиз келтирилмаган.

Айтиш мумкинки, тадбиркорлик фаолияти субъектлари иштирокида тузиладиган ахборот хизматини кўрсатиш ҳақидаги шартномалар ҳақ эвазига тузиладиган шартномалар тоифасига киради ва ушбу шартномаларда *баҳо ҳақидаги шартни муҳим шартлардан бири сифатида қайд этиш мақсадга мувофиқдир*. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 356-моддасида ҳам шартномани бажарганлик учун тарафларнинг келишуви билан белгиланган баҳода ҳақ тўланиши назарда тутилган.

Шунингдек, ФКда назарда тутилган ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг норматив-ҳуқуқий модели (38-боб) ўзининг мазмуни ва моҳияти жиҳатидан илк бор ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаб қўйилган бўлиб, унга биноан, буюртмачи ўзига кўрсатилган хизматлар ҳақини ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш

шартномасида кўрсатилган муддатларда ва тартибда тўлаши шарт. Ижрочи ўзи айбдор бўлмагани ҳолда хизматни бажара олмаган тақдирда буюртмачи ижрочига унинг харажатларини тўлаши шарт, бунда ижрочининг хизмат (хизматлар) кўрсатишдан овоз қилиниши муносабати билан олган ёки олиши мумкин бўлган фойдаси чегириб қолинади. Буюртмачининг айби билан хизматни бажариш мумкин бўлмай қолган тақдирда, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, хизматлар баҳоси бутунлай тўланиши керак (ФК 705-м.).

Амалиёт натижалари шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда аксарият тадбиркорлик субъектлари ўртасида тузилаётган ахборот хизмати кўрсатиш шартномаларига пудрат тўғрисидаги умумий қоидалар ва маший пудрат тўғрисидаги қоидалар асос бўлиб хизмат қилмоқда, яъни баҳога оид норма “ишнинг баҳоси тарафларнинг келишуви билан белгиланиши, тарафларнинг келишувига мувофиқ буюртмачи шартнома тузилаётганда иш учун ҳақни тўлиқ ёки бўнак бериш йўли билан тўлаши мумкинлигини (ФК 662-м.) кўришимиз мумкин.

Таъкидлаш лозимки, хизматларнинг муайян турларини кўрсатиш соҳасида баҳоларни тартибга солишда қонун ҳужжатлари мажмуи бир қанчадир. ФКнинг 356-моддаси иккинчи қисми қоидалари мазмун-моҳиятидан тартибга солинадиган баҳоларни қўллаш шакллари ҳам «тегишли ваколатга эга бўлган давлат органлари»га тааллуқли эканини кузатиш мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 августдаги “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги Фармони¹⁰ ни келтириб ўтиш жоиз.

Ушбу жараёни бевосита хорижий давлатлар амалиётида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, Франция давлатида 1945 йилдан 1978 йилгача бўлган давр мобайнида баҳони тартибга солиш соҳасида 26,5 мингта қарор чиқарилганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд¹¹. Шунингдек, баъзи давлатларда баҳоларни давлат томонидан тартибга солиш бўйича махсус қонунлар ҳам қабул қилинган. Масалан, Австрияда «Баҳолар тўғрисида»ги Қонун (1945 й.), Данияда «Баҳолар ва даромадлар тўғрисида»ги (1974 й.) ва «Рақобат тўғрисида»ги Қонунлар (1989 й.), Норвегияда «Баҳолар, даромадлар ва чекланган рақобат устидан назорат тўғрисида»ги Қонун (1953 й.) қабул қилинган¹².

Мамлакатимизда баҳоларни давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги раҳбарий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 11 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида молия органларини бошқариш ташкилий тузилмасини ва нарх белгилаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони¹³ дир.

Н.С.Нарматовнинг таъкидлашича, хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда баҳоларни тартибга солувчи махсус қонунни қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши, *биринчидан*, баҳони тартибга солиш соҳасидаги турли давлат орган-

ларининг ваколатларини аниқлаш имкониятини яратди; *иккинчидан*, баҳо билан боғлиқ соҳада шартномалар эркинлигини амалга ошириш учун тегишли ҳуқуқий кафолатларни таъминлаш орқали белгиладиган ва тартибга солинадиган баҳоларни қўллаш соҳаси ва асослари аниқ белгиланади; *учинчидан*, муайян ҳуқуқбузарликлар учун тегишли санкцияларнинг самарали механизми назарда тутилади; *тўртинчидан*, баҳолар ва тарифларни давлат томонидан тартибга солиш услублари ҳамда баҳоларни шакллантириш ва улар даражасига таъсир кўрсатиш шакллари норматив-ҳуқуқий ҳужжат даражасида мустаҳкамланади¹⁴.

Шунингдек, айрим олимларнинг товарлар, ишлар, хизматларга баҳоларнинг ўрнатилиши ва қўлланилиши ҳам давлат томонидан тартибга солиб борилмоғи лозим¹⁵ деган фикрлари ҳам аҳамиятга моликдир.

Дарҳақиқат, ушбу фикрларига қўшилган ҳолда айтишимиз мумкинки, халқаро қонунчиликнинг ижобий тажрибаларини миллий қонунларимизга имплементация қилиш давр талабидир. Мазкур тақлифнинг амалиётда ўз ифодасини топиши келажакда тадбиркорлик субъектлари иштирокида тузиладиган ахборот хизмати кўрсатиш шартномаларида ҳам ўзининг ижобий натижаларини беради.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилаётган ахборот хизмати кўрсатишга оид шартномаларда қонун ҳужжатларида бундай турдаги шартномалар учун *муҳим ёки зарур деб ҳисобланган шартлар* ҳам муҳим ҳисобланади. Манбаларда таъкидланганидек, муҳим ёки зарур шартлар сифатида тегишли шартноманинг табиатини акс эттирувчи шартларни ҳисоблаш зарур, чунки улардан исталган бири бўлмаса, ўзаро келишув ҳам тарафларга ушбу муносабатларда уларни аниқ мажбуриятга айлантириши мумкин бўлган сифатни бера олмайди. Одатда, муҳим шартлар қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилаётган ахборот хизмати кўрсатишга оид шартномаларда *муддатлар масаласига оид шарт* ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Қонун чиқарувчи ФКнинг ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига бағишланган 38-бобида муддатлар масаласига тўхталмай, фақатгина шартномада бошқа кўрсатмалар бўлмаса, ижрочи шартномада назарда тутилган хизмат (хизматлар)ни шахсан ўзи кўрсатиши шартлигини (ФК 704-м.) белгилаб берган.

Айтиш мумкинки, ахборот хизматини кўрсатишга оид шартномаларда ҳаволаки нормалар асосида (айниқсат, узок муддатга тузиладиган шартномаларда) бошланғич ва охири муддатлар, баъзан эса тадбиркорлик субъектларининг келишуви билан шартномада оралиқ муддатлар, яъни фаолиятнинг алоҳида босқичларини якунлаш муддатлари ҳам кўрсатилиши мумкин. Мазкур жараёнларда шартнома тарафлари келишувида ёки қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, хизмат ижрочиси бошланғич ва охири муддатлар бузилиши бўйича қандай жа-

вобгар бўлса, оралиқ муддатни бузганлиги учун ҳам шундай жавобгар бўлади. Бироқ, ижрочи томонидан муддат ўтказиб юборилиши оқибатида буюртмачи учун манфаат йўқолган ҳамда хизмат кўрсатишнинг охири муддати бузилган тақдирдагина, буюртмачи ижро этилган хизматни қабул қилишдан воз кечишни хабар қилишга ҳақли (ФКнинг 708-моддаси, 635-модданинг иккинчи-тўртинчи қисмлари, 337-модданинг иккинчи қисми) бўлади.

Шунингдек, мазкур турдаги шартномаларнинг муҳим шартлари қаторига *тарафлардан бирининг ари-засига кўра, келишиб олинishi лозим бўлган ҳамма шартларни ҳам киритиш мумкин*. Одатда, шундай шартлар борки, уларсиз ҳам шартномани тузилган деб эътироф этиш мумкин, аммо муайян ҳолларда бошқа тарафнинг розилиги билан шартномага киритиш зарурати пайдо бўлган шартлар ҳам муҳим шартларга айланади¹⁶. Дарҳақиқат, ушбу шартлар бўйича келишувга эришилмаганда шартнома тузилган деб эътироф этилмайди. Масалан, юқорида таъкидлаганимиздек, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида шартномада бошқа кўрсатмалар бўлмаса, ижрочи шартномада назарда тутилган (хизматлар)ни шахсан ўзи кўрсатиши шартлиги мустаҳкамланган (ФК 704-м.). Шартноманинг мазкур муҳим шarti бажарилмаганда эса, бошқа тараф, яъни буюртмачи томонидан шартнома бекор қилиниши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, тадбиркорлик субъектлари иштирокида тузиладиган ахборот хизмати кўрсатишга оид шартноманинг муҳим шартлари қаторига гарчи ФКнинг 38-бобиди белгиланган бўлмаса-да, ФКнинг мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланган умумий асосларидан келиб чиққан ҳолда, форс-мажор ҳолатларига оид қоидаларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

ФКнинг 333-моддасида қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади деб белгилаб қўйилган. Ушбу қонданинг фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларда аниқ белгилаб қўйилмаганлиги амалиётда хизмат кўрсатиш билан боғлиқ мажбуриятларни бажаришда бир қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Шартнома мазмунини ифодаловчи шартлардан яна бир тоифаси бу — одатдаги ва тасодифий шартлардир. Одатдаги шартлар муайян мажбуриятга оид муносабатни тартибга соладиган диспозитив нормалар билан белгиланадиган шартлар ҳисобланади. Бундай шартлар одатдагидек, деб назарда тутилади. Тасодифий шартлар эса, умумий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солилмаган масалалар бўйича ўзаро келишув бўлиб кўрилади. Айтиш лозимки, ахборот хизмати кўрсатишнинг алоҳида турлари учун ишлаб чиқилган намунавий шартномалар ва иш му-

омаласи одатларида кўзда тутилган шартлар шартнома ва диспозитив нормада белгиланган бўлса, одатдаги шартлар ҳисобланади. Айрим адабиётларда *одатдаги (ёки одатда учрайдиган)* шартлар ва *тасодифий (ўзига хос)* шартлар тегишли гуруҳга ажратилади¹⁷. Шу билан бирга, баъзи юридик адабиётларда эса шартноманинг муҳим шартларидан ташқари бошқа шартларга ўрин йўқлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар илгари сурилган¹⁸.

Н.С.Нарматов таъкидлаганидек, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларида *«одатдаги» деб номланадиган шартларни ажратиш зарурлигини* назарда тутувчи фикр-мулоҳазаларга қўшилса бўлади. Чунки, айрим ҳолларда бу каби шартлар мазмун-моҳиятида қонун нормалари (императив ёки диспозитив қоидалар, агарда диспозитив шартнома қоидалари билан ўзгармаган бўлса) намоён бўлади, бошқа ҳолларда эса, бундай шартларни шартноманинг муҳим шартлари қаторига киритиш мақсадга мувофиқдир.

Шартноманинг юқорида таъкидлаб ўтилган муҳим шартларга тегишли бўлмаган иккинчи гуруҳи, яъни *«тасодифий ёки ўзига хос» шартларга* ҳам муҳим бўлмаган шартлар сифатида қараш мумкин эмас. Чунки, тарафларнинг ўзаро келишувига мувофиқ, ушбу шартлар шартномага киритиладиган бўлса, унда улар ҳам муҳим шартлар мақомига эга бўлиши мумкин. Мазкур шартлар фақатгина фуқаролик ҳуқуқи назариясида ажратилиб, қонун чиқарувчи шартноманинг бундай шартларга эътибор қаратмайди. Бироқ, фикримизча, бу жиҳат уларнинг умуман мавжуд эмаслигини билдирмайди¹⁹.

Ахборот хизмати кўрсатиш шартномасининг муайян шартлари орасида *хизматлар сифати тўғрисидаги шарт* эътиборга моликдир. ФКнинг 38-бобиди хизмат сифати масаласида тўхталинмаган бўлиб, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, 708-моддада келтирилган ҳаволаки норма асосида ФКнинг 647-моддаси орқали тартибга солиниб келинмоқда. Зеро, бугунги кун амалиётида хизмат кўрсатувчиларга хизматлар буюртмачилари томонидан шартномада хизмат сифати ҳақидаги шартни белгилашни талаб қилиш ҳоллари кўпайиб учраб турганлиги сабабли, мазкур шартни ҳам тадбиркорлик субъектлари иштирокида тузиладиган ахборот хизмати кўрсатишга оид шартномаларда муҳим шарт сифатида белгилаш мақсадга мувофиқ. Сабаби, мамлакатимизда тадбиркорликка яратилаётган кенг имкониятлар асосида хизмат кўрсатаётган тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳам хизмат фаолиятларида такомиллашиб, юқори мақомга эга бўлмоқдалар ва мамлакатимизда мазкур ижрочиларга қўйиладиган талабларни юқори босқичга кўтариш давр талабидир.

Шунингдек, Н.С.Нарматов ФК ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси шаклига нисбатан бирон-бир алоҳида қондани ўрнатмайди. Аммо бунда, ФКнинг 107, 108, 366-моддаларида мустаҳкамлаб қўйилган умумий қоидаларни қўллаш мумкин. Фикримизча, мазкур шартномани тузишда шартнома предметини аниқлашнинг ўзи кифоя қилади ва

шакл муҳим аҳамиятга эга эмас²⁰ деган нуқтаи назарни илгари суради. Назаримизда, муаллифнинг мазкур фикри шартнома тарафлари хўжалик юритувчи субъектлар бўлганда бироз бахслидир.

Дарҳақиқат, ФКда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси шаклига нисбатан ҳам ҳеч қандай кўрсатма берилмаган. Лекин шуни қайд этиш лозимки, ФКда юридик шахсларнинг ўзаро битимлари оддий ёзма шаклда тузилиши (ФК 108-м.) ҳамда қонунда ёки тарафларнинг келишувида тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келишлиги (ФК 109-м.) каби қоидалар белгилаб қўйилган. Агар қонунда муайян турдаги шартномалар учун маълум бир шакл белгилаб қўйилган бўлмаса, шартнома битимлар тузиш учун назарда тутилган ҳар қандай шаклда тузилиши мумкинлигига (ФК 366-м.) оид мустаҳкамлаб қўйилган умумий қоидаларни қўллаш мумкин.

“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунда ҳам хўжалик шартномаси битимлар тузиш учун назарда тутилган ёзма шаклда тузилади (11-м.) деб белгиланган.

Мазкур қоидалардан келиб чиққан ҳолда, айтиш мумкинки, тадбиркорлик субъектлари ўртасида тузиладиган ахборот хизмати кўрсатишга оид шартномаларни тузишда шакл ҳам муҳим аҳамиятга эга ва ушбу шартномалар ёзма равишда тузилгандаги-

на тарафлар учун ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқади.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ўртасида тузиладиган ахборот хизмати кўрсатишга оид шартномаларнинг муҳим шартларидан бири сифатида *мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик натижасида етказилган зарарни қоплашнинг* белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу шартларнинг ҳам олдиндан, яъни шартнома тузилишида белгилаб олиниши келгусида тарафлар ўртасида келиб чиққан низоли ҳолатларни барта-раф этилишида ўзига хос аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, бозор иқтисодиёти шароитида зарарни қоплаш муҳим аҳамиятга эгадир. Мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик сабабли зарар етказишда айбдор бўлган шахслар зиммасига амалдаги қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва миқдорда моддий жавобгарлик юклатилади. Бундай қоида шартнома томонлари учун муҳим оғоҳлантирувчи восита бўлиб хизмат қилади²¹.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, ушбу юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазалар фақатгина тадбиркорлик фаолияти субъектлари иштирокида тузиладиган ахборот хизматини кўрсатиш ҳақидаги шартноманинг намунавий моделини такомиллаштириш масалаларига ўзининг ижобий ҳиссасини қўшади. Зеро, бугунги глобаллашув ва иқтисодий тараққиёт даврида барча турдаги шартномавий муносабатларда уларнинг намунавий моделларини такомиллаштириш масаласи долзарб аҳамият касб этади.



¹Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –Б.259-260.

²//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 170-м.

³Раҳмонкулов Ҳ.Р. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). –Тошкент: ТДЮИ, 2005. 237-б.

⁴Гражданское право. Ч.1. / Под. ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. –М., Проспект, 2005. –С.588.

⁵Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право: Общие положения. –М., Статут, 1997. –С.238.

⁶Раҳмонкулов Ҳ.Р. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). –Тошкент: ТДЮИ, 2005. 237-б.

⁷Нарматов Н.С. Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари: Юрид. фан. докт. ...Дисс. –Тошкент: 2009. 228-б.

⁸//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 18-сон, 201-м.

⁹// Халқ сўзи. 2016 йил 8 декабрь.

¹⁰//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил, 34-сон, 401-м.

¹¹Кулагин М.И. Предпринимательство и право: опыт Запада. –М., 1992. –С.21.

¹² Солнцев В. Государственное регулирование цен и контроль за их применением // Экономист. 1996. –№9. –С.33.

¹³// Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгазининг Ахборотномаси, 1992 йил, 4-сон, 195-модда.

¹⁴Нарматов Н.С. Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари: Юрид. фан. докт. ...Дисс. –Тошкент: 2009. –Б.232-233.

¹⁵Тадбиркорлик ҳуқуқи: (Умумий қисм): Дарслик // Таҳрир ҳайъати: Ҳ.Раҳмонкулов, Ш.Рўзиназаров, М.Ниёзов ва бошқ.; Масъул муҳаррир Ш.Рўзиназаров. –Тошкент: Консаудитинформ, 2002. 494-б.

¹⁶Раҳмонкулов Ҳ.Р. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). Дарслик. –Тошкент: ТДЮИ, 2005. 240-б.

¹⁷Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи (I қисм). –Тошкент: Адолат, 1996. –Б.286-287; Раҳмонкулов Ҳ.Р. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). –Тошкент: ТДЮИ, 2005. –Б.240-241.

¹⁸Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право: Общие положения. –М., Статут, 1997. –С.243; Витрянский В.В. Существенные условия в отечественной цивилистике и правоприменительной практике // Вестник ВАС РФ. –М., 2002. –№5. –С.134.

¹⁹Нарматов Н.С. Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари: Юрид. фан. докт. ...Дисс. –Тошкент: 2009. –Б.236-237.

²⁰Нарматов Н.С. Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари: Юрид. фан. докт. ...Дисс. –Тошкент: 2009. 240-б.

²¹ Тадбиркорлик ҳуқуқи: (Умумий қисм): Дарслик // Таҳрир ҳайъати: Ҳ.Раҳмонкулов, Ш.Рўзиназаров, М.Ниёзов ва бошқ.; Масъул муҳаррир Ш.Рўзиназаров. –Тошкент: Консаудитинформ, 2002. 494-б.

Қундуз РОЗИМОВА,
Тошкент давлат юридик университети
мустақил тадқиқотчи-изланувчиси

ЖИНОЯТЛАР МАЖМУИ БЎЙИЧА ЖАЗО ТАЙИНЛАШ ҚОИДАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

◆ Мақолада жиноятлар мажмуи тушунчасига доир ҳуқуқшунос олимларнинг назарий қарашлари ўрганилиб, ҳуқуқни қўллаш амалиёти материаллари таҳлил қилинган ҳолда, жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлаш қоидаларини янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ишлаб чиқилган.

◆ В статье изучены теоретические взгляды ученых-правоведов относительно понятия совокупности преступлений, на основе анализа материалов правоприменительной практики выдвинуто предложение по дальнейшему совершенствованию правил назначения наказаний по совокупности преступлений.

◆ In this article, the theoretical views of legal scientists on the concept of cumulative crime are studied, based on the analysis of materials of law enforcement practice, a proposal has been put forward to further improve the rules of sentencing for cumulative crimes.

Таянч сўзлар: Жиноятлар мажмуи, жазо тайинлаш, қилмиш, жиноят таркиби, квалификация, жиноятларнинг идеал ва реал мажмуи, жиноятга тайёргарлик кўриш, суиқасд, қатъий жазо.

Ключевые слова: Совокупность преступлений, назначение наказания, деяние, состав преступления, квалификация, идеальная и реальная совокупность преступлений, подготовка к совершению преступления, покушение, окончательное наказание.

Key words: Cumulative crime, sentencing, criminal act, components of crime, the qualification of crime, the ideal and the real cumulative crime, preparation for a crime, murder, a final sentence.

Жиноятлар жами бўйича жазо тайинлаш бевосита жиноятлар жами тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади. Жиноятлар жами тушунчасига жиноят ҳуқуқи назарияси соҳасидаги олимлар томонидан турлича таърифлар берилди. Шу ўринда қайд этиб ўтиш жоизки, жиноят қончилигидаги жиноятлар жами билан жиноятлар мажмуи тушунчалари синоним тушунчалар бўлиб, умумий тарзда икки ёки ундан ортиқ жиноятнинг содир этилишини англатади. Шу сабабли олимлар томонидан жиноятлар жами тушунчасини илмий жиҳатдан ёритганда асосан жиноятлар мажмуи сифатида таърифланади. Хусусан, И.Г.Возжанникова битта шахс томонидан илгари бирорта қилмиши учун ҳукм қилинмаган ёки илгари содир қилган жиноятлари учун тайинланган жазони тўлиқ ўтаб бўлгунга қадар икки ёки ундан ортиқ жиноятларнинг содир қилинишига жиноятлар мажмуи сифатида таъриф беради¹.

Д.В.Бушков жиноятлар мажмуи деганда, шахс томонидан ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта модданинг турли қисмларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ мустақил ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) нинг башарти, улардан бирортаси учун судланмаган бўлиб, улар учун жиноий жавобгарликка тортиш асослари сақланиб қолган бўлса, жиноятлар мажмуи деб топилишини қайд этади².

С.Г.Спивакнинг фикрига кўра, жиноятлар мажмуи деб, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларида нисбатан қаттиқроқ жазо тайинланадиган ҳолат сифатида назарда тутилган илгари бирортаси учун судланмаган икки ёки ундан ортиқ жиноятлар, шунингдек, содир этган жинояти учун ҳукм чиққунга қадар жиноят (жиноятлар) содир этилиши ҳисобланади³.

А.З.Козлов жиноятлар мажмуи тушунчасига қилмишларнинг ҳар бири ЖКнинг тегишли моддаси бўйича жиноят таркиби ва квалификацияси-

га мувофиқ келиши, уларнинг бирортаси учун илгари судланмаган бўлиши ва жиноят иши кўзга-тиш учун процессуал тўсиқлар бўлмаслиги лозимлиги сифатида таъриф беради⁴.

А.И.Сорокин МДХ давлатларининг жиноятлар мажмуи тушунчасига оид жиноят қонунчилиги нормаларини таҳлил қилар экан, МДХ давлатлари жиноят қонунчилигида “жиноятлар мажмуи” атамаси мавжуд бўлса-да, аммо унинг мазмуни очиқ берилмаганлиги, жиноятлар мажмуининг “жиддийлиги” фақатгина жазо тайинлашда ҳисобга олинишида намоён бўлишини, жиноятлар мажмуи тушунчаси МДХ давлатлари жиноят қонунчилигида одатда бир-бирига мос келишини, лекин, Қозғоғистон ва Қирғизистон Жиноят кодексида жиноятлар мажмуининг идеал ва реал мажмуи атамалари қўлланилса-да, ушбу тушунчаларнинг мазмуни мустаҳкамланганлиги, Озарбайжон Жиноят кодексида фақатгина “жиноятлар мажмуи” тушунчаси қўлланилганини, Латвия Жиноят кодексида жиноятларнинг “идеал мажмуи” ва “реал мажмуи” атамалари қўлланилганлигини, Ўзбекистон ва Беларусия Жиноят кодексларида жиноятлар мажмуи тушунчаси жиноятларнинг идеал ва реал мажмуи белгилари ажратилмаган ҳолда умумий мазмунда жиноятлар мажмуи тушунчаси қўлланилганлигини қайд этади⁵. Тўғри, Ўзбекистон жиноят қонунчилигида жиноятлар мажмуининг идеал ва реал жиноятлар мажмуи тушунчалари тўғридан-тўғри назарда тутилмаган бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги Қарорида ушбу тушунчаларга изоҳ бериб ўтилган.

Гувоҳ бўлганимиздек, гарчи, Ўзбекистон жиноят қонунчилигида жиноятлар идеал ва реал жами тушунчалари тўғридан-тўғри қайд этилмаган бўлса-да, бу умуман жиноят ҳуқуқи ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида бундай институтлар мавжуд эмаслигини англамайди.

Юридик адабиётларда бири охирига етказилган, иккинчиси тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш босқичида тўхтатилган айнан бир хил жиноятлар содир этилган бўлса, такроран эмас, балки жиноятлар жами деб ҳисобланиши керак деган фикрлар мавжуд деб, ўз фикрини М.Усмоналиев масалани шундай йўсинда ҳал қилишининг боисини қуйидагича изоҳлайди: “ЖК Махсус қисмида назарда тутилган барча жиноятлар тамом бўлган жиноят деб ҳисобланади. Шундай экан, бири охирига етказилган, иккинчиси тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш босқичида тўхтатилган ёки иштирокчиликда содир этилган бир хил жиноятлар, бир бири билан айнан ўхшаш эмас. Улар жиноятларни квалификация қилиш юзасидан, шунингдек ижтимоий хавф-

лилик даражаси жиҳатидан ҳам айнан бир хил эмас. Айтайлик, шахснинг биринчи ўғирлик жинояти ЎР ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган тамом бўлган жиноят, иккинчиси эса 25-169-моддасининг 1-қисми билан жиноятга суиқасд қилишда квалификация қилиш белгиси бор. Ана шу жиноятларни такроран қилинган деб ҳисобланса, айбдорнинг қилмишини ЖКнинг 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан квалификация қилишга тўғри келади.

Лекин Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 49-бандида шахс бир неча айнан ўхшаш қилмишни содир этган бўлиб, улардан айримлари тугалланган жиноят, бошқалари эса — жиноятга тайёргарлик, суиқасд тариқасида квалификация қилинганда ёки айримлари мустақил, бошқалари эса иштирокчиликда содир этилганда ЖКнинг 59-моддаси тартибда жазо тайинланиши белгиланган. Шунингдек, М.Усмоналиевнинг таъкидлашича, агар шахс ЎР ЖК Махсус қисмининг бир моддаси айнан бир қисмида назарда тутилган жиноятлар содир этилиб, улардан бири учун жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилишда ёхуд иштирокчиликда квалификация қилинганлигини такроран жиноят содир этиш деб эмас, балки жиноятлар жами деб квалификация қилиш инсонпарварлик принципига тўғри келади. Баъзи олимлар эса, Жиноят кодекси Махсус қисми битта моддасининг битта қисми турли бандларида назарда тутилган жиноятларни турли вақтларда содир этилган тақдирда ҳам жиноятлар жами тариқасида квалификация қилиш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Лекин, М.Усмоналиев ўз фикрини давом эттириб, бу фикрга қўшилмаслигини, чунки ЖКнинг 32- ва 33-моддаларининг мазмунига кўра, битта моддани битта қисмининг турли бандларида назарда тутилган жиноятлар такроран жиноят содир этиш деб ҳисобланиши айтилмаган ва қонунда бошқача ҳолат назарда тутилмаганлигини таъкидлаган⁶.

Биз ҳам М.Усмоналиевнинг фикрига қўшилган ҳолда, Беларусь Республикаси Жиноят кодексида такроран жиноят содир этган шахс бир жинояти тамом бўлган, бошқаси эса тамом бўлмаган жиноят бўлса ҳар бир жинояти учун алоҳида жазо тайинланиб, енгилроқ турдаги жазо оғирроғи билан қопланади деган қонунда Ўзбекистон қонунчилигига татбиқ этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 49-бандида содда қилиб тушунтирадиган бўлсак, ЖК 169-модда 3-қисми ва 169-модда 3-қисми билан ЖКнинг 33-моддаси

бўйича, 25, 169-модда 3-қисми ва 169-модда 3-қисми билан эса 59-модда бўйича жазо тайинланиши белгиланган. Мисол учун, биринчи ҳолатда жазо тамом бўлган 2 та жиноят учун такроран деб 5 йил тайинланадиган бўлса, иккинчи ҳолатда эса ҳам такроран содир қилган жиноят учун 5 йил ва унга ўғирликка суиқасд қилганлик ҳам қўшилиб, 5 йилу 6 ой белгиланиши мумкин. Лекин 2-ҳолатда, яъни суиқасд бўлмаган жинояти тамом бўлганда эди, унга нисбатан қатъий жазо сифатида 5 йил тайинланган бўлар эди. Амалиётдаги бу каби ҳолатларни батараф этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 49-қисмини қуйидаги тахрирда баён этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

49. Судлар шуни назарда тутишлари лозими, ЖК 59-моддасида белгиланган жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлаш қоидалари қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

қилмиш Жиноят кодексининг турли моддалари бўйича квалификация қилинганда;

қилмиш Жиноят кодекси муайян моддасининг бир неча қисмлари билан квалификация қилин-

ганда, башарти ушбу қисмлар турли жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутса (масалан, ЖК 228, 248, 273-моддалари);

иш бўйича ҳукм чиқарилгандан кейин маҳкумнинг биринчи иш бўйича чиқарилган ҳукмгача яна бошқа жиноятда айбдорлиги аниқланганда.

шахс бир неча айнан ўхшаш қилмишни содир этган бўлиб, улардан айримлари тугалланган жиноят, бошқалари эса - жиноятга тайёргарлик, суиқасд тариқасида квалификация қилинганда ёки айримлари мустақил, бошқалари эса иштирокчиликда содир этилганда;

шахс Жиноят кодекси Махсус қисми айнан бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган ўхшаш қилмишни содир этганликда айбдор деб топилганда жазо шу модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича тайинланади (ЖК 33-моддаси).

Хулоса сифатида алоҳида қайд этиш жоизки, жиноятлар мажмуи институти жиноят ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири бўлиб, жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлаш қоидаларини бугунги кун нуқтаи назаридан ҳуқуқни қўллаш амалиётини инobatга олган ҳолда такомиллаштириш айна пайтда жиноят ҳуқуқи назарияси олдида турган устувор вазифалардан ҳисобланади.



¹И.Г.Возжанникова Рецидив преступлений в уголовном праве России: понятие, виды, значение. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук по специальности 12.00.08 – уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право. – Москва, 2014. – 60 с.

²Д.В.Бушков Уголовно-правовая оценка совокупности преступлений в толкованиях Пленума Верховного суда РФ. Научный журнал КубГАУ, №104 (10), 2014 года. <http://ej.kubagro.ru/2014/10/pdf/149.pdf>

³С.Г.Спивак Назначение наказания по совокупности преступлений и совокупности приговоров Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук по специальности 12.00.08 – уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право. – Москва, 2007 г. – 9 с.

⁴А.В.Козлов. Ответственность за совокупность преступлений. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Москва, 2006. – 6 с.

⁵А.И.Сорокин Множественность преступлений и ее уголовно-правовая оценка. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук по специальности 12.00.08 – уголовное право и криминология, уголовно-исполнительное право. – Москва, 2008. – 23 с.

⁶М.Усмоналиев. Жазо тайинлаш. Янги аср авлоди. Т-2003 йил. 47-48 бет

Жамшид СУВАНКУЛОВ,
Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси

ЖАМОАТ ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИ: ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ВАКОЛАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

- ◆ Мақолада фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоат экологик экспертизасини амалга оширишдаги фаолиятининг айрим жиҳатларини такомиллаштириш тўғрисида сўз боради.
- ◆ В статье освещены совершенствование отдельных особенностей деятельности органов самоуправления граждан по осуществлению общественной экологической экспертизы.
- ◆ This article highlights some specific features of the activities of self-governing bodies of citizens in the implementation of public environmental expertise.

Таянч сўзлар: Экологик экспертиза, жамоатчилик экологик экспертизаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик экологик экспертизаси соҳасидаги ваколатлари, жамоатчилик экологик экспертизасини амалга оширишнинг самарали усуллари.

Ключевые слова: Экологическая экспертиза, общественная экологическая экспертиза, полномочия органов самоуправления граждан в сфере общественной экологической экспертизы, эффективные методы осуществления общественной экологической экспертизы.

Key words: Environmental expertise, public environmental expertise, the powers of self-governing bodies of citizens in the field of public environmental expertise, effective methods of implementing public environmental expertise.

Экологик экспертиза экологик назоратнинг бир тури сифатида атроф муҳит муҳофазасини таъминлашда катта роль ўйнайди.¹ Унинг асосий вазифаси режалаштириладиётган (кўзда тутиладиётган) ёки амалга ошириладиётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятларнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш ҳамда экспертиза объектларининг экологик жиҳатларини баҳолашдан иборатдир.²

Экспертиза сўзи латинча “expertus” сўзидан олинган бўлиб, тажрибали деган маънони билдиради. Экспертиза — мутахассис ёки мутахассислар гуруҳи томонидан у ёки бу соҳада малакали ечим талаб қилинадиган масалаларни ўрганиш демакдир³.

Мамлакатимизда экологик экспертиза, асосан махсус давлат органлари томонидан амалга оширилади. Бироқ, кейинги пайтларда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш муносабати билан жамоат экологик экспертизасига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур институтнинг кейинги йилларда ривожланиб бориши жараёнида уларнинг вазифа ва ваколатларини кенгайтириш ҳамда уларни амалда самарали таъминлаш масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “...бугун замон ўз

ечимини кутаётган турли муаммоларни ҳал қилишимиз, қабул қилган қонунларимизни изчил амалга ошириш, олиб бораётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Шу жумладан, биринчи навбатда, ахборот ва сўз эркинлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва ҳимоялаш каби ислохотларни янги, юксак босқичга кўтариш — айтиш мумкинки, бу соҳаларда ҳали қиладиган ишларимиз кўп”⁴.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимиздаги экологик муаммоларни ҳал қилишда фуқаролик жамияти институтларининг, хусусан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг экологик - ҳуқуқий ваколатлари ичида муҳим бўлган жамоат экологик экспертизасини амалга ошириш фаолиятининг амалий жиҳатлари ва унинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш бугунги даврнинг ўз ечимини кутаётган талабларидан бирига айланди.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини янада ривожлантириш масаласини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллигига бағиш-

ланган тантанали маросимдаги “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” номи маърузасида ҳам долзарб қилиб таъкидлаганлиги бежиз эмас.⁵

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари экологик ваколатлари ичида экологик экспертизани амалга ошириш алоҳида аҳамиятга эга, деб ҳисоблаш керак.

Шу боисдан ҳам бундай экспертизанинг назарий-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш ва уни амалда ўтказишни “жонлантириш”нинг муҳим зарурияти мавжуд.

Бундан ташқари, шунини таъкидлаш керакки, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг экологик экспертиза ўтказиш ваколатини амалга оширишда ҳозирги пайтда амалда бир қанча муаммолар мавжудлиги, аниқроғи бу институт деярли ишламаётганлиги ҳам ушбу масаланинг ҳуқуқий ва амалий долзарб эканлигини кўрсатувчи ҳолатдир.

Муаммонинг долзарблиги яна шундаки, амалиётда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоат экологик экспертизасини амалга ошириш ваколати қонунчиликда белгиланганлиги билан аниқ шаклланмаган. Бу ҳолат амалиётнинг қонунчилик талабидан орқада қолиб кетаётганлигини билдиради.

Шундан келиб чиқиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга ошириладиган экологик экспертизани амалга ошириш амалий механизмларининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва уларни қонунчиликда белгилаш борасида илмий хулоса ва тавсиялар бериш ушбу мақолани ёзишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жамоатчилик экологик экспертизасининг назарий масалалари мамлакатимиз ва хориж ҳуқуқшунос олимларининг доимий эътиборида бўлиб, улар томонидан бу масалада бир қатор тадқиқотлар олиб борилган.⁶

Ушбу тадқиқотларда жамоат экологик экспертизаси тушунчасига таъриф берилган ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари жамоат экологик экспертизасини ўтказиш ваколатига оид қисман фикр-мулоҳазалар илгари сурилган. Жумладан, О.Утегеновнинг фикрича, жамоат экологик экспертизаси — экологик асосланиши зарур бўлган ҳар қандай фаолият соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролар ташаббуси билан давлат экологик экспертизаси ўтказилишидан қатъи назар, амалга ошириладиган, хулосаси жамоат экологик экспертизаси объектини рўёбга чиқариши мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги тавсиявий аҳамиятга эга бўлган фаолиятдир.⁷

А.Нуридуллаевнинг фикрига кўра, жамоат экологик экспертизаси аҳолининг экологик тусдаги қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этишининг ўзига хос самарали шакли ҳисобланади. Жамоат экологик экспертизаси фуқароларнинг эколо-

гик ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим усули бўлиб, уларга ўз экологик манфаатларини ҳимоя қилиш учун қулай имконият яратиб беради⁸.

Ю.А.Жураев ва М.М.Нурматовларнинг ёзишича, “жамоат экологик экспертизаси нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролар томонидан амалга оширилиб, режалаштириладиган, амал қиладиган турли объектлар юзасидан ўтказилиши мумкин”⁹.

Шунингдек, Ж.Сафаров давлат экологик экспертизаси амалга ошириладиганда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг иштирокини таъминлаш учун уларнинг жамоат эшитуви тартибини қонунчиликда белгилаш лозимлигини таъкидлаган.¹⁰ З.Рузиев эса, тадқиқот ишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг экологик ваколатларини қисман конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан татқиқ қилган.¹¹

Жамоат экологик экспертизаси тўғрисидаги илмий тадқиқотлар хорижий давлатларда ҳам олиб борилмоқда.¹²

Таъкидлаш керакки, юқорида зикр этилган илмий манбаларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг экологик экспертиза соҳасидаги ваколатлари ҳам умумий асосларда ўрганилган.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг экологик экспертиза ўтказиши мумкинлиги тўғрисидаги қоидаларни белгилашда қонунчилик анча илгарилаб кетган. Чунончи, 2004 йил 3 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси “Мухофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонунининг¹³ 10-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамоат экологик экспертизасини ўтказишлари мумкинлиги белгиланган.

Шунингдек, 2013 йил 27 декабрда қабул қилинган “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддаси талабига кўра, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларига доир жамоатчилик фикрини ўрганади, жамоатчилик экологик экспертизасини ўтказиши.¹⁴

Демак, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари табиат объектларига нисбатан жамоат экологик экспертизасини ўтказиш ташаббуси билан чиқиши ва унинг амалга оширилишини таъминлаш ваколатига эга. Лекин бу қонунларда мазкур ваколатни фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қандай амалга оширилиши лозимлиги хусусида ҳеч нарса дейилмаган. Бинобарин, амалиётда бу органлар экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш комиссияси ташкил қилинишидан бошқа механизмлардан фойдалана олмаптилар.

Шу боис фуқаролар йиғинларининг жамоат экологик экспертизаси ўтказиш ваколатининг амалдаги ҳолати ўрганилганда, бу масалада жамоат экологик экспертизани тайинлаш, ўтказиш, қарор қабул қилиш,

хулосани тақдим этиш ва ижросини назорат қилиш масалалари бўйича тадбир амалга оширилганлиги, бирон-бир ҳужжат қабул қилинганлиги ёки ташаббус билан чиқиш ҳолатлари кузатилмади.

Бизнингча, мазкур ваколатнинг “ишлаб кетиши” учун биринчи навбатда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган “Жамоат экологик экспертизаси тўғрисида”ги намунавий Низом ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан “Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик экологик экспертизасини ўтказиш бўйича Йўриқнома” ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

“Жамоат экологик экспертизаси тўғрисида”ги намунавий Низомда жамоат экологик экспертиза тушунчаси, мақсадлари ва вазифалари, турлари, принциплари, жамоат экологик экспертизаси объеклари ва субъектлари, экспертиза ўтказувчи субъектларнинг, хусусан, ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, экспертиза объектининг молиявий масалалари, жамоат экологик экспертизасини ўтказишнинг ихтиёрийлиги ва қандай ҳолатда мажбурий бўлиши, жамоат экологик экспертизасини ўтказишда қўйиладиган талаблар ва тақдим этиладиган материаллар, экспертиза ўтказиш муддатлари каби масалалар ўрин олиши керак.

Шунингдек, ишлаб чиқилиши лозим бўлган “Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоат экологик экспертизасини ўтказиш бўйича Йўриқнома”да фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоат экологик экспертизасини ўтказиш тартиби ва босқичлари, жамоат экологик экспертизасини ўтказиш масалаларида (тайинлаш, рад қилиш, тўхтатиш, тугатиш, бекор қилиш тўғрисидаги қарорлар) қарор қабул қилиш ва унинг кучи масаласи, жамоат эшитуви, жамоат сўрови каби институтлар масалалари ўрин олиши лозим.

Албатта, жамоат экологик экспертизасини ўтказишда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуннинг роли жуда муҳимдир.

Ушбу Қонуннинг 11-моддаси 1-қисм 12-хатбосисига биноан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари бўлган шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинлари атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари юзасидан қарор қабул қилади. Улар шундай қарорни экологик экспертиза ўтказиш тўғрисида ҳам қабул қилиши мумкин.

Бундай қарор жамоат экологик экспертизасини ўтказиш учун асос бўлади. Қарор чиқарилиши учун эса қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

- фуқароларнинг бевосита мурожаатлари;
- фуқаролар йиғини аҳолисининг сўрови натижалари;

— фуқаролар йиғини аҳолисининг талабномаси;

— фуқаролар йиғини раисининг ташаббуси;

— фуқаролар йиғини экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш комиссиясининг мурожаати;

— давлат ҳокимияти ёки бошқаруви органларининг мурожаати;

— прокуратура органларининг ёки табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг тақдимномаси;

— суд органларининг ҳужжатлари;

— қонунда назарда тутилган ёки қонунга зид бўлмаган бошқа асосларда.

Ушбу асослар оғзаки, ёзма ёки электрон шаклларда бўлиши мумкин.

Мазкур қарорда жамоат экологик экспертиза ўтказувчи комиссияси аъзолари қаторига фуқаролар йиғини кенгаши вакилларида ташқари мутасаддислар (экспертлар)ни ҳам кўрсатиш мумкин.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қабул қилинадиган жамоат экологик экспертизаси тўғрисидаги қарорда экспертиза вазифаси ва объекти, уни ўтказиш муддати, экспертиза ўтказиш сабаби, қарор ижросини назорат қилувчилар, хулоса қисми ва бошқа масалалар ўрин олиши лозим.

Экспертиза ўтказувчи комиссия томонидан тегишли тадқиқот ва текширишлар ўтказиб бўлингандан кейин комиссия аъзоларининг имзоси билан тасдиқланадиган хулоса тузилади. Ушбу хулосада жамоат экологик экспертизаси ўтказилган сана ва жой; экспертизани ўтказиш асоси; экспертизани тайинлаган фуқаролар йиғини тўғрисида маълумотлар; жамоат экологик экспертизасини амалга оширувчи субъектлар ҳақида маълумотлар; уларнинг тегишли тартибда огоҳлантирилганлиги; экологик экспертизани ўтказувчи аъзоларнинг олдида қўйилган саволлар; экологик экспертиза объеклари, иш материаллари; текшириш ҳужжатлари, экспертиза ўтказилаётганда ҳозир бўлган шахслар ҳақида маълумотлар; қўлланилган усуллар кўрсатилган ҳолда текширишларнинг мазмуни ва натижалари, шунингдек бу текширишлар, кимлар томонидан ўтказилганлиги; текшириш натижаларининг баҳолалиши, қўйилган саволларга берилган асосли жавоблар; иш учун аҳамиятга молик бўлган ва фуқаролар йиғинининг ташаббусига кўра аниқланган ҳолатлар кўрсатилиши лозим.

Хулосани ва унинг натижаларини тасвирловчи материаллар ушбу хулосага илова қилинади ҳамда унинг таркибий қисми бўлиб хизмат қилади.

Мазкур хулоса тегишли идораларга, текширилган объектларга юборилади. Унинг натижаси тегишли ҳудуд фуқароларига эълон қилинади.

Шунингдек, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўтказадиган экологик экспертизанинг амалий жиҳатларини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Экологик экспертиза тўғри-

сида”ги Қонунида¹⁵ белгиланган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатига кирадиган жамоат экологик экспертизасини амалга ошириш тартибини ойдинлаштирадиган нормалар киритиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, жамоат экологик экспертизасининг жамият ҳаётидаги таъсирини кучайтириш ва ролини ошириш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда жавобгарлик масалаларини ҳал қилиш бўйича янги норма белгиланган ҳам бу борадаги самарали чора-тадбирлардан бири бўлиши мумкин.

Амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 96-моддасида¹⁶ давлат экологик экспертизасининг хулосасисиз лойиҳаларни амалга оширганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, бунда жамоатчилик иштироки назарда тутилмаган ёки жамоат экологик экспертизаси ҳақида ҳеч қандай норма мавжуд эмас.

Фикримизча, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга 96¹-модда киритиб, уни қуйидаги таҳрирда баён қилиш керак:

“96¹-модда. Жамоат экологик экспертизасининг ўтказилишига тўсқинлик қилиш

Жамоат бирлашмалари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларининг жамоат экологик экспертизаси ўтказиш ишларига тўсқинлик қилиш, улар талабларини асоссиз бажармаслик —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади”.

Шундай қилиб, жамоат экологик экспертизасини фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тегишли ҳудудда уларнинг ташаббус кўрсатиш ҳуқуқи ва бевосита иштироки асосида амалга оширишнинг самарали усулларини шакллантириш ва уни муттасил татбиқ қилиб бориш ҳамда бу борадаги тегишли қонунчиликни такомиллаштириш, ривожлантириш ва мувофиқлаштириш белгиланган мақсадларга эришишнинг ва бу борадаги самарадорликнинг таъминланишида муҳим кафолатлардан бири бўлиб хизмат қилади.



¹ Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон Республикаси экология ҳуқуқи., Дарслик., Т., 2006 й.; Й.О.Жўраев масъул муҳаррир. Р.Икрамов. Сиёсий партиялар ва оммавий-ижтимоий ҳаракатлар фаолиятида инсон экологик ҳуқуқлари масалалари.Т.2011. — Б.416.

² Бу ҳақда қаранг: “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонун. 2000 йил 24 май., www.Lex.uz

³ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 10-том. - Т. 2005. Б.168.

⁴ 2015 йил 10 апрелда И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. www.press-service.uz

⁵ www.press-service.uz

⁶ Холмўминов Ж.Т. Экология ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. — Тошкент: ИИВ Академияси, 2002. — Б. 59.; Жўраев Ю.А., Нурматов М.М. Экология ҳуқуқи фанидан ўқув-услубий мажмуа. — Тошкент: ТДЮИ, 2008.; Утегенов О.Д. Жамоат экологик назоратини ҳуқуқий тартибга солиш. Юрид.фан.номзоди ... диссертация. — Тошкент, 2010.; Нуридуллаев. А.А. Ўзбекистон Республикасида экологик экспертизани ҳуқуқий таъминлаш масалалари. Юрид.фан.номзоди ... диссертация. — Тошкент, 2011.;А.Нуридуллаев. Экологик муаммоларнинг олдини олишда экологик экспертиза тўғрисидаги қонунчиликнинг ўрни.// Тошкент давлат юридик институтида бўлиб ўтган “Баркамол авлодни тарбиялашда экологик қонунчиликнинг ўрни” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари (2010 й. 25 сент.),149-153 б., Сафаров Ж. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоат экологик назоратини амалга ошириш соҳасидаги ваколатларига оид қонун ҳужжатлари ва уларни янада такомиллаштириш истиқболлари. // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий ўқув курслари Ахборотномаси. №3 (27) 2016 йил. 40-42 б.

⁷ Утегенов О.Д. Жамоат экологик назоратини ҳуқуқий тартибга солиш. Юрид.фан.номзоди ... диссертация. — Тошкент, 2010.

⁸ Нуридуллаев А. Жамоат экологик экспертизаси: тушунчаси, аҳамияти ва ривожлантириш истиқболлари // ТДЮИ Ахборотномаси. — Тошкент, 2010. — №1. — Б. 85.

⁹ Жўраев Ю.А., Нурматов М.М. Экология ҳуқуқи фанидан ўқув-услубий мажмуа. — Тошкент: ТДЮИ, 2008. — Б.78.

¹⁰ Сафаров Ж. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоат экологик назоратини амалга ошириш соҳасидаги ваколатларига оид қонун ҳужжатлари ва уларни янада такомиллаштириш истиқболлари. // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий ўқув курслари Ахборотномаси. №3 (27) 2016 йил. 41 б.

¹¹ З.Рузиев. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари (Конституциявий-ҳуқуқий таҳлил). Юридик фанлари доктори... Дисс. Автореферати. Т. 2016 й.-Б.96.

¹² С.А.Боголюбова. Экологическое право —М.:Издательство Юрайт; ИДЮрайт. 2011. - Ст. 199.; Бринчук М.М. Экологическое право (право окружающей среды): Учебник. М.: Юрист, 1998; 2000., Крассов О.И. Экологическое право: Учебник. — М.: Дело, 2001. — 768 с.; Васильева М.И. Экологические права граждан. Основы теории: Учебное пособие. Тверь, 1999.; Дубовик О.Л. Экологическое право. М.: Проспект, 2003.; Колбасов О.С. Международно-правовая охрана окружающей среды. М., 1982.

¹³ Ўзбекистон Республикаси “Муҳофазат этилаидиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонун. www.Lex.uz

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонуни. www.Lex.uz

¹⁵ Бу ҳақда батафсил қаранг: “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонунинг 23- моддаси. www.Lex.uz сайтыда.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодекс.// www.Lex.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қарори

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШГА ОИД ҚОНУНЛАРНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ ТЎҒРИСИДА

2016 йил 27 декабрдаги
№27

Суд амалиётида ҳукм, ажрим ва қарорларни ижро этишда масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан ҳамда қонунларнинг бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, қонуний кучга кирган суд ҳукми, ажрими ва қарорларини ижро этиш жараёнида қатор ҳуқуқий масалалар келиб чиқиши мумкин бўлиб, улар Жиноят процессуал кодексининг (кейинги ўринларда ЖПК деб юритилади) 58 ва 59-бобларига мувофиқ фақат суд мажлисида ҳал этилади.

2. ЖПК 528-моддасига мувофиқ, суд ҳукми апелляция шикоят (протести) бериш учун белгиланган муддат ўтгандан сўнг, апелляция шикоят (протести) берилган ҳолларда эса, иш юқори турувчи суд томонидан кўрилган куни қонуний кучга киради.

Апелляция шикоят (протести) берган шахс уни ЖПК 497-8-моддасига асосан чақириб олган ҳолларда, башарти, бошқа шахслар томонидан берилган апелляция шикоят (протести) ёки прокурор протести бўлмаसा, ҳукм ЖПК 528-моддаси қонунига кўра, апелляция иш юритиши тугатилганлиги тўғрисида ажрим чиқарилган куни қонуний кучга кирган ҳисобланади.

Мустақил равишда шикоят берилмайдиган суд ажримлари дарҳол қонуний кучга киради ва ижрога қаратилади (ЖПК 530-моддаси иккинчи қисми). Уларнинг қонунийлиги ва асослилигига юқори инстанция суди томонидан ишни мазмунан кўриб чиқиш натижалари бўйича баҳо берилади.

3. Ҳукм, ажрим ва қарорларни (бундан буён матнда-ҳукми) ижро этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш бўйича иш юритиш ЖПК 59-бобида назарда тутилган. Уларга қуйидаги масалалар киради:

ҳукм ижросини кечиктириш (ЖПК 533-моддаси) тўғрисида;

маҳкумни касаллиги туфайли жазони ўташдан озод қилиш (ЖПК 534-моддаси) тўғрисида;

жазонинг шартлилигини бекор қилиш (ЖПК 535-моддаси) тўғрисида;

маҳкумни жазони ўташдан шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш (ЖПК 536-моддаси) тўғрисида;

маҳкумни жазони ўташдан амнистия актига асосан озод қилиш (ЖПК 536-1-моддаси) тўғрисида;

жазони ўташ вақтида озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг сақлаш шартларини ўзгартириш (ЖПК 537-моддаси) тўғрисида;

маҳкумни тергов ҳибсхонасига жойлаштириш (ЖПК 538-моддаси) тўғрисида;

жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш жазоларини бошқа жазо чоралари билан алмаштириш (ЖПК 539-моддаси) тўғрисида;

ҳукмларнинг фуқаровий даъвога ва бошқа мулк ишлари ундирувларга оид қисмини ижро этишда юзага келган масалаларни ҳал этиш (ЖПК 539-1-моддаси) тўғрисида;

ҳукмларни бошқа ижро этилмаган ҳукмлар мавжуд бўлганда ижро этиш (ЖПК 540-моддаси) тўғрисида;

синов муддатини қисқартириш (ЖПК 543-моддаси) тўғрисида;

судланганлик ҳолатини олиб ташлаш (ЖПК 544-моддаси) тўғрисида;

ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ вақтини маҳкумнинг умумий иш стажига қўшиш (ЖПК 545-моддаси) тўғрисида;

хизмат бўйича чеклаш, интизомий қисмда сақлаш вақтини ҳарбий хизмат муддати ҳисобига киритиш (ЖПК 546-моддаси) тўғрисида.

4. Суд озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахсга нисбатан ҳукм ижросини, фақат ЖПК 533-моддасида назарда тутилган асослардан бири мавжуд бўлганда, кечиктириши мумкин. Кечиктириш учун асос бўлган ҳолатлар барҳам топгандан ёки суд томонидан белгиланган кечиктириш

муддати тугагандан сўнг ҳукм уни чиқарган суд томонидан ижрога қаратилиши шарт, амнистия акти қўлланилган ёки қилмишнинг жиноийлигини истисно этадиган янги қонун қабул қилинган ҳоллар бундан мустасно.

5. Жиноят-процессуал кодекси 533-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ суд ҳукмининг жарима солишга оид қисми ижросини олти ойгача кечиктириши мумкин.

Шуни назарда тутиш лозимки, қонуннинг мазкур нормасида ҳукмининг жаримага ёки зиённи қоплашга оид қисми бўйича тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш (ижрони узайтириш) учун белгиланадиган муддат чегараланмаган. Бундай ҳолларда бўлиб-бўлиб тўлаш даври, шунингдек, ойлик тўловлар суммаси, суд томонидан ишнинг муайян ҳолатларини ва маҳкумнинг моддий аҳволини эътиборга олиб ҳал қилинади.

6. Агар шахс жазони ўташ даврида сурункали руҳий ёки бошқа оғир касалликка чалинган бўлса ва бу ҳолат жазони ўташга тўсқинлик қилса, қонун уни жазодан озод қилишга йўл қўяди (ЖК 75, ЖПК 534-моддалари).

Мазкур масалани ҳал этишда судлар шуни назарда тутишлари лозимки, сурункали руҳий касалликка чалинган шахсни жазодан озод қилиш учун содир этилган жиноятнинг хусусияти ва оғирлиги, шахснинг хулқ-атвори, тайинланган ва ўталган жазо муддати ҳамда бошқа ҳолатлар аҳамият касб этмайди. Бошқа турдаги оғир касалликка чалинган шахсни жазодан озод қилиш учун суд маҳкумнинг касали Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 13 августдаги 12/9-сонли қўшма қарори билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2008 йил 9 сентябрда 1854-сон билан рўйхатга олинган "Маҳкумларни касаллиги туфайли жазони ўташдан озод қилишга тақдим этиш учун асос бўладиган касалликлар рўйхати"га киритилганлигини инобатга олиши шарт.

7. Шартли ҳукм қилинганда тайинланган синов муддатини қисқартириш масаласи (ЖПК 543-моддаси) суд томонидан шартли ҳукм қилинган шахс хулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномаси, шунингдек, маҳкум ёки унинг ҳимоячиси ёхуд жамоат бирлашмаси ёки жамоатчилик илтимосномаси бўйича кўриб чиқилади (ЖПК 532, 40-моддалари).

8. Жиноят кодекси 72-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, суд синов муддати давомида шартли ҳукм қилинган шахс хулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномаси бўйича шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан:

муқаддам белгиланган мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкин, башарти маҳкум унга

юклатилган мажбуриятларни виждонан бажараётганлиги, яшаш, ишлаш, ўқиш ёки хизмат жойида ижобий тавсифланаётганлиги, унинг хулқи устидан шикоят келиб тушмаганлиги, шунингдек, бошқа ҳолатлар (ҳомиладорлик ёки бола туғилиши, пенсия ёшига тўлиши, ногиронлик ва ҳ.к.) аниқланса;

янги мажбуриятлар юклаши мумкин, башарти маҳкум унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органга унга нисбатан юклатилган мажбуриятларга риоя этаётганлиги тўғрисида хабар бермаганлиги, ушбу мажбуриятларни бажармаганлиги, ўша орган чақируви бўйича етиб келмаганлиги, шунингдек, маҳкумга бошқа мажбуриятлар юклаш мақсадга мувофиқлигидан далолат берувчи бошқа ҳолатлар аниқланса.

9. Агар маҳкум синов муддати давомида суд томонидан унга юклатилган мажбуриятларни бажармаси ёки жамоат тартибини ёхуд меҳнат интизомини бузса, суд унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномаси бўйича жазонинг шартлилигини бекор қилиш ва ҳукмда белгиланган жазони ижро этиш тўғрисида (ЖК 72, ЖПК 535-моддалари) ажрим чиқариши мумкин.

Бунда суд томонидан юклатилган мажбуриятларнинг маҳкум томонидан бажарилмаслиги деганда, шартли ҳукм қилинган шахснинг белгиланган муддатда етказилган зиённи қоплашдан, ишга ёки ўқишга жойлашишдан бош тортиши, унинг хулқи устидан назоратни амалга оширувчи органга яшаш, ишлаш ёки ўқиш жойи ўзгарганлиги тўғрисида хабар бермаслиги, мазкур органга вақти-вақти билан рўйхатдан ўтиш учун келмаслиги, суд томонидан тақиқланган жойларга бориши, белгиланган вақтда яшаш жойида бўлмаслиги, алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик ёки таносил касалликларига қарши даволаниш курсини ўташдан бош тортиши тушунилиши лозим.

Маҳкум томонидан жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузиш у томонидан синов муддати давомида, тегишлича, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ёки меҳнат қонунчилигида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этишда ифодаланиб, улар фақат шахсга нисбатан маъмурий жазо ёки интизомий таъсир чоралари қўлланилгандагина, жазонинг шартлилиги бекор қилинишига олиб келади.

Жиноят кодекси 72-моддаси олтинчи қисми мазмунига кўра, суд содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусиятини, маҳкумнинг шахсига оид маълумотларни ва унинг синов муддати давридаги хулқ-атворини инобатга олиб, жазонинг шартлилигини бекор қилиш тўғрисидаги тақдимномани рад этиши мумкин.

10. Шартли ҳукм қилинган шахс томонидан синов муддати давомида янги жиноят содир этилган-

да, суд унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномаси бор-йўқлигидан қатъи назар, янги ҳукм чиқариш пайтида биринчи ҳукм бўйича тайинланган жазонинг шартлилигини бекор қилади ва ЖК 60-моддаси қоидалари бўйича жазо тайинлайди.

11. Агар амнистия акти ҳукм қонуний кучга киргунга қадар эълон қилинган бўлса, уни қўллаш масаласи ҳукм чиқарган суд томонидан ҳукмни ижро этишда юзага келган ноаниқлик сифатида (ЖПК 541-моддаси биринчи қисми), маҳкум томонидан унга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисида илтимоснома берилганлиги ёки берилмаганлигидан қатъи назар, кўриб чиқилиши лозим.

Агар амнистия акти ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, лекин у ижрога қаратилгунга қадар (ЖПК 528-моддасининг учинчи қисми) эълон қилинган бўлса, амнистия актини қўллаш масаласи амнистия актида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Амнистия акти ҳукм қонуний кучга кирган ва ижрога қаратилганидан кейин эълон қилинган ҳолларда, уни қўллаш тўғрисидаги масала ЖПК 536-1-моддасида белгиланган тартибда маҳкум жазо ўтаётган жойдаги суд томонидан кўриб чиқилиши лозим.

12. Суд қарорларининг тўлиқ ва тушунарлилиги уларни самарали ижро этишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланиши туфайли ҳар бир ҳукм ЖПК 457-моддасига кўра, ҳукм чиқариш чоғида суд ҳал этиши шарт бўлган барча масалаларга жавобларни ўзида акс эттириши лозим. Айблов ёки оқлов ҳукмининг қарор қисмида ЖПК 468, 470 ва 471-моддаларида назарда тутилган масалалар шундай тарзда ҳал қилиниши ва баён этилиши лозимки, токи ҳукм ижроси пайтида ҳеч қандай қийинчилик юзага келмасин.

13. Тушунтирилсинки, суд зарурат туғилганда, ҳукм чиқариш пайтида йўл қўйилган ҳар қандай шубҳа ва ноаниқликларни ЖПК 542-моддаси тартибида ҳукм моҳиятини ўзгартирмаган ва маҳкумининг аҳволини оғирлаштирамаган ҳолда ҳал этишга ҳақли. Бундай масалаларга, жумладан, қуйидагилар қиради:

1) ҳукм чиқарилгунга қадар эълон қилиниб, жазодан озод қилишни ёки жазони қисқартиришни (камайтиришни) назарда тутувчи амнистия актини қўллаш тўғрисидаги, агар суд ҳукм чиқариш пайтида мазкур масала муҳокамасига киришмаган бўлса;

2) эҳтиёт чорасини бекор қилиш тўғрисидаги, агар судланувчи оқланган ёки у жазодан озод қилиниб, суднинг айблов ҳукмида эҳтиёт чорасини бекор қилиш кўрсатилмаган бўлса;

3) суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан ҳукмининг фуқаровий даъвога оид қисми ижросини

таъминлаш учун (ЖПК 290-моддаси биринчи қисми) қўлланилган мол-мулкни хатлаш чорасини бекор қилиш тўғрисидаги, агар оқлов ҳукми чиқарилганда ёки даъво рад этилганда бу чоралар ҳукмда бекор қилинмаган бўлса;

4) ушлаб туриш, дастлабки қамоқ, уй қамоғи вақтини жазони ўташ муддатига қўшиб ҳисоблаш тўғрисидаги, агар суд ҳукмида бундай ҳисоблаш амалга оширилмаган ёки уни ҳисоблашда ноаниқликка йўл қўйилган бўлса;

5) бир неча ҳукм мажмуи бўйича жазо тайинлашда ўталган жазони қўшиб ҳисоблаш тўғрисидаги, агар бундай ҳисоб суд ҳукмида амалга оширилмаган ёки ноаниқ ҳисобланган бўлса;

6) ашёвий далиллар тақдири, шу жумладан, жиноят қуролларини мусодара қилиш тўғрисидаги, агар бу ҳукмда ёки амнистия актини қўллаш ҳақидаги суд ажримиди ҳал этилмаган бўлса;

7) суд харажатлари миқдорини аниқлаш ва уларни тақсимлаш тўғрисидаги, агар бу масалалар суд ҳукмида ўз ечимини топмаган бўлса;

8) суд томонидан тайинланган адвокат меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги, агар бу масала ҳукм чиқариш билан бир вақтда ҳал этилмаган бўлса;

9) озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган шахснинг қаровсиз ва ёрдамчисиз қолган вояга етмаган болалари, кекса ота-оналари, бошқа қармоғида бўлган шахслар тақдири (уларни қариндошлари ёки бошқа шахслар ёхуд муассасалар ҳомийлиги ёки васийлигига бериш) тўғрисидаги, агар суд бу масалаларни ҳукм чиқариш пайтида ҳал этмаган бўлса;

10) мол-мулкни рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги, агар қонунга кўра, ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулк хатланган бўлса;

11) озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахснинг қаровсиз қолган мол-мулкни қўриқлаш чораларини қўллаш тўғрисидаги;

12) озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахс учун жазони ўташ колонияси турини белгилаш тўғрисидаги, агар ҳукмда жазони ўташ колонияси тури белгиланмаган бўлса;

13) лавозим ёки фаолият турини аниқлаш тўғрисидаги, агар ҳукмда муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони тайинлашда лавозим ёки фаолият тури белгиланмаган бўлса;

14) алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш (ЖК 96-моддаси) тўғрисидаги, агар суд асослар мавжуд бўла туриб, ҳукм чиқариш пайтида ушбу масалани ҳал этмаган бўлса;

15) маҳкумнинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки шахсига доир бошқа маълумотларни ёзишда ҳукмда йўл қўйилган хатоларни, шунингдек, арифметик ва/ёки имло хатоларни бартараф этиш тўғрисидаги, агар бу аниқ кўриниб турган бўлиб, уларнинг тузатилиши шубҳа туғдирмаса;

16) жиноят қуроли деб топилган мол-мулк ва буюмларни қайтариш тўғрисидаги, агар бу масала оқлов ҳукми чиқарилган ёки жиноят иши реабилитация асослари бўйича тугатилган пайтда ҳал этилмаган бўлса;

17) гаров предмети тақдири тўғрисидаги, агар суд ҳукм чиқариш пайтида мазкур масалани ҳал қилмаган бўлса;

18) депозитга қўйилган пул маблағлари тақдири тўғрисидаги, агар суд ҳукм чиқариш пайтида мазкур масалани ҳал қилмаган бўлса;

19) жиноят қуроли ёки жиноят йўли билан ортирилган деб топилган мол-мулк ва буюмлар рўйхатига аниқлик киритиш тўғрисидаги, агар ҳукмда уларнинг фақат бир қисми мусодара этилиши кўрсатилган бўлса;

20) жарима ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсдан ушлаб қолинган суммаларни қайтариб бериш тўғрисидаги, агар ҳукм юқори турувчи суд томонидан кейинчалик, жарима қисман ёки тўлиқ тўлангандан ёхуд ахлоқ тузатиш ишлари қисман ёки тўлиқ ўталгандан кейин, бекор қилинган ва иш ЖПК 83-моддаси ёки 84-моддаси биринчи қисмининг 1,2, 4-8- бандларига мувофиқ тугатилган бўлса;

21) шартли ҳукм қилинган шахсга юклатилган мажбуриятларга аниқлик киритиш тўғрисидаги, агар улар ҳукмда ноаниқ баён этилган бўлса;

22) озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахсга нисбатан белгиланган тақиқ (чеклов) ларга аниқлик киритиш тўғрисидаги, агар улар ҳукмда ноаниқ баён этилган бўлса.

14. Суд томонидан ЖПК 542-моддаси тартибда қуйидаги масалалар ҳам кўриб чиқилади:

1) озодликдан маҳрум қилинган ёки озодлиги чекланган ва қидирув эълон қилинган маҳкумга нисбатан эҳтиёт чорасини қўллаш ёки бекор қилиш тўғрисидаги;

2) озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахсга нисбатан белгиланган тақиқ (чеклов) ларни тўлиқ ёки қисман бекор қилиш тўғрисидаги;

3) маҳкумни меҳнат қобилиятини йўқотганлиги туфайли жазони ўташдан озод қилиш тўғрисидаги;

4) жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан маҳкумни асосий ва қўшимча жазодан озод қилиш тўғрисидаги;

5) тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари муд-

датини узайтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги (ЖК 95-моддаси).

15. Ҳукми ижро этиш билан боғлиқ масалалар қуйидаги судлар томонидан ҳал этилади:

ЖПК 541-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган масалалар — ҳукм чиқарган суд томонидан, яъни биринчи инстанция ёки апелляция инстанцияси (оқлов ҳукми чиқарилганда) суди томонидан;

ЖПК 541-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган масалалар — маҳкум жазони ўтаётган жойдаги (илтимоснома ёки тақдимнома судга келиб тушганидан сўнг маҳкум бошқа жазони ижро этиш колониясига ўтказилганда, у амалда жазони ўтаётган жойдаги) туман (шаҳар) суди томонидан;

ЖПК 541-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган масалалар — маҳкумнинг яшаш жойидаги туман (шаҳар) суди томонидан.

Ҳукми ижро этиш билан боғлиқ, ЖПК 541-моддасида назарда тутилган масалалар, иш апелляция, кассация, назорат инстанциясида кўрилганлигидан қатъи назар, юқорида кўрсатилган судлар томонидан ҳал этилади.

Ҳукми ижро этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда судловга тегишлилик қоидаси бузилиши жиноят-процессуал қонунини бузиш ҳисобланади.

16. Ҳукми ижро этиш билан боғлиқ масалалар бўйича илтимоснома ёки тақдимнома судга келиб тушганида, суд қуйидагиларни текширади:

у мазкур судда кўрилиши лозим ёки йўқлигини;

у тегишли шахс ёки ваколатли орган томонидан берилган-берилмаганлигини;

унга масалани мазмунан ҳал этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва тегишли суд қарорлари нусхалари илова этилган-этилмаганлигини.

Агар келиб тушган материалларда илтимоснома ёки тақдимномани кўриб чиқиш учун етарли маълумотлар мавжуд бўлмаса ва уларни суд мажлисида тўлдиришнинг иложи бўлмаса, уларни кўришга тайёрлаш чоғида судья ўз ажрими билан бу материалларни тегишли равишда расмийлаштириш учун қайтаради. Жазони ижро этиш муассасаси ёки органи маъмурияти тақдим этиши шарт бўлган ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолда суд маҳкум, унинг қонуний вакили ёки ҳимоячисининг илтимосномасини қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас. Суд маҳкум, унинг қонуний вакили ёки ҳимоячиси, шунингдек, жазони ижро этиш муассасаси ёки органи маъмуриятига зарур маълумотларни тўплашда кўмаклашиши лозим.

Материалларни кўришга тайёрлаш чоғида судья суд мажлиси жойи, санаси ва вақтига, суд мажлиси иштирокчиларини хабардор қилишга доир масалаларни ҳал этади.

Жиноят-процессуал кодексининг 542-моддасига мувофиқ ҳукми ижро этиш билан боғлиқ масалаларга оид материалларни кўришда прокурор иш-тироқи мажбурий ҳисобланади.

17. Жиноят-процессуал кодекси 59-бобида суд томонидан ҳукми ижро этиш билан боғлиқ материалларни кўриб чиқиш муддатларини тартибга солувчи норма мавжуд эмаслиги туфайли судлар ЖПК 585-моддаси биринчи қисми ва 590-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган қоидалар аналогияси бўйича, материаллар судга келиб тушган пайдан эътиборан ўн суткадан кечиктирмай, уларни ҳал этишни таъминлашлари лозим.

18. Жиноят-процессуал кодекси 22-моддаси учинчи қисми қоидаларидан келиб чиқиб, ҳукми ижро этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш натижалари бўйича чиқарилган суд ажримлари қонуний ва асослантирилган бўлиши керак. ЖПК 59-бобида белгиланган тартибда суд, жумладан, жазони алмаштириш, енгиллаштириш, жазони ўташдан озод қилиш масалаларини ҳам ҳал этишини

инобатга олган ҳолда суд ажрими, шунингдек, жиноят-ҳуқуқий одиллик принципига ҳам жавоб бериши шарт.

Ҳукми ижро этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш натижалари бўйича чиқарилган суд ажрими апелляция шикояти (протести) бериш учун белгиланган муддат ўтиши билан қонуний кучга киради (ЖПК 497-9-моддаси).

19. Ҳукми ижро этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқаётган суд ушбу масалаларга оид материалларни кўриш чоғида жазони ижро этиш муассасаси ёки органи маъмурияти томонидан қонун талаблари бузилиши ҳолатларини аниқласа, хусусий ажрим чиқаришга ҳақли.

20. Жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва унга тенглаштирилган судлар вақти-вақти билан ҳукми ижро этиш билан боғлиқ материалларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиётини умумлаштиришлари ва йўл қўйилган қонун бузилишларини ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўришлари лозим.



Олий суд раиси
Пленум котиби,
Олий суд судьяси

Ш. ГАЗИЕВ
Д. КАМИЛОВ

Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан

О ПРАКТИКЕ ПРИМЕНЕНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА ОБ ИСПОЛНЕНИИ ПОСТАНОВЛЕНИЙ СУДОВ ПО УГОЛОВНЫМ ДЕЛАМ

27 декабря 2016 года
№ 27

В связи с вопросами, возникающими в судебной практике при исполнении приговоров, определений и постановлений, и в целях обеспечения единообразного и правильного применения норм законодательства, руководствуясь статьей 17 Закона "О судах", Пленум Верховного суда Республики Узбекистан

ПОСТАНОВЛЯЕТ:

1. Обратить внимание судов, что в процессе исполнения вступившего в законную силу приговора, определения, постановления суда может возникнуть ряд правовых вопросов, которые в соответствии с главами 58 и 59 УПК решаются только в судебном заседании.

2. В соответствии со статьей 528 УПК приговор суда вступает в законную силу по истечении срока на апелляционное обжалование (опротестование), а в случае апелляционного обжалования (опротестования), — в день рассмотрения дела вышестоящим судом.

В тех случаях, когда лицо, подавшее апелляционную жалобу (протест), отзывает ее (его) на основании статьи 497-8 УПК, при отсутствии апелляционных жалоб других лиц или протеста прокурора приговор, исходя из положения части второй статьи 528 УПК, считается вступившим в законную силу в день вынесения определения о прекращении апелляционного производства.

Определения суда, не подлежащие самостоятельному обжалованию в апелляционном порядке, вступают в законную силу и обращаются к исполнению немедленно (часть вторая статьи 530 УПК). Их законность и обоснованность оценивается судом вышестоящей инстанции по результатам рассмотрения дела по существу.

3. Производство по рассмотрению и разрешению вопросов, связанных с исполнением приговора, определения, постановления (далее по тексту - приговора), предусмотрено главой 59 УПК. К таковым относятся вопросы:

- об отсрочке исполнения приговора (статья 533 УПК);
- об освобождении осужденного от отбывания наказания по болезни (статья 534 УПК);
- об отмене условного осуждения (статья 535 УПК);
- об условно-досрочном освобождении осужденного от наказания и замене наказания более мягким (статья 536 УПК);

об освобождении осужденного от наказания на основании акта амнистии (статья 536-1 УПК);

об изменении условий содержания лиц, осужденных к лишению свободы, во время отбывания наказания (статья 537 УПК);

о помещении осужденного в следственный изолятор (статья 538 УПК);

о замене штрафа, исправительных работ, ограничения свободы другими мерами наказания (статья 539 УПК);

о разрешении вопросов, возникающих при исполнении приговоров в части гражданского иска и других имущественных взысканий (статья 539-1 УПК);

об исполнении приговоров при наличии других неисполненных приговоров (статья 540 УПК);

о сокращении испытательного срока (статья 543 УПК);

о снятии судимости (статья 544 УПК);

о включении в общий трудовой стаж осужденного времени отбывания исправительных работ (статья 545 УПК);

о зачете времени ограничения по службе, содержания в дисциплинарной части в срок военной службы (статья 546 УПК).

4. Суд может отсрочить исполнение приговора в отношении лица, осужденного к лишению свободы, лишь при наличии одного из оснований, предусмотренных в части первой статьи 533 УПК. После отпадения обстоятельств, послуживших основанием для применения отсрочки, или истечения установленных судом сроков отсрочки, приговор подлежит обращению к исполнению судом, вынесшим приговор, за исключением случаев применения акта амнистии или принятия нового закона, устраняющего преступность деяния.

5. В соответствии с частью второй статьи 533 УПК суд вправе отсрочить исполнение приговора в части наложения штрафа на срок до шести месяцев.

Следует иметь в виду, что в данной норме закона не установлен предельный срок для рассрочки исполнения приговора в части наложения штрафа или возмещения вреда. Период рассрочки, а также суммы ежемесячных выплат в таких случаях решаются судом с учетом конкретных обстоятельств дела и материального положения осужденного.

6. Закон допускает возможность освобождения от наказания лица, если он во время отбывания наказания заболел хронической психической или иной тяжелой болезнью, препятствующей отбыванию наказания (статьи 75 УК, 534 УПК).

При разрешении данного вопроса судам необходимо иметь в виду, что для освобождения от наказания лица, страдающего хронической психической болезнью, не имеют значения характер и тяжесть совершенного преступления, поведение лица, продолжительность назначенного и отбытого срока наказания и другие обстоятельства. Для освобождения от наказания лица, заболевшего иной тяжелой болезнью, суд обязан учитывать то, что заболевание осужденного подпадает под Перечень заболеваний, являющихся основанием для представления осужденных к освобождению от наказания ввиду болезни, утвержденный совместным постановлением Министерства внутренних дел и Министерства здравоохранения Республики Узбекистан от 13 августа 2008 года № 12/9 и зарегистрированного в Министерстве юстиции от 9 сентября 2008 года за № 1854.

7. Вопрос о сокращении испытательного срока, установленного при условном осуждении (статья 543 УПК), рассматривается судом по представлению органа, осуществляющего контроль за поведением условно осужденного, а также по ходатайству осужденного или его защитника либо общественного объединения или коллектива (статьи 532, 40 УПК).

8. В соответствии с частью пятой статьи 72 УК суд по представлению органа, осуществляющего контроль за поведением условно осужденного, может в течение испытательного срока:

отменить полностью или частично ранее установленные для осужденного обязанности, если установит, что он добросовестно выполняет возложенные на него судом обязанности, положительно характеризуется по месту жительства, работы, учебы или службы, жалоб на его поведение не поступало, а также, если установит иные обстоятельства (беременность или рождение ребенка, достижение пенсионного возраста, инвалидность и др.);

дополнить ранее установленные для осужденного обязанности, если придет к выводу, что он не сообщает органу, осуществляющему контроль за его поведением, о соблюдении возложенных на него обязанностей, не исполнял эти обязанности, не являлся по вызову в указанный орган, а также, если установит иные обстоятельства, свидетельствующие о целесообразности возложения на осужденного других обязанностей.

9. Если осужденный в течение испытательного срока не выполняет возложенные на него судом обязанности либо допускает нарушения общественного порядка или трудовой дисциплины, по представлению органа, осуществляющего контроль за его поведением, суд может вынести определение об отмене условного осуждения и исполнения наказания, назначенного по приговору (статьи 72 УК, 535 УПК).

Под невыполнением осужденным возложенных су-

дом обязанностей при этом следует понимать отказ условно осужденного от возмещения причиненного вреда в определенный срок, от устройства на работу или учебу, неуведомление органа, осуществляющего контроль за его поведением, об изменении места жительства, работы или учебы, неявка периодически в этот орган для регистрации, посещение запрещенных судом мест, не нахождение в определенное время по месту жительства, отказ от прохождения курса лечения от алкоголизма, наркомании, токсикомании или венерического заболевания.

Нарушение общественного порядка или трудовой дисциплины осужденным выражается в совершении им в течение испытательного срока правонарушений, предусмотренных, соответственно законодательством об административной ответственности либо трудовым законодательством, и влечет отмену условного осуждения лишь при применении к лицу мер административного взыскания или дисциплинарного воздействия.

По смыслу части шестой статьи 72 УК, с учетом характера совершенного правонарушения, данных о личности осужденного и его поведении во время испытательного срока суд может отклонить представление об отмене условного осуждения.

10. В случае совершения условно осужденным в течение испытательного срока нового преступления суд, независимо от наличия представления органа, осуществляющего контроль за его поведением, при постановлении нового приговора отменяет условное осуждение по первому приговору и назначает наказание по правилам статьи 60 УК.

11. Если акт амнистии издан до вступления приговора в законную силу, вопрос о его применении подлежит рассмотрению судом, постановившим приговор, как неясность, возникшая при приведении приговора в исполнение (часть первая статьи 541 УПК), независимо от подачи осужденным ходатайства о применении к нему акта амнистии.

Если акт амнистии издан после вступления приговора в законную силу, но до его обращения к исполнению (часть третья статьи 528 УПК), вопрос о применении акта амнистии решается в порядке, установленном актом амнистии.

В тех случаях, когда акт амнистии издан после вступления приговора в законную силу и обращения его к исполнению, вопрос о его применении подлежит рассмотрению судом по месту отбывания осужденным наказания в порядке, установленном статьей 536-1 УПК.

12. В связи с тем, что полнота и ясность судебных решений является одним из важных условий эффективности их исполнения, каждый приговор должен содержать в себе ответы на все вопросы, которые согласно статье 457 УПК суд обязан разрешить при постановлении приговора. В резолютивной части обвинительного или оправдательного приговора вопросы, предусмотренные статьями 468, 470 и 471 УПК, должны быть решены и изложены так, чтобы при исполнении приговора не возникало никаких затруднений.

13. Разъяснить, что суд при возникшей необходимости вправе устранить в порядке статьи 542 УПК всякого рода сомнения и неясности, допущенные при постановлении приговора, решение которых не затрагивает существо приговора и не влечет ухудшения положения осужденного. К таким, в частности, относятся вопросы:

1) о применении акта амнистии, изданного до вынесения приговора, предусматривающего освобождение от наказания либо сокращение (снижение) наказания, если суд при постановлении приговора не входил в обсуждение данного вопроса;

2) об отмене меры пресечения, если при оправдании подсудимого или освобождении его от наказания в обвинительном приговоре суда не указано об отмене меры пресечения;

3) об отмене ареста имущества, наложенного дознавателем, следователем или судом для обеспечения исполнения приговора в части гражданского иска (часть первая статьи 290 УПК), если при вынесении оправдательного приговора или отказе в иске приговором эти меры не отменены;

4) о зачете времени задержания, предварительного заключения, домашнего ареста в срок отбытия наказания, если такой зачет не произведен приговором суда либо допущена неточность при его исчислении;

5) о зачете отбытого наказания при назначении наказания по нескольким приговорам, если такой зачет не произведен приговором суда либо произведен неточно;

6) о судьбе вещественных доказательств, в том числе конфискации орудия преступления, если она не решена приговором или определением суда о применении акта амнистии;

7) об определении размера и распределении судебных издержек, если эти вопросы не получили разрешения в приговоре суда;

8) об оплате труда адвоката, участвовавшего в деле по назначению суда, если этот вопрос не разрешен одновременно с вынесением приговора;

9) о судьбе несовершеннолетних детей, престарелых родителей, других иждивенцев, остающихся без присмотра и помощи, лица, осужденного к лишению свободы (передача их на попечение или под опеку родственников либо других лиц или учреждений), если суд не решил эти вопросы при вынесении приговора;

10) об освобождении имущества от ареста, если арест наложен на имущество, на которое по закону не допускается обращение взыскания;

11) о принятии мер к охране имущества или жилища осужденного к лишению свободы лица, остающихся без присмотра;

12) об определении вида колонии по исполнению наказания лицу, осужденному к лишению свободы, если в приговоре не определен вид колонии по исполнению наказания;

13) об уточнении должности или вида деятельности, если в приговоре суда при назначении наказания

в виде лишения права занимать определенные должности или заниматься определенной деятельностью, неточно определены должность или вид деятельности;

14) о применении мер медицинского характера к лицам, страдающим алкоголизмом, наркоманией или токсикоманией (статья 96 УК), если суд при вынесении приговора при наличии оснований не решил данный вопрос.

15) об устранении ошибок, допущенных в приговоре при написании фамилии, имени, отчества или иных данных, касающихся личности осужденного, а также арифметических и/или грамматических ошибок, если это очевидно и их исправление не может вызвать сомнения;

16) о возврате вещей и предметов, признанных орудиями преступления, если этот вопрос не разрешен при вынесении оправдательного приговора или прекращении уголовного дела по реабилитирующим основаниям;

17) о судьбе предмета залога, если суд при постановлении приговора не разрешил данный вопрос;

18) о судьбе денежных средств, внесенных на депозитный счет, если суд при постановлении приговора не разрешил данный вопрос;

19) об уточнении перечня вещей и предметов, признанных в качестве орудия преступления или нажитых преступным путем, если в приговоре указано на конфискацию лишь их части;

20) о возвращении удержанных сумм с осужденного к штрафу или исправительным работам, если приговор впоследствии отменен вышестоящим судом и дело прекращено в соответствии со статьей 83 или пунктами 1, 2, 4-8 части первой статьи 84 УПК после частичной или полной выплаты штрафа либо частичного или полного отбытия осужденным исправительных работ;

21) об уточнении обязанностей, возложенных на условно осужденного лица, если они освещены в приговоре неясно;

22) об уточнении запретов (ограничений), установленных в отношении осужденного к наказанию в виде ограничения свободы, если они освещены в приговоре неясно.

14. Судом в порядке статьи 542 УПК рассматриваются также вопросы:

1) о применении или отмены меры пресечения осужденному к лишению или ограничению свободы, в отношении которого объявлен розыск;

2) об отмене полностью или частично установленных в отношении осужденного к наказанию в виде ограничения свободы запретов (ограничений);

3) об освобождении осужденного от отбывания наказания вследствие утраты трудоспособности;

4) об освобождении осужденного от основного и дополнительного наказания вследствие истечения сроков давности исполнения наказания;

5) о продлении, изменении или прекращении применения принудительных мер медицинского характера (статья 95 УК).

15. Вопросы, связанные с приведением приговора в исполнение, предусмотренные:

частью первой статьи 541 УПК разрешаются судом, постановившим приговор, т.е. судом первой, а также апелляционной инстанцией (в случае вынесения оправдательного приговора);

частью второй статьи 541 УПК разрешаются районным (городским) судом по месту отбывания наказания осужденным (если после поступления в суд ходатайства или представления осужденный переведен в другую колонию по исполнению наказания, судом по месту фактического отбывания им наказания);

частью третьей статьи 541 УПК разрешаются районным (городским) судом по месту жительства осужденного.

Вопросы, связанные с приведением приговора в исполнение, предусмотренные статьей 541 УПК, разрешаются вышеуказанными судами независимо от рассмотрения дела в апелляционной, кассационной, надзорной инстанции.

Нарушение правил подсудности при разрешении вопросов, связанных с приведением приговора в исполнение, является нарушением уголовно-процессуального закона.

16. При поступлении в суд ходатайства или представления по вопросам, связанным с исполнением приговора, судья проверяет:

подлежит ли оно рассмотрению в данном суде;

подано ли оно надлежащим лицом или уполномоченным органом;

приложены ли к нему документы, необходимые для разрешения вопроса по существу, и копии соответствующих судебных решений.

Если в поступивших материалах не содержится достаточных данных для рассмотрения ходатайства или представления и в судебном заседании восполнить их невозможно, судья в ходе подготовки их к рассмотрению своим определением возвращает эти материалы для соответствующего оформления. В случае отсутствия документов, которые обязаны представить администрация учреждения или органа, исполняющего наказание, суд не вправе отказать в принятии ходатайства осужденного, его законного представителя или защитника. Суд должен оказывать содействие в сборе необ-

ходимых сведений осужденному, его законному представителю или защитнику, а также администрации учреждения или органа, исполняющего наказание.

В ходе подготовки материала к рассмотрению судья решает вопросы о месте, дате и времени судебного заседания, об извещении участников судебного заседания.

В соответствии со статьей 542 УПК при рассмотрении материалов по вопросам, связанным с приведением приговора в исполнение, участие прокурора является обязательным.

17. Поскольку в главе 59 УПК отсутствует норма, регламентирующая сроки рассмотрения судом материалов, связанных с исполнением приговора, судам по аналогии с правилами, изложенными в части первой статьи 585 и части второй статьи 590 УПК, необходимо обеспечить их разрешение не позднее десяти суток с момента поступления материалов.

18. Исходя из положений части третьей статьи 22 УПК определение суда, вынесенное по результатам рассмотрения вопросов, связанных с исполнением приговора, должно быть законным и обоснованным. С учетом того, что в установленном главой 59 УПК порядке суд решает, в частности, и вопросы замены, смягчения наказания, освобождения от отбывания наказания, определение суда должно отвечать и уголовно-правовому принципу справедливости.

Определение суда, вынесенное по результатам рассмотрения вопросов, связанных с исполнением приговора, вступает в законную силу по истечению срока на апелляционное обжалование (статья 497-9 УПК).

19. Суд, рассматривающий вопросы, связанные с исполнением приговора, вправе вынести частное определение, если при рассмотрении материалов по этим вопросам, будут установлены нарушения администрацией учреждения или органа, исполняющего наказание, требований законодательства.

20. Верховному суду Республики Каракалпакстан по уголовным делам, областным и приравненным к ним судам по уголовным делам необходимо периодически обобщать судебную практику по рассмотрению материалов, связанных с исполнением приговора, и принимать меры к своевременному устранению допущенных нарушений закона.



**Председатель
Верховного суда**

**Секретарь Пленума,
судья Верховного суда**

Ш.ГАЗИЕВ

Д.КАМИЛОВ

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

- мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий таклифлар акс этиши;
 - матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;
 - келтирилаётган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;
 - мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;
 - матн ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши;
 - матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;
 - мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;
 - мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;
 - мақоланинг сўнгги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган;
 - ўзбек, рус ва инглиз тилидаги қисқа аннотация ҳамда таянч сўзлар бўлиши лозим.
- Мақолаларни қуйидаги электрон манзилга юборинг: axborotnoma@vuk.uz



Требования к статьям, публикуемым в «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»:

- статья должна содержать анализ общетеоретических, общественно-политических, правовых вопросов демократизации и обновления общества, реформирования и модернизации страны с отражением положения дел в данной сфере, а также теоретические и практические предложения;
 - исключение повторов в тексте, логическая последовательность, точность, краткость и ясность изложенных идей;
 - достоверность и корректность приводимой в статье информации;
 - к статье должны прилагаться отзыв ученого-правоведа или специалиста в этой области о возможности публикации статьи в журнале, а также отзыв кафедры высшего учебного заведения или отделения научно-исследовательского института, где автор работает или является соискателем;
 - представление статьи на узбекском и русском языках;
 - статья представляется вместе с ее электронной копией, подготовленной с помощью текстового редактора "Word", где текст должен быть отпечатан через 1,5 компьютерных интервала 14 шрифтом "Times New Roman" (сноски 12 шрифтом) на одной стороне стандартной белой бумаги формата А 4. Поля страницы должны составлять: левое — 3 см, правое — 1,5 см, верхняя и нижняя части — 2 см; — наличие в статье научной полемики, сносок;
 - объем статьи должен быть от 8 до 10 печатных страниц;
 - на последней странице статьи должны быть указаны имя, фамилия и отчество, ученая степень и ученое звание, место работы и должность, домашний или служебный адрес, телефоны автора;
 - ключевые слова и краткая аннотация статьи на узбекском, русском и английском языках.
- Статьи направлять по адресу: axborotnoma@vuk.uz



Бош прокуратурада фуқаролар мурожаатларини қабул қилиш жараёни

